

12-сон  
1993 йилнинг  
ДЕКАБР ОЙИ

# Саодат



Бисмиллаҳир  
роҳманир роҳийм

# Саодат

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
АДАБИЙ-БАДИИЙ  
ХОТИН-ҚИЗЛАР  
ЖҲРНОЛИ

12 (702)-сон  
1993 йилнинг  
Декабр ойи

**БОШ МУҲАРРИР:**

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Эшқобил ШУКУР  
(бош муҳаррир  
ўринбосари)  
Чори ЛАТИФ  
(масъул котиб)

Холтош УСМОН қизи  
(турмуш маданияти  
бўлими мудири)  
Салим АШУР  
(ижтимоий-сиёсий  
бўлим мудири)

**ЖАМОАТЧИ ТАҲРИРИЯТ:**

Асқад МУХТОР  
Муҳтарама СОДИҚОВА  
Бибисора ТУРОПОВА  
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА  
Эътибор ОХУНОВА  
Шарифа САЛИМОВА  
Ҳалима УСМОНОВА  
Азиза МАМАТОВА

**Бадий муҳаррир:**  
Жавдат ИНОҒОМ

**Техник муҳаррир:**  
Олимжон ҲАКИМ

**Биринчи муқовада:**  
Мустақиллик тантаналари  
лавҳалари. Суратлар муаллифи  
Абдул Ғани ЖУМА

Аввал онангизга, яна онангизга ва яна  
онангизга, сўнг отангизга яхшилиқ қилинг!



Тошкент «ШАРҚ ГУЛИ»  
бадий ишлаб чиқариш бирлашмаси  
каштачиси Гўзал ТУРАБЕКОВА

# НУҚТА ИЧИДАГИ ТОҒ

Йиллар ўтабери. Кунларнинг ўтиши гоҳо асрлар каби чўзилиб кетса ҳамки, йилларни тўхтатолмаймиз. Бир йил, ўн йил, юз йил... худди кечатгадай, ҳамма нарса ҳозиргина содир бўлгандай. Даврлар алмашади, фасллар янглиғ. У, вақт қушининг қанотлари ҳеч қачон чарчамайди, бўронлар, суронлар, алғов-далғов, урҳо-ур қирғинлар ҳеч қачон бу қушни йиқолмайди. Ҳаёт давом этади. Улиш бор жойда туғилиш ҳам мавжуд, яратганга минг шукрлар бўлсинки.

Ёр юзида парвози доимий вақт қуши сингари, ҳеч қачон, ҳеч нимарса йўқотиб юборолмайдиган улуг тушунчалардан яна бири адабиётдир, санъатдир. Қадимдан, (қадимнинг қадимидан ҳам) одамзот осмон ва ерни кўрган маҳалдан ундаги улуг ҳислар шаклланиб борди. Заминда яшамокча, маҳкум бизнинг ҳуу ўша олис эждодларимизнинг чекидаги, эзгу иш: уни ёруғлик масканига айлантириш. Инсониятнинг икки дунёси саодатли бўлмоғи зарур эди. Йўқ, Одам Ато болаларининг барчаси бу муборак мазмунни англаб билмади. Кўнгил кўзини нафсининг тўймас қўллари, фоний дунё неъматларига тўлғазиб ташлади: Одам ўзгарди.

Қаранг, даврларнинг тўфонларидан иймонни бус-бутун олиб келаберди, бизнинг улугларимиз. Ва улар бугун ҳам бор—орамизда Иншооллоҳ, эртага ҳам бўлажак. Мен энди, бир нарса айтмай, ҳаётда—еру осмон оралиғида йиллар қолади, адабиёт ҳамда санъат қолади, улкан кашфиётлар қолади... тагин... саодатманд одамлар қолади. Аслича, бу тушунчалар моҳиятан ягонадир. Уларни ҳеч қачон айро тасаввур қилиш мумкин эмас.

Замонлар ҳамиша инсон яратган санъат асарлари билан ўрганилади. Фалон даврда (Фалонзот подшоҳлик қилган) фалон кашфиёт яратилган,— дейди йилларнинг нигоҳлари титиб юборган китоблар. Демак, кашфиёт замонни тириктиради, миллатни танитади. Халқнинг кимлигини кўрсатиб кўяди, бу кўҳна ва донишманд дунё бобога. Ўзбекини фақат «оқ олтин» танитди, ўзбек пахта дегани, дея шу юртга ўта бемаъни муносабатда бўлган, оёғи остидаги зўрға кўрадиган кимсаларнинг бижинди фикрларини бир силтаб отади бизнинг файласуф ота шарқимиз. О, бу замоннинг бир нуқтаси ичида жойлашган тоғларни кўриш учун микроскоп... тагин бир бало оскопдан ташқари дил кўзи очиқ бўлиш керак одамнинг. Пахтага қадар ҳам ўзбек бор эди, дунёда. Унинг мўъжизага тўла, мангулик қадар маҳобатли санъати, яъни ҳар бир машғулоти Санъатга айлан-

тириш даражасида салоҳияти мавжуд эди. Тўғри, ўзбек пахтага жон киритди, эртага ҳам киритади. Чунки, бу замоннинг айтиб тургани.

Миллатимизнинг амалий санъати унинг дунё миқёсидаги ўрнини белгилайди, халқ сифатида моҳиятан шаклланишини англайди. Адоғи йўқ, қизиқарли ва гўзал машғулотларга эга ўзбеклар неча-неча йиллардан бери ер юзини ҳайратга солиб келаяпти. Қуёшнинг ҳавасини келтиргувчи, лов-лов товланган атлас либосли, бошида зар дўпписи, қиққокили шовуллаб тўкилган санамнинг ўзи бир сир афсусли, мўъжиза эмасми? Топиб келинг менга унинг шу туришини юрагини чангаллаб, минг бир ҳаяжон ичида тасвирлашга олишмаган жаҳоннинг зўр-зўр ёзувчисини... Топиб келинг менга дунё санъатини бойитиш имкони туғилганидан мўйқалам излаб югурмаган буюк мусаввирни.

Шарқнинг ҳарир ва нафис, сержило ипаклари бугунга қадар ўзимиздан, ўзлимиздан сўзлаётми, десам ишонасизми?

Сўлим Тошкент ҳар тонг ўз фарзандларини эзгу ниёт билан ишга кузатади. Нарёғи завод унинг, яна ўнлаб фабрикалар... Сиз билган билмаган тўрли хил ишхоналар... Шаҳарнинг Урдасида эса юрагимизда ифтихор туйғуларини уйғотувчи, исмида бир ажойиб «Шарқ гули» бадий ишлаб чиқариш бирлашмаси бор.

«Шарқ гули»да бодомча, ироқи, шаҳрисабз, гилам (гулдузи) дўппилар ҳамда сўзана, кирпич, гулкўрпа, тўй совғалари бўлмиш миллий либослар ишлаб чиқарилади. Ҳар бир маҳсулотнинг ўзига хос кўрки, безаги мавжуд.

Бирлашманинг юраги миллийлик бўлса, унинг қон томирлари ипақлардир. Ҳарир ипақлар қадим ўтмиш, ўзбекликдан сўзлайди, бу халқнинг неларга қодирлиги, анойи (балки ёввойи) эмаслигини исбот қилади. Бу ерда тайёрланган маҳсулотларни кузатиб, бошингиздан оғир ва ҳазин бир куй—датор навоси қўйилаётгандай бўлади, беихтиёр антикасиз, кўз олдингиз жимирлаб фикру хаёлингиз равшан тартади. Манови сержило палак қадим эналаримиз ижоди, унга боболаримиз меҳри тушган. Манов дурдона гулдузи дўппини бугунги Алишерлар киймоқча хижолат чексалар, ул замонлар Ҳазрат Навоийнинг бошларида иззат топган. Ёхуд бетакроп нақшин гулли сўзаналар ҳурматини англаган ҳар бир ўзбекнинг уи тўридан жой олган... Гулли-гулли дастурхонлар, гулли-гулли кўрпачалар, гулли-гулли болишлар—бир хонадоннинг, шарқ аёли тутган рўзгорининг кўркидир.

Дунё ўзбек деганда, очиги, ўзбекнинг ўзига хослиги деганда шулар ҳақида ўйлайди. Чиндан ҳам санъат даражасига кўтарилган ҳар қандай машғулот чегара билмайди. Миллийлик Америко ё Франция, Англия ё Италияда, хуллас дунёнинг ҳар қайси бурчагида бўлмасин эъзозини топаверади. Миллийлик—халқ, миллийлик—тарих, миллийлик эртанги кун. Бугун бизнинг ўзига хос, ҳеч бир халқда учрамайдиган қадим либосларимиз жаҳоннинг мана ман деган музейларидан жой олган. Ҳа, санъатни чегаралаб бўлмайди. Инсоният ҳаммашта ўз миллати иркидан қатъий назар бир-бирининг урф-одати, ўзига хослигини ўрганишга ҳаракат қилиб келган.

Сиёсатдан келсак, «Шарқ гули»да, бизнинг байроғимиз ҳам тайёрланади. Туғ миллатни бирлаштиради. Маълумингизки, туғ ҳарбийда, энг қудратли қуроллардан ҳам кучлироқдир. Туғ аскардан қадрлироқдир. Агар туғи йўқолса, бутун бошли қисмлар танк-панки, қурол-яроғи билан тарқатиб юборилади.

Бирлашмада тўқсон фойиз аёллар ишлайди. Қизиги, кўп болали аёллар, қатнаб ишлашга қийналадиган аёллар уйда буюртма қабул қилади. Улар касаначилар дейилади. Яна нима деймиз; маҳсулотга талаб кучли. Чет эл билан ҳозирча тўғридан-тўғри алоқа йўқ. Бирлашма Республика сайру-саёҳат қўмитаси келган ҳамкорлик қилади, яъни, Ватанимизга келган сайёҳлар бирлашмага ташриф буюришади. Тайёр маҳсулотлар маъқул экан, бирлашма қошида очилган тижорат дўқонидан харид қилишади. Бу йил соф даромад 270 миллионга етди. Ишчилар учун қулай шароитлар мавжуд. Бирлашманинг ўз боғчаси бор.

Ҳар жойнинг, айниқса, бугунги кунда муаммолари топилади. Бирлашма Бош иқтисодчиси Маҳмуда опа Пўлатованинг айтишича, попоп сеҳида тайёрланадиган маҳсулот учун тақир духоба Россиядан олинаркан. Ҳозир шу нарсага эҳтиёж сезиларли. Бундан ташқари Россиянинг ипағига ҳам муҳтож. У киши менинг таажжубли қарашимни сезиб, бу бошқача ипақ, шойи ипақ, бу атрофда Тожикистоннинг Ленин-ободидан олинади, деб қўйди.

Халқимиз учун ўлмас, миллий маҳсулотлар тайёрлаётган «Шарқ гули» ўзбекнинг қадимдан руҳан тараққиётга юз тутганини айтиб туради. Биз бунга ишонамиз... ва... бутун ер юзининг ишоншини хоҳлаймиз.

Гулзода ҲУСНИЕВА

## Насиба ИБРОҲИМОВА, Маданият ишлари вазирининг муовини

Қайси даврга мансублигидан қатъий назар аёл ўз ўрнига эгадир.

Жамиятни сақлаш учун ҳар ким ўз оиласида хотиржамлик сақлаши, бутун жамиятнинг осойишталигини таъминлайди. Иш вазифасини фидойилик билан бажаришда аввало ҳар кимнинг уйда тинчлик бўлсин. Сир эмас, бизда жуда кўп оилавий тадбир кундуз кунлари бўлади. Иш вақти кетади. Бугун маҳаллаларда ҳам аёл фаолиятига эътибор бериб, бир ёқламалikka йўл қўй-



маслик керак. Дунёвий билимларни эгаллаган аёл оиласида етук фарзандлар тарбиялайди. Мактаб ҳамма нарсага улгуролмайди. Умуман, аёлни оиладаги оилавий муносабатларда одоб маданияти, яъни, аёлни оиладаги вазифасини тўғри англаб олишимиз керак. Оилада қадр топмаган аёл жамиятда қадр топмайди.

Хуллас, ҳозир маданиятимизни юксак даражага кўтарадиган тизим ишлаб чиқиш керак. Бу бутун бир концепсияни ишлаб чиқиш дегани. Оила мустақиллигини таъминлашга интилиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

## Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф)дан иборат ўзбек алифбоси жорий этилсин;

2-модда. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
И. КАРИМОВ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНING ҚАРОРИ

### «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Янги алифбога босқичма-босқич ўтилиб, бу иш 2000 йил 1 сентябрига қадар тўлиқ тугаллансин.

3. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси ташкил этилсин (таркиби илова қилинади).

Республика давлат комиссияси: уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия болалар муассасаларида, мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларида янги алифбога босқичма-босқич ўтишининг давлат дастури ва тартибини ишлаб чиқсин ва уни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғига тақдим этсин;

1993-1994 йиллар давомида ўзбек орфографиясининг янги қоидаларини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этсин;

«Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Олий Кенгашнинг ушбу Қарорини рўёбга чиқаришда давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг республика ҳамда маҳаллий органларига услубият ва ахборот бобида мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб борсин;

республика ва маҳаллий бошқарув органларининг янги алифбони жорий этиш юзасидан қилинаётган ишлар тўғрисидаги ахборотларини мунтазам тинглаб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги янги алифбога босқичма-босқич ўтишининг давлат дастури ва тартиби асосида:

лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини амалда жорий этишга доир аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

1995 йил 1 сентябрдан эътиборан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларида эса факультатив машғулотлар ташкил этишни таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси 1995 йил 1 августга қадар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилишини таъминласин.

6. Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари республика давлат комиссияси билан келишган ҳолда лотин ёзувига асосланган ўзбек

алифбосини босқичма-босқич жорий этишга доир дастурни амалга ошириш бўйича комиссиялар тузсинлар.

7. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, жамоат бирлашмаларининг республика органлари, шу жумладан тасарруфларидаги корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ҳам ходимларга янги алифбони ўргатишни ташкил этиш ҳамда бунинг учун керакли дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва техника воситалари билан таъминлаш юзасидан махсус ишчи гуруҳлари тузсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, янги алифбони жорий этишга доир барча харажатлар мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан (бюджет ташкилотлари бундан мустасно) амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

1994 йилги ҳамда ундан кейинги йилларга мўлжалланган давлат бюджетини шакллантириш чоғида янги алифбони жорий этиш мақсадида зарур бўладиган маблағларни бюджетдаги ташкилотлар учун — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига ажратилишини назарда тутсин;

1993-1995 йиллар давомида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш билан боғлиқ тадбирларни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг ҳамда корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва ўқув юртларида янги алифбони факультатив тарзда ўрганишни ташкил этишнинг биринчи галдаги масалаларини ҳал этсин;

ушбу Қарор бажарилишининг бориши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашини мунтазам хабардор қилиб турсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги амалдаги қонун ҳужжатларини «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

10. Янги алифбога тўлиқ ўтилган пайтдан, яъни 2000 йилнинг 1 сентябридан эътиборан 1940 йил 8 майда қабул қилинган «Ўзбек ёзувини лотинлаштирилган алифбодан рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосига кўчириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1940 йил, №4 Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг Раиси  
Ш. ИҲЛДОШЕВ

Тошкент шаҳри,  
1993 йил 2 сентябрь

алифбоси ҳам иероглиф ҳисобланади. Кейинчалик бу ёзув финикий ва грек алифболарига катта таъсир кўрсатган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, финикий ёзувининг ҳарфлари билан араб имлоси ҳарфларининг номи жуда ўхшаш ва баъзилариники дейрли бир хил. Масалан, финикийнинг биринчи ҳарфининг номи «алеф» бўлиб, «ҳўкиз» деган маънони англатади. «Алеф» асосида грек ва латин алифбосидаги «А» келиб чиққан. Араб алифбосидаги «алиф» эса финикийдаги «алеф»нинг фақат битта тик чизиғи сақланиб қолган шакли. Финикийнинг иккинчи ҳарфи «бет» бўлиб, уй деган маънони англатади. Араблар эса уйни «байт» дейишади. Худди шунингдек учинчи ҳарф «гимель» (маъноси «туя»), арабча «жим»дир ва араб тилида «туя» — «жамал». (Араблар чет сўзлардаги «г»ни «ж» деб ўзлаштирадilar). Финикий ҳарфларидан «нун» (балиқ, наҳанг), «айн» (кўз), «вов» (мих)нинг маънолари, англатадиган товуш ва номлари араб имлоси билан бир хил. Фақат «шин» (тиш) арабчада «синн» «йўд» (кўл) эса «айд», «мем» (сув) «маа»дир.

Латин алифбосининг классик шакл (варианти)да 23 ҳарф мавжуд бўлган ва улардан R, U, Z фақат грек тилидан кириб келган сўзлардагина ишлатилган. Дастлаб латин алифбосида, араб имлосидагидек «у» ва «в» учун бир ҳарф ишлатилган. XII асрга келиб бу икки товуш фарқланди. VIII асрдан бошлаб латин алифбоси асосида кўп-лаб жаҳон ёзувлари юзага кела бошлади.

Қадимги Римда пайдо бўлиб, милоддан олдинги иккинчи асрда такомиллашган бу алифбодан ҳозирги кунда жаҳоннинг 70 дан ортиқ халқи фойдаланади. Буларнинг ўттиздан ортиғи Оврупо, йигирмадан зиёди Осиё, яна йигирмадан кўпи Африқо халқларидир. Энди бу гуруҳга қирқ уч йиллик таънаффусдан сўнг биз ҳам қайта қўшилдик. Бу янги имломиз ҳам келажакка олтин кўприк бўлиб қолишига ишонаман.

Абдулла УРОЗ

Латинча			Кирилл-ча
Харфлар			
Босма	Ёзма	Талафф.	Харфлар
A a	A a	a	А а
B b	B b	be	В в
C c	C c	ce	Ц ц
D d	D d	de	Д д
E e	E e	e	Э э
F f	F f	ef	Ф ф
G g	G g	ge	Г г
H h	H h	he	Ҳ ҳ
I i	I i	i	И и
J j	J j	je (Jōga)	Ж ж (Жўга)
K k	K k	ka	К к
L l	L l	el	Л л
M m	M m	em	М м
N n	N n	en	Н н
O o	O o	o (ota)	О о (ота)
P p	P p	pe	П п
Q q	Q q	qa	Қ қ

R r	R r	re	Р р
S s	S s	es	С с
T t	T t	te	Т т
U u	U u	u	У у
V v	V v	ve	В в
X x	X x	xa	Х х
Y y	Y y	ye	Й й
Z z	Z z	ze	З з
Ç ç	Ç ç	çe	Ч ч
Ş ş	Ş ş	şa	Ш ш
Ž ž	Ž ž	že (aždod)	Ж ж (аждод)
Ń ń	Ń ń	ńe	Нг нг
Ő ő	Ő ő	ő (ördak)	У у (урдак)
Ş ş	Ş ş	şe	Ш ш

(') - тутук белгиси (апостроф)

Ёзув ҳақда пайғамбаримиз «сўз — қуш, имло унинг тузоғи», деб марҳамат қилганлар. Арабларнинг «ал-имлау нисфу-л-илма», яъни ёзув илмининг ярми деган ибораси ёзувнинг аҳамиятини яна бир бор кўрсатади. Шунга ўхшаш латинларда ҳам *berfa boland — scripta manent* — «сўз учару битик қолур» деган нақл мавжуд.

Ўзбек халқи чуқур имло тарихига эга. Биргина қадимги туркий ёдномаларнинг ўзи урхун-энасой, уйғур, сугдий, моний ва бироҳмий ёзувларида битилган. Араб имлоси ҳам минг йиллик тарих, бадий-илмий мерос ҳамда маданиятимизга кўприк сифатида ғоят қадрли. Ёзув фикрни товуш етмай-

диган жой ва келажакка етказиш эҳтиёждан келиб чиққан. Дастлаб бу вазифани рамзий маъноларга эга буюмлар бажарган. Умуман, ёзувнинг илдизи одамзот бирор жойга белгилар қўйиб, маъносиз чизиқларни чиза бошлаган вақтга бориб тақалади. Кейинчалик инсоннинг жисмоний ва ақлий такомиллашиши натижасида кўнгилда туғилган фикрни тасвир — расм орқали ифодалай бошланган. Маълум бир шаклга эга бўлмаган, яъни абстракт (мавҳум) нарсалар учун ҳам аллақандай рамзий белгилар ўйлаб топилган. Шу тарзда тараққиёт маҳсули ўлароқ ёзувнинг пиктографик, логографик (ёки идеграфик) иероглифик, михсимон ва бошқа турлари келиб чиққан.

Фонографик ёзув эса, имлонинг энг сўнгги туридир. Ҳозирги пайтда жаҳон аҳлининг тўртдан уч қисми ёзувнинг ушбу туридан фойдаланади. Фонографик ёзувда ҳар бир товушни ифодалайди. Бу ёзув навъи, асосан, тўрт хил имлодан иборат. Латин ёзуви асосида юзага келган алифболардан жаҳон аҳлининг 30 фоизи, славян-крилицадан 20 фоиз, араб имлосидан 10 фоиз, ҳинд (деванагари)дан 10 фоиз истефода этади.

Латин ёзувининг тарихи Миср иероглифларига бориб тақалади. — «Иероглиф» грекча сўз бўлиб, «муқаддас ёзув» деган маънони англатади. Бу ёзувдан қадимги Арабистонда ҳам кенг фойдаланилган ва ҳозирги Хитой

# ВАТАННИНГ ВАТАНИ—ЮРАКЛАРИМИЗ

Биз қайдан келдик ва қаён кетурмиз? Биз ўздан келганимиз. Ўзга қайтурмиз. Бизни кутувчи ва кузатувчи ким? Ватандир. Ватан! Бу дунёда руҳ учун энг буюк топилма нима? Ватан... Ватан. Ўзини билганлар биларлар — Ватаннинг ватани юракларимиз. Энг буюк севгига яраса юрак,— Ватанни севажак, Ватанни. Энг олий қайғуга яраса юрак,— Ватан деб қайғурар, қайғуланар Ватан деб.

Кўнглимнинг ичида ўттиз йил юрдим,  
Ўттиз йил ташнайдим бир буюк Сўзга.  
Ниҳоят, ўттиздан ошганда билдим,  
Суюнчим йўқ экан Ватандан ўзга.

Мен Ватан ҳақида ёзайин десам,  
На кучим етолди, на истеъдодим.  
Ватанни кўрдим мен отамни кўрсам,—  
Минг йиллик қувончим, минг йиллик додим.  
Энди сўзламасман ўзимдан ортиқ,  
Сендадир ҳақиқат, Сенда истиқбол.  
Ўзбекининг ерига келишдан олдин,  
Менинг юрагимга келди истиқлол.

\* \* \*

Асли истиқлолнинг моҳияти не? Инсон истиқлоли, халқ истиқлоли, Ватан истиқлоли... Одам яралганда қалбдан ҳур эди. Ер ва осмон ўртасида озод кўнгиллар яшил қушлар каби мовий ҳаволарда сузардилар. Қалб ҳурликни севади, нафс қулликни.

Йиллар ўтаверди карвонлар каби. Одамлар ўзгарди. Дунё айнади. Мовий ҳаволарнинг яшил гуллари — илоҳ қушларини овлашга ўрганди кимсалар ва нимарсалар. Хўрак нелигини билмаган, умрида ҳеч таом татиб кўрмаган ўшал қушларга олтин донлар сепиб, дур донлар сепиб овладилар, овлайвердилар. Ер юзини бузди бу лазнати ов.

Қалб ҳурликни севади, нафс қулликни.

Рўйи заминда халқлар пайдо бўлганида, қуллик ҳам алафларча «гуллаган» эди. Одамнинг одамага қуллиги — халқ қуллигига замин ясади. (Худди шундай инсон истиқлоли халқ истиқлолига асос солади).

Энг буюк фожиа халқни қул кўрмоқ. Бу оғир маънидир, даҳшатли маъни. Қуллик ҳаёт ва ўлим орасидаги чегарани йўқ қилиб юборади. Халқни қул кўрмак бу — отани, онани, фарзандларни қул ҳолда кўрмақдир.

Аслида истиқлол ягонадир. Лекин у инсонда ҳам, халқда

ҳам, Ватанда ҳам бир бутун ҳолда, бўлимай фаолият кўрсата олади. Истиқлол қалбга ўхшайди.

Истиқлол! Мен сени англашим учун,  
Қодирий умрини яшамоғим шарт.  
Магаданга бориб Усмон Носирнинг

Тўхтаган қўшигин бошламоғим шарт.

Рухимга ҳуррият майин ичириб,  
Кулликни аёлдай қарғашим керак.

Тилимдан ям-яшил қушлар учуриб,  
Дилимни худога боғлашим керк.

\* \* \*

Ассалом, Туркистон! Ассалом Ватан!

Кўнгил лахча-лахча чўғлар каби бу азиз сўзларни майсалар яфроғига ва юракнинг алвон туфроғига битар... Бу сўзларнинг ҳар бир товушида адабият ва ҳақиқат рангларининг илоҳий товланиши кўринар... Ватан ҳақидаги сўзларгина шундай жаранглар ва илоҳий товланар. Зеро ҳақиқат моҳиятда. Ватан ҳам моҳиятдир. Шунинг учун ҳамки, худонинг олдида ҳамма баробар бўлгани каби Ватаннинг олдида ҳам ҳамма тенг ва баробардир.

«Ўлим! Сенинг ўлимингни истаганларга!  
Нафрат! Сени кўмгани келганларга!»

Ватан ҳақидаги бу сатрларни битаётганида Абдурауф Фитрат истиқлол қайғусига айланган эди. Унинг ғамли юраги озодликнинг бир томчи шаффоф суви каби Ватан кўзида қалқди.

«Эркин бошқалардир, қамалган менман,  
Ҳайвон қаторида саналган менман».

Бу сатрлар жувонмарг кетган, истибоднинг хуфиёна қатлгоҳида қони тўкилган Абдулҳамид Чўлпоннинг юрак парчаларидир. Истибод замонида чинакам шоирларнинг фарёдлари мазлум миллат овози бўлиб қайғули жанранглади. «Бу — қаршилик. Кўриниб тарихни». Истиқлол бизга осонга тушди, дегувчилар ноҳақдирлар, аниқроғи, гумроҳдирлар. Ватан озодлиги учун ҳатто қафаслар ичида қайғули ва мардондор курашган Ватан фарзандларини унутмак онкўрликдир.

Туркистон қаддини кўтараётир. Бу қадди камол азалдан улуғворликнинг рамзи бўлиб келган.

\* \* \*

«Плутон менинг дўстим, лекин, ҳақиқат ундан қимматлироқдир» — дейди Арасту.

Сиз менинг юртдошимсиз, сиз менинг яқинимсиз. Лекин, сиз иккимизнинг орамызга тоғдай чегара қўйиб қўйдингиз. Айтдингизки: «СССР даврида зўр эди. Ўша замонлар қайтармикин? СССР тикланармикин?» Сиз табиий гапирдингиз, кўрларча гапирдингиз. Бу сўзлар менинг юрагимни тешиб ўтиб кетди. «Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди» деган нақл эсимга тушди.

Биродарим, бу дунё қорин тўйғизиш ва кун ўтказишдан иборат эмас-ку. «Одам овқат ейиш учун яшайдими ё яшаш учун овқат ейдимми?» деган ҳикматнамо саволни эшитмаганмисиз?

Ахир, Ватан, озодлик, ҳурлик деган буюк тушунчалар ҳам бор-ку. Гапирманг, мен кўнглингиздаги эмас бўғзингиздаги гапни тушундим. Айтмоқчисиз-ки, «Сен айтаётган ўша буюк тушунчалар билан қоринни тўйғизиш бўлармиди?»

Биродарим, бу қорин қурғурни тўлғазиш мумкин, лекин ҳеч қачон тўйғизиш бўлмайди. Аҳ-волингиз ёмон. Бўйнингизга занжир солиб, бировнинг эшигига боғлаб қўйсалар-да, суяк ташлаб турсалар бўлгани. СССРни соғинишингизни моҳияти шундан бошқа нарса эмас.

Ўйлаясиз: «Фалсафа сўқасанлар. Нима Арасту овқат емаганми?»

Арасту яшаш учун овқатланган, сиз эса овқатланиш учун яшайсиз. Фарқингиз шу.

СССРни соғиниб қолган биродарим, келинг сизга бир ҳикоят айтмай:

Шайх Иброҳим Адҳам бир кун дўстларидан бирдан:

— Қандай яшаяпсан? — деб сўрабдилар.

— Топсам шукр қилиб, топмасам сабр қилиб яшаяпман — деб жавоб берибди дўсти.

Шунда Шайх Иброҳим Адҳам: — Ахир, Хуросонда ҳар қандай ит шундай яшаши мумкин-ку, дебдилар.

Шунда Шайхнинг дўсти: — У ҳолда ўзинг қандай яшаяпсан? — деб сўрабди.

Шайх Иброҳим Адҳам: — Топсам хайр қилиб, топмасам шукр қилиб яшаяпман, — деб жавоб берибдилар.

Тушунолмадингиз-а?.. Тушунмайсиз ҳам. Чунки, сиз шўрликда катта Ватан тушунчаси йўқ. Сизнинг ватанингиз қорингиз. Сизнинг халқингиз фақат ўзингиз. Болаларингизни худо бундай балодан асрасин.

\* \* \*

Милодий 1993 йил якунланди. Мустақилликнинг иккинчи йилини яшадик. Ватанимизда буюк тарихий жараёнлар кечаётир.



**Эшқобил ШУКУР**  
Бош муҳаррир ўринбосари,  
шоир, ёзувчи, Усмон Носир  
мукофоти соҳиби, Ўзбекистон  
Адиблари Иттифоқи аъзоси.  
1961 йил Сурхондарё вилояти,  
Қумқўрғон туманидаги Бой-  
моқли қишлоғида туғилган.  
Иш телефони: 33-49-03.

Истиқлолнинг тўла ғалабаси ҳеч қайси замонда осонлик билан кечмаган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай майда гаплардан олдин Ватан мустақиллигининг чинакам моҳиятини илғашимиз керак. Ҳозирги кечираётган кунларимиз, барибир, халқимиз тарихининг олтин даври бўлиб қолади. Бир юзу қирқ йиллик истибоддан сўнгги шууримиздаги хира туманлар истиқлол моҳиятини тўла тушунишимизга ҳали-да халақит бераётгандай. Лекин, халқ ва миллатнинг янги авлоди шакллана бошлади. Бу авлоднинг онги, шуури, қарашлари, Ватанга муносабати ўзгача бўлади. Чунки, уларнинг руҳиятига қуллик соя сололмайди. Ривоятга кўра, Мусо пайғамбар ўз қавмларини Миср қуллигидан озод қилгандан сўнг уларни қирқ йил мобайнида саҳрода адаштириб юриб, қирқ йилдан кейин Ватанини кўрсатган экан. Бу билан пайғамбар ўз қавмларига Ватан ва озодлик туйғусини сингдирган. «Кимлар нутқ сўзлади, кимлар қон тўқди шу Ватан учун» дейди турк шоири. Бизнинг вужудимиздаги олтимиш икки минг томиримиз Ватан тупроқларида илдиз отган. Демак, унинг ҳар зарраси бизга муқаддасдир.

Шоир айтганидай:  
Агар ер юзида бир аёл бўлса,  
Муҳаббат бор ер юзида.  
Агар ер юзида бир гўдак бўлса,  
Келажак бор ер юзида.  
Агар ер юзида бир қарич ер бўлса,  
Ватан бор ер юзида.

## ВАТАНИ АНГЛАШ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Миллий урф-одат ва анъаналар, инсонга маънавий озуқа берибгина қолмай, уни ҳар томонлама етук шахс бўлиб камол топишида ҳам аҳамиятли. Чунки ҳар бир киши баркамоллик сари юз бурмоғи учун, дастлаб ўзини, халқининг тарихи, расм-русумларини таниб, тан олмоғи керак.

Ўзбек халқи маданияти, урф-одат ва маросимлари илдизи олис ўтмиш бағрида ҳам мустақкам эди. Агар биз мозийни чуқур ўрганишга киришсак, анъаналаримизнинг нечоғлик қизиқарли ва ажойиб эканлигини ҳис қиламиз. Бирор юртнинг келажаги ҳақида фикр қилиш учун, унинг ўтмишига назар солинади. Ўтмиш халқнинг юзи ҳамда эртасидир. Бугунги кунда маданият уйларида, маҳаллаларда, ташкилотларда, кутубхоналарда халқимизнинг расм-русумларига оид ўтказилаётган йиғин ва тадбирлар қувонарли ҳол. Ватанинглаш шундан бошланади.

Шукрки, жумҳуриятимиз шаҳар ва қишлоқларида меросимиз, маънавий қадриятимизга бағишланган жуда кўп тадбирлар ўтказилаёпти. Ёш авлод дунёсини шакллантириш, ўтмишга муҳаббат, ҳар қандай даврда яхши оқибатлар сари етаклаган.

Янгиқўрғон туманидаги Хадикент қишлоқ кутубхонаси қошида ташкил этилган «Садоқат» қизлар клубида ҳам турли-туман тадбир негизини шу руҳ, шу туйғудаги, шу йўналишдаги ишлар ташкил қилади. Кутубхона ходимаси Ерқиной Исроиловнинг фидоийлиги боис ташкил қилинган «Қизлар» клубининг вужудга келганлиги ва кутубxonанинг айрим ишлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. «Муҳаббат — оила негизи», «Яхши оила — бахт рамзи», «Қайнонам — онам менинг, келиним — болам менинг», «Оила ва турмуш», «Бадий адабиётда хотин-қизлар образи», «Фарзандим — меңинг бахтим», «Ён қўшним — жон қўшним», «Аёллар — олам чароғи», «Садоқат — ҳаёт мезони», «Нон — ризқу рўзимиз» каби тадбирлар шулар жумласидандир. Бу тадбирларда — муҳаббат, вафо, садоқат ҳақида гапирилиб қолмай, оила муаммолари, уй-рўзғор ташвишлари, қайнона-келин муносабати, шахсий гигиена масалалари, кийиниш маданияти, меҳмоннавозлик муносабатлари ҳам тилга олинади. Уй бекалари учун эса фойдали маслаҳатлар берилади, бола тарбияси, ахлоқ-одоб масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади.

«Садоқат» қизлар клубининг маданий-бадий тадбирларида айниқса, аёллар эъзози, уларнинг оилада, турмушда тутган ўрни юксак қадрланади. Ишлаб чиқаришдаги илғор хотин-қизларни рағбатлантириш билан бирга кўп болали оналар билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Қишлоқ кутубхонасида ташкил этилган хотин-қизлар клубига фақат қишлоқда истиқомат қиладиганларгина эмас, атрофдаги Ўзак, Улуғбек, Яланғоч, Хадикент жамоа хўжаликларидан ҳатто ўқувчи ёшлар ҳам жалб қилинди. Бундан кўринадики, қишлоқ аҳли оила бутлиги юрт фаровонлиги ўзаги эканлигини англамоқдалар.

Мирбаҳодир БАДАЛОВ,  
педагогика фанлари номзоди



**Жавдат ИНОФОВ,**  
бадий муҳаррир

1969 йил Тошкент шаҳрида туғилган, Тошкент Давлат педагогика институтининг бадий графика бўлимини тугаллаган,  
Иш телефони: 32-56-68



Ўзбекистон истиқлолига бағишланган  
триптих плакатлар муаллифи  
Жавдат ИНОФОВ



**Холтош УСМОН қизи,**  
Депутатлар фаолияти ва  
кенгашлар бошқаруви бўлими  
мудри, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист,  
1950 йил Самарқанд вилояти,  
Каттакўрғон туманида туғилган,  
Иш телефони: 32-56-69



**Салим АШУР,**  
Ижтимоий-сиёсий  
бўлим мудри, шоир.  
1964 йил Сурхондарё вилояти,  
Кизирик туманида туғилган.  
Иш телефони: 32-56-03

Утмишга айланиб бораётган йиллардан яхши-ёмон излар қолади. Шу маънода, 1993 йилдан ҳам Ватанимиз поёнларида муборак белгилар хотира бўлиб қолди. Айниқса, заҳматкаш пахтакорларимизнинг меҳнатларига дунё «офарин»лар айтди. Бу йил мустақил мамлакатимиз бўйича 1 млн. 715 минг гектарга чигит қадалди. Бу жами суғорма ерларимизнинг ярмига тенгдир. Ўзбекистон бу йил 1,5 млн. тоннага яқин пахта толаси етиштирди. 1 тонна пахтадан 400 кг.дан ортиқ сифатли ем, 15-20 кг. совун, 100 кг.дан ортиқ ёғ, 80 кг.гача линт, 3-4 минг квадрат метр газлама олинди. Ҳамдўстлик мамлакатларидаги 62 фойиз пахтани Ўзбекистон етиштирди. Дехқончилик саноат мажмуимизда барча ишлаб чиқариш фондларининг 70 фойизи пахтачилик тармоғига тўғри келади. 1 кг. пахта толаси хорижда 20 кг. донга тенг нархда баҳоланади. Кейинги уч йил давомида биринчи марта халқ хўжалигида ишлаб чиқаришга сарфланган маблағ ўзини ортиғи билан қоплади.

Бу йил давлатдан қарздор қатор хўжаликларни тугатиш, уларнинг ўрнига бирмунча самаралироқ бўлган ширкат хўжаликлари, хўжаликлар бирлашмалари — корпоратсиялар тузиш тажрибалари илк бор синовдан ўтказилди. Бундай тузилмалар жаҳон тажрибасида синовдан муваффақиятли ўтган, ўзини оқлаган. Ўзбекистон хўжалик юритишда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг илғор тажрибаларини ижодий ўзлаштириш йўлидан бормоқда. Чиндан ҳам «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» эканлиги, бу йўл ишончли йўл эканлигини намойиш этмоқда.

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги 24-давлат хўжалиги бу йил жамоа-ширкат хўжалигига айланган эди. Бу сўтсиялизмнинг етмиш йиллик синовидан ўтган, давлат ва жамоа хўжаликларининг энг яхши, мукамал қирраларини ўзида жам этган, сифат жиҳатидан янги бир тизимдир. Шу тизимга ўтилгач, хўжалик бошқарув тармоғи 40 фойизга қисқарди. Хўжаликнинг барча тармоқлари «ўз арваларини ўзлари тортадиган» бўлди. Хўжалик 1992 йилдан 48 млн. сўм соф фойда билан чиққан эди. Шунинг ҳисобига хўжаликда жуда катта маданий-маиший объектлар қурилди, кичик корхоналар тузилди.

Хўжаликда донни саралаш, асфалт заводи, 60 ўринли санаторий-профилакторий, ошхона, ҳаммом, клуб қурилди. Яқинда сутни қайта ишлаш сеҳи ҳам ишга тушди. Илгари сут вилоят маркази — Қарши шаҳрига машиналарда келтириларди. Энди ёқилғи, қанчадан-қанча эҳтиёт қисмлар, ҳайдовчиларга сарфланадиган харажатлар хўжаликнинг ўзида қолади. Бироқ энг муҳими бу эмас. Муҳими — илгари сут хўжаликдан хом ашё сифатида чиқиб кетар, суддан келадиган даромад ҳам шунга яраша бўларди. Энди эса мутлақо бошқача. Яъни, илгари бир литр сутни хўжалик 80 сўмдан сотган бўлса, энди бир литр суддан 6—7 минг сўм фойда қилади. Қандай қилиб? Бир литр суддан 4 қути қуюлтирилган сут, қанча пишлоқ, сариёғ, қатиқ, творог ва бошқа тайёр маҳсулотлар олинади. Бошқа нарсаларни қўя турайлик-у, 1 қути қуюлтирилган сутнинг ўзи 1,5 минг сўм атрофида давлатга сотилмоқда. Қанийди бутун мамлакатимиз ҳам тезроқ ана шундай тайёр маҳ-

сулотларини жаҳон бозорига чиқарадиган, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олса эди. Биз ҳам жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражада товарлар ишлаб чиқарсак-да, халқаро баҳоларда сотсак.

Мамлакатимизда 1993 хўжалик йилида пилла, ғалла, мева-сабзавот, пахта ва бошқа соҳаларда ҳам йиллик режалар ортиғи билан бажарилди. Бундай улкан меҳнат хирмонида 24-жамоа-ширкат хўжалигининг ҳам улуши катта бўлди. Хўжаликнинг умумий ҳайдаладиган ер майдони 3854 гектарни ташкил қилади. Шундан 600 гектар ерга ғалла, 30 гектарга сабзавот, 300 гектарга беда, 30 гектарга полиз, 2360 гектар ерга чигит экилган эди. Сабзавот 120, полиз 130, ғалла 140, беда 135, пахта режаси 125 фойизга бажарилди. Бундан ташқари, хўжалик эрта баҳорда 40 қути ипак қурти олиб боқиб, 2000 кг. режани 2355 кг. қилиб уддалаган эди. Бугун — меҳнат ҳароратига тўла кунлар, ёз ва кузнинг узун кечалари ортада қолганда хўжалик ҳисобчилари ана шундай улкан меҳнатдан келадиган даромадни ҳисоб-китоб қилиш билан бандлар.

«Меҳнатнинг тағи роҳат» деб бежиз айтмаганлар. Хўжаликда кам таъминланган, қаровчисиз қолган оилалар, уруш қатнашчилари, ногиронлар, нафақахўрлар ана шу даромад ҳисобидан ижтимоий ҳимояга олинмоқдалар. 1993 йил январидан — 6 ой давомида 1 млн. 208 минг сўм моддий ёрдам бўлсин учун кам таъминланган оилаларга ажратилди. Боқувчисини йўқотган, қаровчисиз қолган оилаларга, уруш қатнашчиларига 17 минг сўмдан ҳар ойга доимий нафақа белгиланди. Байрамларда, хайитларда уларга қўшма равишда гўшт, гуруч, мой, мавсумий кийим-бош ва бошқа нарсалар берилади. Ярим йилда аҳолига 24 минг дона шифер ва бошқа қурилиш жиҳозлари бозордагининг ярим нархида сотилади. Бу республика ҳукуматининг аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги тadbирларига Эгамберди Ниёзқулов бошлиқ хўжалик раҳбариятининг тўғри муносабатидан, ушбу тadbирларни қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради. Қашқадарё чўлининг қоқ ўртасидаги бу хўжалик июл ойида 100 фойиз газ билан таъминланди.

Ҳаммамиз гувоҳмиз, бу йил деҳқон учун жуда ноқулай йил бўлди. Баҳор чўзиллиб, куз эрта бошланди. Сув танқислиги муаммосини ҳам ҳисобга олсак, чўл минтақаларида экин-тикинга ўзига хос равишда ишлов бериш талаб қилинди. Шунинг айтиб ўтиш керакки, илгари қайси экинга қачон, қандай ишлов бериш кераклигини хўжалик раҳбарлари кўрсатишарди. Мустақил мамлакатимизда деҳқонларимизга эркинлик берилгани рост бўлсин. Эгамберди ака Ниёзқуловнинг тажрибаси чўл шароитида қўл келди. Бу йил ҳар йилгидан фарқли ўлароқ, пахта плантатсиялари эгат оралатиб суғорилди. Чунки ёз одатидан анча салқин бўлди. Ер тез-тез оби-тобига келди. Агар ҳар бир эгатдан сув оқизилганда эди, ғўза ғовлаб, ҳосил чўғига футур етарди. Бу тажриба ғўза қатор ораларига ҳар йилгидан кўпроқ ишлов бериш имкониятини туғдирди. Ана шу ишловлар натижасида нисбатан кечикаётган ғўза ҳар йилги вегетатив ҳолатига етиб олдди. Мамлакат учун олтин қадар қимматбаҳо сув, механизатсия учун сарф-харажатлар тежаб қолинди.



Ҳар қандай меҳнатнинг жумладан пахтакор меҳнатининг ҳам ўзига хос мушкул жиҳатлари бўлади. Айниқса, ҳозир техника, минерал ўғитлар, ёқилғи материалларининг баҳоси тинмай ошиб бораётгани деҳқонларимизнинг «кўзини очирмаяпти». Буни қаранг, бир литр солярка 206 сўмга чиқиб кетди. Ўғит: 1992 йил августда аммафоснинг 1 тоннаси 6 минг сўмдан сотиб олинган эди. Бу йил эса бу нарх 100 минг сўмдан ҳам ошиб кетди. Хўжалик 60 тонна дефолиантнинг ҳар тоннасини 60 минг сўмдан сотиб олди. Пахта териш машинасининг 1 дона шпиндели 100 сўмдан ҳам ошиб тушди. Резина шиналар эса умуман топилмай қолди, топилганда ҳам «эшагидан қиммат тушови» баҳосида топилди. Энди тасаввур қилинг, битта пахта териш машинаси бир мавсумда ўртача ҳисобда 700 тонна терса, шунча ҳосилни йиғиб териб олиш учун неча литр ёнилғи сарф бўлади, қанча шпинделни алмаштиришга тўғри келади? Бу, шубҳасиз, ақлни шоширадиган рақамларни ташкил этади. Ўғит ҳақида гап кетганда, хўжаликда олиб борилётган ибратли тажриба хусусида тўхталмасдан бўлмайди. Хўжалик ўтган йилнинг охирида Калифорния қизил чувалчангидан сотиб олиб, чувалчангни кўпайтириш билан шуғулланувчи алоҳида кичик корхона тузди. Бу чувалчанглар маҳаллий шароитга жуда тез мослашди. Энди маҳаллий ўғитни чириштиришда ана шу ҳашоратларнинг «ёрдами»дан фойдаланилмоқда. Бу усулда таёрланган маҳаллий ўғитлар минерал ўғитларнинг ҳам ўрнини қисман босмоқда. Иқтисодий самараси эса — жуда каттадир.

Эл турмуши маъмур жойда аёлларнинг қадри баланд, қадди сарв-шамшод бўлар экан. Заҳматкаш одамларнинг ёруғ меҳнатлари орқасида бунёд бўлган чўл бағридаги ушбу кичик маъвода уч йилдан буён битта ҳам оилавий ажралиш ҳодисаси қайд этилмади. Раҳима Аббосова бошлиқ хотин-қизлар кенгаши ғайрат билан фаолият кўрсатмоқда. Кенгашда тўққизта аъзо бўлиб, ҳар бир аъзо тўрт-бештадан кўчани ўз кузатувига олган. Ўзи ҳам шу кўчалардан бирида яшайди ва бу ердаги оилаларни «беш қўлдек» биллади. Хўжаликда аёллар орасида бирорта ҳам ишсизлик ҳодисаси қайд этилмаган. Ишлайман деган аёл ўз маълумоти, қўлидан келадиган ҳунарига қараб бемалол иш топиши мумкин. Боғча-яслиларда, мактабларда, тикиш-бичиш сеҳлари ва бошқа ҳар хил ўринларда кўплаб хотин-қизлар ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Сехда янги тўқилган араби, боғдоди гилаларни кўриб, ҳунарли аёлнинг қўлида чиндан ҳам гуллар очилишига ишонч ҳосил қиласиз.

Бир хўжалик доирасидаги бундай ютуқлар, шубҳасиз, мамлакатимизнинг ҳам улкан муваффақиятларидир. Зеро, бармоқлар кучли бўлса, билак ҳам бақувват бўлади. Меҳнат эвазига келадиган ёруғ кунлар шу меҳнат кишининг, меҳнаткаш эл, иқболи ойдин Ватаннинг пешонасига битилгандир. Меҳнат кишининг, меҳнаткаш юртимизнинг ризқи ҳамиша бутун, насибаси тўқиндир. Заҳматкаш элнинг заҳматкаш шоири Ҳусниддин Шариф лутф этганидек:

Азиз Ватан, иқбол Ватани  
Қадди баланд, қадри баландим.  
Юрагимга жо этиб сени  
Кучоғингда нурга беландим.

Эл-юрт бор бўлсин, унинг шоиру бахшилари омон бўлсин!

Назира СОДИҚОВА



## «САОДАТ» — 1994 ЙИЛДА

Мана, яна бир йил ўтиб, янги — 1994 йилда ҳам сиз муштарийлар билан ҳар ойда бир учрашувдан умидвор бўлиб турибмиз. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, ҳозирги иқтисодий ўзгаришлар даврида баъзи бир жўрнал ва газетлар тақдири ҳар хил ечим топмоқда. Утган йилларда ана шундай қийинчиликларни сиз муштарийлар билан бирга енгиб келдик.

Ҳозир кўпчилик муштарийлар янги йил учун обуна бўлиб улгуришди, улгурмаганлар учун ҳали имкониятлар бор. Лекин бир нарсани олдиндан айтиб қўяйлик: ҳозир обуна учун тўланган пул сал вақт ўтиб, журнал сарф-харажатларини қопламай қолиши аввалги йиллар тажрибасидан маълум. Чунки нарх-наво ҳозирча бир тўхтамакда келганича йўқ. Ана шундай ҳолатни ва сизнинг фаоллигингизни назарда тутиб, янги йилда мудом кўришиб туришдан умидвор бўлаяпмиз.

«САОДАТ»

## ЙИЛ СЎНГИДА УЧРАШУВ

Чори ЛАТИФ,  
Масъул котиб, журналист,  
Ўзбекистон журналистлар  
уюшмаси аъзоси,  
1958 йил Қашқадарё вилояти  
Ғузур туманида туғилган.  
Иш телефони: 32-56-19





# Dare, bilimsan, shi dim

Мана азизлар! Журналимизнинг ушбу йил ҳисобидан охириги сони чоп этилди. Ўзбекистоннинг элга танилган ҳамда шеърятнинг азобли йўлига эндигина кириб келаётган ёш шоирлари шеърлари билан Сизни таништириб бордик. Юртимизда ҳали очилмаган истеъдод булоқлари жуда кўп. Мундайроқ айтсак, томирида куй-қўшиқ, қадим, сирли оҳанглар оққан ўзбекнинг икковидан бири шоирдир. Бу юрт — яхшилар, аниқроғи, бахшилар юрти. Ҳайратини алла қилган, ғаму андуҳини кўйга солган элнинг болалари шоир бўлади-да, юрагини ёқади-да, сел бўлиб оқади-да.

Шоиримиз айтувди: «Сенда [Ўзбекистон] ҳамма шоир Онажон!».

Биз бу гал Сизнинг ҳукмингизга ён қўшнимиз — Қорақалпоқ элининг икки шоираси шеърларини ҳавола қилаяпмиз...

Ширин ХОЛМУРОДОВА

## БУ ЁЛҒОН ОЛОВДИР...

Бу ёлғон оловдир, ишонма,  
Буни зўрлаб ёндирган ўзим.  
Иссиғига ўрганай десам  
Қўймас ичимдаги бир сезим.

Оҳ... у олов, у олов — бошқа,  
Оҳ... у бахт келмайди қайтиб.  
Мен яшайман янги оламда  
Кўҳна армон — «оҳ»ларин айтиб.

Майли, қалбим шундай асрай жим,  
Товланмайман тур-тур бўёқда.  
Кўзларимда ёшлар кўринсин  
Ўзим Сенга кўринган чоғда.

Қайтаролсанг қайтаргин мени  
«Пуф»лаб-«пуф»лаб ташла уммонга.  
Мен ўзимча ўчмайман бироқ  
Кўникмайман, ахир, ёлғонга.

## ЯШАГИМ КЕЛАЯПТИ

Сени қаршиладим ўз овулимда  
Ҳижронзада дўстдай энтикдим, қуёш.  
Ажиб бир енгиллик тўйдим

кўнглимда,  
Туйғу кўзларимга олиб келди ёш.

Акам от суғорғич оташ кўл, ана,  
Ана қумлоқ ерлар, шоли ғарамлар.  
Ана, кўзалари елкаларида  
Майда-майда қадам босгич  
санамлар...



Оролинг мавжида ғамларим оқди,  
Қуёш, сенга бунча яқиндир бу ер.  
Сочимга қизчадек лолалар тақдим,  
Яшагим келяпти, узоқ умр бер.

## АЗИЗАМ, МЕҲРИБОНИМ

Азизам, меҳрибоним,  
Дунёда энг керагим.  
Яна не деб йўқлайин,  
Йўқлаганда юрагим.

Очунда шодлик бисёр  
Ташвиши ҳам етади.  
Барини босиб ўтиб,  
Согинч сенга кетади.

Ўзига керак экан  
Сени ҳақ олиб кетди.  
Ўзим-ку она бўлдим,  
Онасиз қолиб кетдим.

Кунни қувиб кун ўтар,  
Одамлар... тирик... ахир.  
Манглайимга не учун  
Ўлиминг ёзди тақдир.

Бир кун бўларман бардош,  
Бир кун нола бўларман.  
Она, қаттиқ кунларда  
Кимга бола бўларман.

...Азизам, меҳрибоним...

## УВОЛ

Муҳаббат, шодмисан ё ношодмисан,  
Муҳаббат, додмисан ёки ёдмисан,  
Эҳ, сен муҳаббатга боғлиқ зотмисан,  
Увол-а, кўзимнинг ёшлари увол.

Соатми ўтгани, ойми ўтгани,  
Дарёми кетгани, сойми кетгани  
Сенми ой кутганим, муштоқ кутганим,  
Увол-а, кўзимнинг ёшлари увол.

Сени дуч келтирган севинчми,  
дардми,  
Кўглимми бу кўнгил ё дарддан  
гардми,

Муҳаббатни давлат билмаган мардми,  
Увол-а, кўзимнинг ёшлари увол.

Ўланлар мунг экан дoston ичида  
Юлдузлар жим экан осмон ичида,  
Мана У... ким экан ёмон ичида,  
Увол-а, кўзимнинг ёшлари увол.



## СЕН МЕНИ БИЛМАЙСАН

Сен, ахир, билмайсан: кўз ёшим ювиб  
Ўнгиб кетганларим, тўзганларимни.  
Дилдан умидсизлик аскарин қувиб,  
Умидга тикилиб ёзганларимни.

Сенга ёзувларим, ўзим нотаниш,  
Ёмғир ювиб ётган ойна-оралиқ.  
Кўриниб турмайди мендаги ёниш,  
Кўринса кўринар узун қоралиқ.

Тақдир қачонлардир сийлаган эди,  
Унинг ҳурматига жалалар ёғди.  
Бахт тахтига мени сайлаган эди,  
Ким йўлдан оғдирди, йўлидан оғди.

Кел, бир гал тақдирга бора қол  
қарши,  
Кел, сен мағрурликни тож этиб  
кийган.

Сезмаяпсанми: борар юзинг ёришиб,  
Бу мен — сенсизликнинг ўтида қуйган.

ҚУТЛИБЕКА ўзбекчалаштирди

# ДУНЁНИ УЙҒОТАР БИР НУР

Жисмим руҳдан бурун борар қабрга,  
Қаддим мажнунтолдек эгилиб бир кун.

Сигмадим мен, ютган юҳо сабрга,  
Барин энггум, ўздан энгилиб бир кун.

Энди қайғум билан барин энгаман,  
Орттирдим ўзимга тилимдан душман  
«Беҳад бахтсиз» — деган номга

эгаман,  
Дунёга келганга қилмайин пушмон.

Энди қай кимсанинг ювар гуноҳин,  
Менинг дарё бўлиб оққан кўз ёшим.  
Бўлдим айрилиқнинг ёлғиз гувоҳи,  
Кўзимга ботгандек ёлғиз қуёшим.

Юрак қирғоғимдан орзулар тошар,  
Юрак тирик ҳали... юрагим портлар.  
Кўрасиз дунёни уйғотар бир нур,  
Юракни тушунмай тош қотган зотлар.

Муштдек бирлашмаган кучни  
енгаман,  
Уйғотиб дилларнинг кўр ҳавосини,  
...Улиб, мени энган ўчни энгаман,  
Ҳеч ким бўға олмас хуш нафасимни.  
Тошларим кўксимда гул бўлиб ўсар.  
Чексиз нолишларим тупроққа синггач.  
Бало-қазоларнинг йўлини тўсар,  
Шеърларим — кўзимда гул бўлиб  
унгач.

Юрагимда армон, кўзимда ҳасрат  
Таянч бўлолмаган менга қанотим,  
Бадарға бўлган қалб ким учун

ҳайрат.  
Ҳасратли кунларга тўла ҳаётим.

Қўл чўзсам қўлларим етмайди ойга,  
Ҳатто сеҳрламас сени қоматим.

Кўнгил инжиқлигин йўқотай қайга,  
Етмаса чидашга сабру-тоқатим.

Ҳатлаб ўтса қувонч тор бўсағадан,  
Юзма-юз тургандай ҳаёт ва ўлим.  
...Жоним темир бўлди минг

машаққатда  
Бахтсизман, дейишга бормайди  
тилим.

Майли топсин мени минг хил  
хавф-хатар,

Қолмайди дунёда билмаган сирим.  
Чеки йўқ ташвишга бўлиб гирифтор,  
Яна бу йўлларда узаяр умрим.

Менга бу ҳашаму зийнат не керак,  
Ишқнинг оташидан ёруғ хаёлот...

Тоғдек юксакликни забт этар юрак,  
Шукур... огоҳ этмиш... дилни қиёмат.

Меҳринг дунёсида ўсдим, улғайдим  
Туну кун ҳажрингда ёндим...

бедорман.  
Фиску фасодларнинг йўлини тўсдим  
Мен ишқнинг бўйнига боғланган  
дорман.



Гулчехра РАҲИМОВА



Кувонч ва қайғумга ёлғиз сен сабаб,  
Кунларни ҳажрингда куйдирдим

гангиб  
Мени таъқиб этар улкан бир ғазаб,  
Жоним, кетурманми кўзингга сингиб?  
Рақиблар дунёси нурли, зиёда  
Кечар, бир ёлғонга ўнга гап қўшиб.  
Қолмади ҳеч кимим ёруғ дунёда,  
Сенсиз яшаш оғир... Сўзсиз чўк тушиб.

Кимдир шукур айтса сенинг борингга,  
Фарзандинг чинордай ўссайди,

серқад.  
Алғов-далғов ҳаёт кирдикоридан  
Биргина юрагинг бўларди баланд.

Ўсар паст ўзингни сен ерга урсанг,  
...Ажиб мўъжизалар келса

қўлингдан...  
Сен ҳар кун энг улуғ ҳис билан юрсанг

Униб чиқар гуллар юрган йўлингдан.  
Йўллар сени олиб борар ёруғлик  
томон

Бахтнинг қўллари-да эркаласа хуш  
...Сен деб жумла жаҳон турар оёққа  
Сен юрак шаклига айланган бир қуш.

## ПАРАНЖИНИНГ МАЪНОСИ НИМА?

Ҳурматли журналхон! Биз ушбу муҳ-  
тасар мақолани эълон қилишимиздан  
мақсад, паранжи қадимдан ҳамда яқин  
ўтмишимизда ҳам ўзбек аёлларнинг  
либоси эди. Бу ерда тилимизда шу сўз-  
нинг луғавий маъносига эътибор қарат-  
дик. Паранжини тарғиб қилиш ниятимиз  
йўқ. Фақат даврларнинг қуюнларидан,  
бўронли йилларнинг бағридан Сўз  
омон қолади. Сўз — миллат, сўз — та-  
рих, сўз — келажак. Шунга аҳамият бе-  
ришингизни истаймиз. Ҳеч кимни па-  
ранжига тиқиш ниятимиз йўқ, бизнинг.  
Зеро инсоний етуклик, динга эътиқод  
ҳар кимнинг ичидадир.

«Паранжи» калимасининг луғавий маъ-  
носи билиб олсак яхши бўларди. Бу  
сўз аслида арабча «фаржий» — кенг кўй-  
лак деган сўздан олинган. Паранжи шу сўз-  
нинг маҳаллий талаффузга мослаштирил-  
ган шакли.

Лекин устозимиз, филология илмлари  
доктори, профессор Абдулқодир Ҳайит-  
метовнинг 1985 йил Фафур Фулом номи  
нашриётда чоп этилган «Мерос ва ихлос»  
китобининг 150-бетида паранжининг луғав-  
ий маъноси ҳақида қуйидагиларни ўқий-  
миз: «...«паранжи» сўзи «фаранг» сўзидан,  
«фаранг» эса «франк»дан олинган бўлиб,  
эски Шарқда «фаранг» Европа демакдир.  
Шарқ халқлари европаликларни ва Евро-  
пага тегишли молларни, шу жумладан Ев-  
ропа матоларини «фарангий» деб сифат-  
лаганлар. «Фарангий» сўзини баъзи  
шарқ халқлари, хусусан, араблар «фаран-  
жий» деб талаффуз қилганлар.

Демак, биринчи марта паранжи европа-  
ликлар келтирган матолардан тикилган  
ва шу матолар номи билан аталган...»

Агар «фарангий-сўзини тил табиати ва  
илм-и махорижу-л-хуруф (фонетика)  
қоидаларига асосан таҳлил қилсак бу фикр  
тўғри бўлиб чиқади. Чунки, араб ва форс  
тилидан кирган сўзлардаги «ф» ундошини  
жарангсиз «п» тарзида талаффуз қиламиз.  
Бу ҳол, баъзан, адабий тилда ҳам учрайди.  
Масалан, арабча «футур» сўзи «птур»  
шаклида тилимизга сингиб кетган. Араб  
тилида «г» ундоши йўқ. Баъзи араб лаҳ-  
жаларида бу товуш мавжуд ва ҳатто, Миср  
лаҳжасида «ж» ўрнида ишлатилади. Ма-  
салан, мисрликлар «жамийл» (чиройли)ни  
«гамийл» тарзида айтадилар. (А. Рустамов,  
«Сўз хусусида сўз»). Араблар «фарангий»-  
ни «фаранжий» шаклида талаффуз қилиш-  
ларининг сабаби шу. «Паранжи» сўзидаги  
«и» эса араб тилидаги «йо-йи нисба» бўлиб,  
оидлик ва тегишлиликни ифодалайди. у  
грамматик шакл форс тилига ҳам кўчган.  
Аслида урғу билан чўзиқ талаффуз қили-  
ниши керак бўлган бу товуш бизда тил ўрта  
«и»сига ўтган ва шу тариқа «паранжи»  
сўзи ҳосил бўлган.

«Фаранг» сўзига «ғиёсу-л-луғот»да бе-  
рилган изоҳда маълум мамлакат номи  
эканлиги айтилиб, мажозан гўзал, хуш-  
рўй, оқ деган маъноларга ҳам эга экан-  
лиги ёзилади. «Фаранг»га «-истон» қўшим-  
часи қўшилган ҳолда ҳам қўлланилади.  
«-истон» аслида форсча «ситодан» —  
жойлашмоқ феълининг ҳозирги замон  
негизидир. Бу сўз мумтоз адибларимиз  
тилида кенг ишлатилган.

Ҳар бир сўз тарихининг ўзи бир тарих.  
Албатта, бу фикрларга қўшимча, тўлди-  
ришлар бўлади.

Абдулла УРОЗ,  
Шарқшунослик Олий маъҳадининг  
иккинчи курс толиби илми

# Амир Темурнинг

## Аёлларга муносабати

Аёл. Бу қисқа ва сеҳрли сўзни шивирлаганда ҳар қандай эркакнинг ҳам қалбида сирли, тотли, масъум туйғулар жимирлаб кетади. Шу боис инсоният ерда пайдо бўлган илк даврларданоқ аёлларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлган. Агарда бундан бир неча минг йиллар илгари яшаб ўтган аждодларимизнинг, қадим моларимизга бўлган муносабатларини ўргансак, қизиқ маълумотларга дуч келамиз. Бундан юз минг йиллар илгари, ибтидоий даврларда яшаган аждодларимиз илк марта лойдан ҳайкал ясашни ўрганганларида авваламбор аёл сиймосини ифодаловчи ҳайкалчаларни ясаган эканлар. Бир неча ўн минг йиллар — тош даврида яшаган биринчи мусавирлар ҳам ўз фаолиятларини, дастлаб қоя тошларга аёл суратини муҳрлашдан бошлаганлар.

Туронликларнинг аждодлари, ислом динидан бир неча аср илгари, қадим-қадимларда Амударё тимсоли бўлган илоҳа Анахитанинг, табиат ва ҳайвонот дунёсининг ҳомийси Нанай илоҳасини, абадийлик ва уйғонаётган, янгиланаётган табиат илоҳаси Амурдатни ҳамда оташпарастлик ибодатхоналаридаги санамларнинг қиёфаларини ҳам ёш, гўзал, покиза аёл сифатида тасаввур қилганликлари аждодларимизнинг аёлларга нисбатан юксак эҳтиром кўрсатганликларини исботлаб турибди.

Агар узоқ асрларда қолган афсоналар рост бўлса, ерда ҳаёт пайдо бўлиб, одамлар севги-муҳаббат, қувонч-шодликлардан баҳраманд бўлишига ҳам аёл — Момо Ҳаво сабабчидир. Момо Ҳаво таъқиқлаган олмани еб, Одам Атога ҳам едирмаганида, унинг юрагида аёлга нисбатан интилиш — севги пайдо бўлмаган, улар жаннатдан ерга қувилмаган, Одам Ато билан Момо Ҳаво тинчгина жаннатда яшаб юрган бўлардилар. Шу сабабли, инсоният ерда пайдо бўлиб, ҳаёт кечириши авваламбор аёл — Момо Ҳавонинг хизмати туфайли десак бўлади. Аёлнинг инсоният тараққиёти ва жамият олдидаги қадри-хизмати тўғри англаган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссалом муборақ ҳадисларида: «Сизларнинг яшилариңиз ўз аҳли-аёлига хуш муомилада бўладиганларингиздир. Мен сизлардан кўра ҳам ўз аҳли-аёлимга яхшиман. Хотинларни фақат яхши одамларгина иззат-икром қилур, аҳли аёлларини фақат ёмон одамларгина хору зор қилур», — деган эдилар.

Ушбу муборақ ҳадис ва юқоридаги

Расми О. Васионов чизган



фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, донишманд Шарқда, умуман бутун дунёда машҳур кишиларга баҳо беришда уларнинг аёлларга бўлган муносабатлари энг муҳим ва адолатли ўлчов бўлиб хизмат қилган. Биз шу ўлчовдан келиб чиқиб, шу пайтгача турли ноилмий бўхтонларга дучор бўлган буюк бобомиз, соҳибқирон Амир Темурнинг шахсияти, унинг аёлларга бўлган муносабатлари ҳақида гапирмоқчимиз.

Аваламбор, шуни айтиш лозимки, соҳибқироннинг ҳарбий юришлари, бунёдкорлик ишлари ҳақида каттакичик асарлар ёзиб қолдирган ўша давр тарихчилари, жаҳонгирнинг маликалари, ҳарами, умуман аёлларга бўлган муносабатлари ҳақида жуда кам маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Чунки Шарқда бировнинг хотинлари ва оилавий ҳаёти ҳақида гапирш одобсизлик ҳисобланган. Ғарб мамлакатларида эса бунинг тескарасини кўрамиз. Шунинг учун ғарб қирол ва қиролчаларининг ишқий саргузаштлари ҳамиша барчанинг оғзига дoston бўлган. Шу туфайли бўлса керак, Амир Темурнинг хотинлари ҳақида Шарафиддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийдан кўра кўпроқ ғарб сайёҳи Руйи Гонзалес де Клавихо кўпроқ маълумотларни ёзиб қолдирган. Темурийлар даври тарихчиси Ибн

Арабшоҳнинг ёзишича, соҳибқирон ўз ҳузурда аёлларни ғийбат қилиш, уларни зўрлаш ва хўрлаш ҳақида ҳар қандай суҳбатларни таъқиқлаган. Амир Темур ўз келинларига ниҳоятда меҳр-шафқатли бўлган. У ҳомиладор келинларини ўз ёнига олиб, оқила Бибиҳонимнинг қарамоғига топширган. Бибиҳоним эса келинларини эсон-омон кўз ёришлари учун барча шарт-шароитларини яратиб берган. Тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий қизиқ бир маълумотни келтиради. Соҳибқироннинг учинчи ўғли, Эрон ва Қафқазнинг ҳукмдори Мирзо Мироншоҳ оддан йиқилиб бироз савдойроқ бўлиб қолади. Шунинг оқибати ўлароқ, у хотини Севинчбекани қаттиқ калтаклайди. Севинчбека жароҳатдан қонга беланган кўйлагини жаҳонгирга кўрсатганида, у қаттиқ таъсирланиб, кўзларига ёш келган ва бир ҳафта ҳеч ким билан гаплашмай юрган. Сўнгра кўшин билан йўлга отланиб, бебош ўғлини жазолаган ва лавозимини бекор қилган. Бу маълумот Амир Темурнинг кўнгли ниҳоятда бўш бўлганлиги, айниқса аёлларни бекорга хўрлашларига чидай олмаганлигини кўрсатиб турибди. Амир Темурнинг аёлларга муносабати ҳақида гапирганда, яна шуни айтиш лозимки, унинг аёлларга муносабати Туронда ҳукм сурган кўпгина подшоҳларнинг муносабатидан кескин фарқ қилган. У маликаларини тўрт

девор ичига қамаб, юзларига паранжи-чачвон ёпиб, иззатли тутқунликда сақламаган. Масалан, испан элчиси Клавихонинг ёзишича, соҳибқироннинг хотинлари ва келинлари тўй-ҳашамларда, байрамларда эркаклар билан биргаликда қатнашганлар. Клавихо ва унинг шериклари Самарқандда бўлганларида бир неча маросимларда иштирок этиб, соҳибқироннинг хотинлари билан мулоқотда бўлганлар. Бундан ташқари Бибиҳоним, Хонзодабегим, Севинчбекалар ҳам алоҳида бозмлар уюштиришиб, элчиларни таклиф этганлар. Клавихо ўз кундаликларида бу зиёфатлар ҳақида тўлиб-тошиб ёзган. Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, Амир Темур барча хотинларига бир хил муносабатда бўлган. Клавихонинг ёзишича, соҳибқирон хотинларининг кийим-кечаклари, тақинчоқлари, чодирлари ҳам деярли бир хил бўлган. Шу туфайли бўлса керак, унинг хотинлари ўртасида адоват бўлганлигини бирор тарихчи ёзиб қолдирмаган.

Соҳибқирон давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, бўлғувси хотини, подшо Хизр Хўжанинг қизи Туқол хоним ҳурматиға узоқ йўлга чиқиб, ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига боради, йўл-йўлакай улуғ шоир, аллома Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилиб, унинг қабри устига улуғвор хилхона бунёд этишга фармойиш беради.

Булардан ташқари, соҳибқирон қизлари, набиралари ва хотинлари шарафига улуғвор боғлар, масжидлар ҳамда мақбаралар бунёд қилдирганлигини ўша давр муаррихлари ёзиб қолдирганлар. Масалан, Самарқандда Туман оғага бағишлаб Беҳишт боғини, Туқолхонимга атаб Дилкушо боғини ва набираси, Мироншоҳнинг қизига атаб эса Боғишамолни барпо қилдиргани маълумдир. Шунингдек Амир Темур Самарқандда сингиллари Туркон оға, Ширинбека оға, хотинлари Туман оға, Қутлуғ оғаларга ва қайнонаси, Бибиҳонимнинг онасига атаб мақбаралар қурдирганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир. Соҳибқирон 1399 йили Самарқандда қурдирган улуғвор Жомеъ масжидини ҳам Бибиҳонимнинг онаси ҳурматиға бино қилдирганини Клавихо ўз кундаликларида ёзиб қолдирган. Соҳибқирон Амир Темур фақатгина ўзига яқин аёлларгагина меҳр-шафқат кўрсатмай, етти ёт, бегона аёлларга ҳам шафқатли бўлганлиги маълумдир. Франсиялик темиршунос профессор Люсен Кереннинг аниқлашича, 1402 йили Анқара ёнида, турк султони Йилдирим Боязид билан Амир Темур ўртасида бўлган жангда Боязидни енгган соҳибқирон унинг ҳарамидан зўрлаб олиб келинган юнон ҳукмдорининг бирибирдан гўзал Анжела, Каталина ва Мария исмли қизларини озод қилади. Сўнгра бу асирларни кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаб, иззат-ҳурмат билан қирол Ҳенрих III ҳузурига жўнатиб юборади. Бу учала хо-

ним Испанияда аслзодаларга турмушга чиқиб, бахтли турмуш кечирганлар, умрларининг охиригача Амир Темурдан миннатдор бўлганлар.

Аёлларнинг қадр-қимматини ўз жойига қўйган соҳибқирон айна пайтда уларга нисбатан ўта талабчан ҳам бўлган. У аёлларда поклик, шарм-ҳаё бор ёки йўқлигиға катта эътибор берган. Унинг ўзи бу борада: «Уғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Келин бўлиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлиқ ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юртға катта тўй-томошо бериб келин тушурдим»,— деган эди (Амир Темур ўғиллари. Т. Наврўз, 1992 й.). Амир Темурнинг бу танлаган йўли батамом тўғри эканлигини, унга амал қилмаслик ёмон оқибатларга олиб келишини Халил Султон тақдири мисолида кўришимиз мумкин. Соҳибқироннинг набираси, Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон насли-насаби ўзига тўғри келмайдиган, аммо ниҳоятда гўзал Шодимулк исмли канизакка уйланоқчи бўлади. Буни эшитган жаҳонгир бобоси қаттиқ ғазабланиб, розилик бермайди. Аммо меҳр-шафқатли Бибиҳоним ўртага тушиб, олампаҳоқнинг ғазабини юмшатиб, тўйға розилик олишға эришади. Орадан йиллар ўтиб, Амир Темурнинг вафотидан сўнг, тақдирнинг тўхфаси билан Самарқанд тожу тахти Халил Султонға ўтади. Катта маликаға айланган Шодимулк турли қилиқлар чиқара бошлайди, давлатни бошқариш ишларига аралашади, ҳар хил нолойиқ кимсаларни атрофига тўплаб раҳбарликка кўтаради, Амир Темурнинг хотинларини зўрлаб, насаби паст кишиларға эрга бердиртиради. Севгидан кўзи кўр Халил Султон хотинининг барча истакларини сўзсиз бажаради. Иш шу даражаға етадимики, Шодимулк ўзига ва эриға кўп яхшиликлар қилган Бибиҳонимни ҳам яширинча заҳарлаб ўлдиради. Бу ишлар оқибатида эса тожу тахт инқирозға юз буради. Улкан давлат чок-чокидан сўкилади. Шу ўринда бир нарсани айтиш керакки, жаҳонгир ўз хотинларини ҳар қанча севиб-иззатламасин, уларни ҳеч қачон давлат ишларига аралаштирмаган, маликалар ҳам олампаҳоқнинг муҳаббатини суистеъмом қилмаганлар. Буни барча тарихчилар эътироф этганлар.

Мана, зукко ўқувчи, Сиз соҳибқирон Амир Темурнинг аёлларға бўлган муносабати билан танишдингиз. Мақола бошида айтганимиздек, шу ўлчов орқали жаҳонгирға одил баҳо бериш сизнинг ҳукмингизға ҳавола.

**Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,**  
Ўзбекистон Фанлар Академияси  
Археология институтининг катта  
илмий ходими, тарих фанлари  
номзоди

## ЙИЛ СЎНГГИДА УЧРАШУВ



**Санобар НИЗОМХОН қизи  
(ФАХРИДДИНОВА),**  
Маданият ва турмуш  
бўлими мудир, шоира.  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.  
Шаҳрисабз шаҳрида туғилган.  
Иш телефони: 32-56-04



**Олимжон ҲАКИМОВ,**  
техник муҳаррир, жўриолист,  
1939 йил Тошкент  
шаҳрида туғилган,  
Иш телефони: 32-56-68



**Кўчқор НОРҚОБИЛ**  
**Усмон НОСИР**  
 мукофоти соҳиби,  
 Адабиёт ва санъат бўлими  
 мудир, шоир, ёзувчи,  
 Ўзбекистон Адиблари Иттифоқи  
 аъзоси, 1968 йил Сурхондарё  
 вилояти, Олтинсой туманидаги  
 Мўминқул қишлоғида туғилган,  
 Иш телефони: 32-56-04.

# УМР... Ё БИР КЕЧА

ҲИКОЯ

Менинг уйимга ҳар кеча танк кириб келади...  
 ...Сенинг уйингга ҳар доим мен кириб бораман.

Мен ёзишга чоғланганимда соат тунги бирдан йигирма дақиқа ўтганди... Одатдагидай у ташқаридан қайтиб келди. Ҳаво анча совуқ эди. Куз ёмғири эзиб ёғади. Айрим уйғоқ хонадонлар даричасидан таралган хира ёғду, ҳаводан чирик ҳазон ҳидининг анқиши унинг юрагини баттар ғаш қилди. У шаҳарнинг марказий кўчаси бўйлаб кетган йўлакда узоқ тентигач, ёзиш керак деган ўйга борди. Ёмғир-пўши ёқасини кўтариб, чўнтагидан папирос чиқазиб чарсиллатиб гугурт ёқди... Шаҳдам қадамлар билан «артистлар ётоқхонаси» (ўзи яшаётган жойни шундай дейди)га қайтди. Ётоқ гуноҳу савобини бўйнига олиб донг қотиб ухларди. Саккизинчи қават йўлагидан тасур-тусур қилиб хонага кирди. Соат тунги бирдан йигирма дақиқа ўтганди. У ёзишга чоғланди... Майли, у ёзаверсин. Унинг кўзида тонг отади энди... Биз эса, азизим, бугунги бўлиб ўтган воқеага қайтаемиз.

...Ишхонага анча барвақт келдим... Столим устидаги сочилиб ётган қўлёмаларни тартибга солдим. Гулларга сув қуйдим. Ҳатто деразани ҳам артдим. Ортиқча қоғозларни шкафга тикдим. Севимли ёзувчининг китобига бир оз кўз югуртгач, хонада эмас, йўлакда чекдим. Негадир бугун ҳамма нарса одатдан ташқарида юз берарди. Менинг бу хатти-ҳаракатимни кузатиб турган киши ҳаддан зиёд батартиб зиёлига йўйиши аниқ. Радио эрталабки хабарлар билан таништираяпти. Катта бир редакцияда биргина мен ишлаб ўтирибман. Ҳамишагидай бошлиқлар, бошлиқлардан кейин кичкиналар ҳам ишга келиб улгурдилар. Мен девордаги қиз сувратли тавқимга қараб, чинданам кун чоршанба эканлигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим.

...Соат ўн бирда келдинг...  
 Сен сўзсиз қараб турдинг...  
 Мен сўзсиз қотиб турдим...  
 Сен журналинглр яхши чиқаяпти, дединг.  
 Мен балким, дедим.

— Ишлар қалай?  
 — Кетаяпти.  
 — Нималар қилаяпсиз?  
 — Ҳеч нарса.  
 — Мана, олиб келдим, қиссангизни — елим халтачангдан қўлёмаларни олиб узатдинг.

Мен ҳеч нарса демадим. Сен давом этдинг.

— Умуман, яхши. Яхши ёзилган.  
 — ...  
 — Сизга чинданам қийин, — дединг ерга қараб.

— ...Уйдагилар яхшими?  
 — Ёмонмас... Мен Сизга бир нарса

айтмоқчийдим, агар кўнглингизга олмасангиз... — бир оз жим турдинг, кейин, — энди бошқа мавзуда ҳам ёзишга уриниб кўринг. Ишонаман, Сиз бошқа нарсалар ҳақида ҳам чиройли ёзаоласиз. Масалан, муҳаббат, болалик... шунга ўхшаш тушунчалар ҳам бор-ку ҳаётда. Ҳа, шунақа гаплар...

— Мен гўзал ҳаёт тўғрисида ёзиб кўрмаганман-да. Келинг адабиётдан четлашайлик.

— Э, йўқ. Мен фикримни тугатай. Фақат зулмат, йўқ, зулмат эмас, нима десамийкин, ҳа, ҳалиги, фожеа, ўлим, даҳшат, уруш, кўрқинчли воқеалар ҳақида ҳикоя қилавериш, дунёни фақат совуқ қилиб тасвирлаш билан ҳеч нарса ютиб бўлмайди.

— Кимдир ютқазса нимаси ёмон?  
 — Мана кўрдингизми, Сизнинг миянгизда пессимистик қараш ўрнашиб қолган. Бу ҳамма ёзганларингизда сезилиб туради.

— Мен оптимистман.

— Тўғридир, лекин совуқ манзаралар, ўлим, кишининг этини музлатадиган кўполдан кўпол диологлар, хуллас, мусибатнинг сувратини беришга интилиш, кеҳирасиз, ўқувчининг асабига тегиши мумкин.

— Бўпти, бундан кейин ёзмайман.

— Ёзинг. Фақат уруш ҳақидамас.

— Одам ўзини алдайоладими?

— Йўқ.

— Демак, бошқаларни ҳам ғирт... кеҳирасиз ноқулай-ку!

— Адабиёт — бу санъат!

— Шу билан бирга ҳаёт. Мен ўзим ҳақимда ёзаётиб бошқалар ҳақида ёзган бўлишим керак. Хемингуэйни ўқигансиз-ку.  
 — Хемингуэй унчалик ёқмайди. Қанақадир совуқроқ...

Мен Сенга бошқа ҳеч нарса демадим... Сен узоқ гапирдинг. Гапларингни тушунмадим. Мен ўзимни зулумотда чоғга қўлаган йўловчидай ҳис қилдим. Қизиқ, нега шу пайтгача Сенинг ёзувчилигинг, руҳиятинг мени қизиқтирмади? Умуман, Сени нега кўтдим, ўзи? Мен бугун мутлоқ иккита кутб эканлигимизни тушундим — биз бошқа одамлармиз.

Очиги, менга раҳминг келиши, оналар каби бошимни силаб эркалатишга мойиллигинг борлиги боис шундай муносабатда бўлишингни пайқагач, ўзимни шу қадар ожиз сездимки, ҳатто ички бир ғашлик уйғонди. Нима, мен ёш боламанми?.. Яхши ёки ёмон ёзишим сени қизиқтиришини истамасдим. Мен энага эмас, туну кун руҳиятимни банд этган, танк ва самолёт, портлашларни четга суриб ҳаёлимга боштириб кирган бир санамни сабрсизлик билан кутаётгандим. Икки йилдан

бери мен Сенга қаттиқ боғланиб қолгандим.

— Тушунинг фақат мен Сизга ёрдам беролайман. Ҳаётни бунчалик фожега айлантирмаманг. Ишонинг Сиз иродалисиз. Агар бунга ишонмаганимдайди ўзимни қийнаб ўтирмасдим.

— Нега ўзингизни қийнаяпсиз?..

— Сиз қарахтсиз. Одамлар ичига қайтинг. Бу кетишда кўп нарсани йўқотасиз.

— Тушунмадим.

— Уф, ахир, бу темада ёрқин асарлар ёзиб бўлмайди. Одам ҳар қандай дарддан устун туриши керак. Манови қиссангизда ҳам ўзингизни шунчалик хор қилиб тасвирлагансизки, адоғи йўқ. Мен бундай асарларни ҳеч қачон, ҳеч қачон ёқтирмайман...

— Мен ўзим учун ёзаётгандирман.

— Сиз бошқалар учун ҳам ёзинг...

— Унда фақат шундай ёзаман.

— Мен эса сира хоҳламайман, одамлар Сизга ачиниб қарашларини хоҳламайман... Бу менга оғир ботади, — Сен ўйчан нигоҳингни ерга қадаб жим қолдинг. Менга азбаройи ачинаётганингни ҳис қилдим. Сенга раҳмим келди.

Анчайин сукутдан сўнг бошингни илкис кўтардинг. Кўзларингизда алланечук мунг. Сени ҳеч қачон бу алфозда кўрмагандим. Саросималанган кўйи ёнимга келиб, бошимни силадинг.

— Мени кеҳиринг... Дилингизни оғритдим. Бугун барибир айтишим керак эди. Мен яхши кўраман Сизни... Одамларнинг шафқатига зормассиз Сиз... — овозинг қалтираб чиқди, — Одамлар Сизни тасвирлаётган, ўзингиз иштирок этган даҳшатлардан ижирганишади. Эй худойим, бунчалик жирканч ўйинлари бор-а, ҳаётнинг. Мен ҳар ҳолда адабиётни тушунаман... Лекин, лекин, одам ўлдирганингиз, ваҳшийликлар ҳақида ҳикоя қилишинг нима кераги бор... Одам ўз қотишлигини ёзиши мумкинми?

— Ҳа.

Бош чайқаб, орқага тирсалдинг. Юзингизда афсус-надомат белгиси зоҳир эди.

— Энди шу кетишда ёзавериш, ҳаётни давом эттирмаман деб ўйлайсизми?

— Ҳа, нима, ҳаёт тўхтаб қоладими?..

Оғир уф тортиб, бўшашдинг. Назаримда мунгайиб қолгандай эдинг.

— Кўрасиз, ёзганларингиз шуҳрат топмайди...

Мен нечоғлик ўзимни босишга уринмай, гапларингни назарга илмасликка ҳаракат қилмай, бу бемаъни суҳбатга чек қўйиш керак эди.

— Мени тинч қўйинг. Мен ўзим биланман. Сизга нима... Сиз ҳам менинг ҳаётимда учраган энагаларнинг, гўзал-гўзал сўзларга ўч қизларнинг бирисиз. Биласизми... тушундим... Сиз ўзини ё... йигирманчи энагамсиз... Сокин ва чиройли кунларнинг бири бошимни силаб ўтириб сўраб қоласиз... эҳ, сенга оғир бўлган... одам ўлдиргансана, проста, ачинасан киши... Шўр-лгим, менинг... Ҳа, сенларнинг баринг шу. Мен англаганман, урушда иштирок этганларнинг атрофидагилар, айниқса ошиқлари, шу ўта бемаъни, мудҳиш гапни айтиб юборишади-да, ўзларини йўқотиб қўйишади. Уруш одамнинг ўзидан бошқа яқин одами йўқ. Илтмос, Асал, хонадан чиқиб кетинг... Мен барибир ёзаман... Ҳа, дарвоқе, муҳаббат ва гуллар ҳақидаги ҳикоянгиз менга маъқул келди.

...Сен кетдинг. Ташқарида ёмғир ёғарди... Ҳазон тўшалган йўлакдан тез-тез қадам ташлаб кетишингни саккизинчи қават деразасидан кузатиб турардим... Мен ўзимни тутолмай йиғлардим. Мен тагин бир ўрганиб қолган одамимни йўқотганим учун ҳўрлигим келиб йиғлаялман.

Ташқарида ёмғир шитирлайди. У устмас-уст папирос тортиб столга мук тушган кўйи ёзиб ўтирибди. Гоҳ сўник кўзларини деворга қадаб жим қолади, гоҳ кўнишиб олиб ёзишга тушади. Хона ичкарасини тамаки тутуни қоплаган. Бундай эзгинди қибфада ўтириб ишлаб ўзига мароқли туюлаятти чамаси, бармоқлари орасидаги «Прима»ни лабига тез-тез олиб боради, чўзиб тутун чиқаради. Кулдон вазифасини ўтовчи пиёла тамаки қолдиқларига тўлган. Хонада ҳамма нарса тартибсиз, коса-товоқ, кийим-кечаклар аралаш-қуралаш бўлиб сочилиб ётибди. Фақатгина девордаги уч қават қилиб осилган узун осма жавонда китоблар дид билан терилган.

Унинг кўзларида ёш филтиллади. Сўл кўлини чеккасига тираб телбанамо бўлиб ўтирибди. Девордан ёшли кўзларини ололмай, кўли билан стол устидаги сигаретни пайпаслаб топди-да, лабига қистирди. Ҳазин нигоҳини тагин қозоғга тикди.

...Ойдин тун кўйида қорайиб кўринган тепаликда икки шарпа липиллаб ўтди. Кейин яна иккитаси... Бироздан сўнг тагин икки шарпа энгил ҳаракат билан хандаққа тушди. Ихраган овоз эшитилди. Қоровуллар хандақда уйқуга кетганини сезган душман уларни ўқ овозисиз, абжирлик билан кўлга олди. Оёқ-қўли танғилган иккала аскарни хандақдан судраб чиқишди-да, тепаликнинг орқа тарафига олиб ўтишди. Тепаликнинг хандақ жойлашган томонида — сайҳонликда биринчи ўқчи взводи орқага қайтишга тайёрланаётган эди. Яшил мушак кўкка отилиши билан қоровуллар тушиб боришлари керак эди... Энди қоровуллар тушолмайдилар...

Душман Жалол билан Виталийни сўқмоқ бўйлаб қишлоқнинг бошланишидаги харобалардан бирига олиб кирди. Қўл-оёғини ечишди, Жалолнинг темир нимчасига осилган каскани олиб, шу яқин ўртдан сув келтирди. Галма-гал иккала сизини бошидан куйди. Қўрқувдан нафасларини ичига ютиб тахта бўлиб қолган иккала аскар ҳансирар, беҳтиёр инғиллаб қўйишарди. Улар тепасида турган узун кўйлак-иштон кийиб олган олтита духни кўргач талвасага тушиб қолишди. Виталий деворни пайпаслаб эмгаклаб қоча бошлади. Орқасидан тушган оғир зарбдан бели қийшайиб кетди. Оғриқнинг зўридан инграб йиқилди. Жалол чўккалаб олиб

қимир этмай ўтирарди. Эси қирарли-чиқарли, дармони қуриб борарди.

Кўкда тўлин ой туриб қолгандай. Атроф сўтдай ёруғ. Душман алланималар деб гудуллашди... Икковини ҳам деворга тираб қўл-оёғини яна танғиб боғладилар. Жалол жон уҳмида ерга таппа ташлади-да, йиғлаб бақира бошлади:

— Улдирманглар! Улдирманглар! Мен мусулмон! Мен мусулмон,— у душман оёғи остида тўлғонар, қалтираб зор қақшарди...— алҳамдуллоҳ мусулмон, аз.

Рўпарада автомат ушлаб турган душман унинг оғзига тепиб юборди. Чалқанча ўрилган Жалол изиллаб йиғларди.

— Онажон! Онажон... Улдирмасинлар. Улдирманглар!!!  
Анчагача гунгу қар қотиб турган Виталий чўккалаб олиб ялиниб ёлворди.

— Я не шурави, я дўст... Я бахшиш. Не убивайте... Не убивайте мне. Я неког нестрелял.

Икки душман уни елкасидан маҳкам тутди. Учинчиси автомати милига ўрнатилган шомполни суғуриб унга яқинлашди. Оёқ-қўли танғиб боғланган Виталий ҳарчанд урунмасин душмани: г чайир ва озғин қўлларида юлқиниб чиқолмади. Ҳалиги, шомполни кўлига олган дух унга яқинлашиб келди-да, шомполни унинг қулоғига тикиб, автомат кўндоғи билан иккинчи учидан зарб билан урди. Виталий бир силтаниб ерга кундадай ағанади. Оғзидан қуюқ ва қора қон сизди. Бу ёвуз ижро ҳансирар, ўқчиётган Жалолнинг кўз ўнгиде бажарилди.

Виталийни тинчитган учала духдан бири, кичик жуссали «яланбош» хароба бурчига — тепалик тарафга кузатиш учун чаққонлик билан чопиб борди. Қулаган девор панасида атрофга аланглаб, бирор ҳадик йўқлигига ишонди чоғи, шерикларига ўйрилди. Мурда тепасида чўққайиб олиб ер титаётган икки душман бир зумда унга қараб қолишди. Кузатувчи ҳеч ким йўқ, ишорасини қилиб кўлини ҳаволатди. Шериклар бараварига уни кўли билан имладилар. Яланбош девор олдида энгашди. Нимадир тақирлади. У аллақандай қопни кўтариб шериклари олдида зипиллаб келди. Шериклар қопни сабрсизлик билан очдилар-да, учта тўнкарилган товоқсимон нарсани олдилар. Ҳатто «тўнкарилган товоқ»нинг ўртасидан чиқиб турган тикрин ҳам ой ёруғида алайна кўриниб турарди... Яланбош чўнқайиб олиб учала «товоқ»нинг ҳам «тиқини»ни бураб, нималардир қилди. Шериклар мурда атрофига учала «товоқ»ни ҳам кўмиб қўйдилар.

Жалол ҳолсизланиб йиқилди... Жалолнинг тепасида турган душманлардан бири уни ёнбош қилиб ётқизди-да, биқинидан пичоғини суғурди. Пичоқ тиги ярқираб кўринди. Қўрқувдан мутлоқ хаёлотли бўлиб қолган йигитнинг кўзлари олайиб кетди.

Виталийни саранжом қилганлар девор панасидан тепаликни кузатиб туришди. Улардан бири буёқдагилар — хароба ўртасидагиларга «пишинг»<sup>1</sup> деб қўйди.

Пичоқ ялтиларди. Оёқ-қўли чандиб боғланган Жалол ҳарсиллаб тўлғонди. У ётган жойида бошини ўнгу сўлга ташлаб бақира бошлади. Тепасида энгашаётган духнинг совуқ тиржайиши жонини суғуриб олгандай бўлди. Дух бандининг манглайдан қаттиқ босиб орқага итарди. Шериклари эса оғир, лорсиллаб-лорсиллаб, талвасага тушаётган йигитнинг танасини маҳкамроқ ушладилар.

— Аллоҳу акбар! — душман пичоқни жуда қисқа лаҳзада ҳаволатди омин ўқи-

ди-да, Жалолнинг бўғзига тортди. Пихиллаган овоз эшитилди. Духнинг билагига иссиқ қон сачради. Йигитнинг калласи сўлга оқди. Унинг тили чиқиб қолганди. Душман қорачиғи орқага тортиб кетган каллага бироз қараб турди-да, чиқиб қолган тилни кесиб олди.

...Улар сўқмоқ бўйлаб қишлоқ томонга югуриб кетишаётган маҳал, кўкка яшил мушак отилди. Тепалик жим эди. Кўп ўтмади, сайҳонликдан яна яшил мушак учди. Техникалар кетишга шай ҳолда саф тортган. Взвод икки аскарнинг тепаликдан қайтишини кутаяпти. Қисм командири алоқа орқали йўлга тушишга рухсат берди — взвод белгиланган жойда разведкачилар билан учрашади, сўнг қишлоқнинг жануб томонидан айланган қисмга қўшилади.

Тепалик сеҳрлангандай... жим эди. Пастдагилар «уйқуга чўмган» қоровулларнинг энасини ахтариб, кетма-кет оғоҳлантирувчи ўқ уздилар.

— Бу қандай отишма бўлди, тагин? — сўради қишлоқ четида разведкачилар билан бирга ҳимояда турган комбат алоқа орқали.

— Ҳаммаси жойида. Ҳозир йўлга тушиш олдида нуқтадаги қаламлар<sup>2</sup> ни чақираяпмиз,— жавоб қилди взвод.

— Қаламларни таёқ<sup>3</sup> билан чақиринг керакми? Балки улар ухлашаётгандир,— зардаси тошди баталион командирининг.

— Асло! Ҳозир тушишади, кейин... — комбат алоқани узиб қўйди, бошқа эшитмади, сўкинди қулоғидан алоқа қурилмасини олаётди взвод командири Ермилен.

Тепаликка юборилган олти аскар қоровулларни топишолмади... Ермилен додираб қолди... Взводга ваҳм оралади. Машиналар устига чиқиб мудраётган аскарлар тагин хандақларга беркинишди—ҳимояда туришди. Ермилен «иккита қалам»нинг исмиз йўқолганини комбатга маълум қилди. Комбатнинг фиғони фалакни тутди.

— Топасан! Беш минут вақт ичида топасан! Йўқса, вот тебе награда,— деди у чийиллаб.

Ермиленни ҳаяжон босди. Нима қилиш керак. Агар бирор нарса ундириш илинжида қишлоққа киришган бўлса, мушак отилди, кўришгандир... тез қайтишади. Қишлоқда душман зоти йўқ, ҳаммаси қари-қартаг, аёллар ва болалар... Бемалол юришгандир. Ермилен ўз ўйларини ҳақиқатга айланишини истарди.

— Мушак отинглар,— буюрди у.

Ҳавони кетма-кет шигиллаган овоз тугиб, кўкда яшил мушаклар порлади. Энди қишлоқ четида, комбат жойлашган тарафда ҳам мушаклар отилаверди... Орадан ўн дақиқа ўтди ҳамки, аскарлардан дарак бўлмади... Ермилен ҳеч бир ўзгарини йўқлигини айтди Комбатга. Майор унга захрини сочди,— шундай сўқдики, лейтенантнинг бадани жунжикиб кетди. Қисм командири алоқада Комбатни роса сўқди. Охир-оқибат армия кўмондони дивизия командирига қишлоқни ўққа тутишни, қандай қилиб бўлмасин йўқолганларни ўлик ё тиригини топиб ҳисобот беришини буюрди.

Артиллерия ишга киришди. Қишлоқ аҳли кутилмаган бало-қазонинг ичиде қолди. Гумбурлаган портлашлар, снарядларнинг олов пуракаб ёрилиши ҳамда сўлоқмон-

<sup>1</sup> Дух — душман.

<sup>2</sup> Пишинг — тезроқ, тез бўл маъносиде.  
<sup>3</sup> Нуқтадаги қаламлар — тепаликдаги қоровуллар.

Таёқ — қурол, қуролдан ўқ отиб.

дай-сўлоқмондай темир парчаларининг ҳар томонга визиллаб учини қиёмат-қоиймининг ўзгинаси эди. Пастқам кулбаларнинг том ва деворлари қулаб тушар, атрофни қий-чув, дод-фарёд тутганди. Одамлар даҳшат ёмғири ичида қолишганди, гўё. Пана-пастқамга беркиниб олишининг сираям чораси йўқ. Қишлоқни артиллерия эрадан ўтказиб қолди. Бироздан сўнг ҳарқадан мўлжалга олиб ўт очаётган тўплар ҳамда ураганларнинг уни ўчди. Одатдагидай қисмининг разведкачи ва пёдалари қишлоққа оралади.

Тутаб ётган ҳовлиларда бола-бақра, хотин-халаж чувилаб югуришар, аскарлар ҳар бир кулбани обдон тинтишарди... Тунда ҳар ким ўз билганини қилаётганди. Қишлоқ шуравининг ғазабига дуч бўлди. Икки аскарнинг хунуни тўлаш жуда қимматга тушди. Танк ва БМПлар дуч келган кулбани ўққа тутиб текислаб ўтарди. Ой булутлар ортга беркинди...

...Взвод қишлоқ чеккасида айланиб изга қайтаётганда Ермилен аскарларга харобани текшириб кўришни буюрди. Ичкаридан ҳаллослаб югуриб чиққан аскарнинг жони бўғзига тиқилиб қолганди.

— Шу ерда! Икковиниям ўлиги ётибди, ўртоқ лейтенант, — аскар ҳансирар эди, — ўлдиришибди.

Взвод ичкарига кирди. Аянчли аҳволда ётган мурдаларнинг ёнига ҳеч ким юрак ютиб яқинлашолмасди. Вазиятни сезган Ермилен «томошабин»ларга ўшқирди.

— Нима учун қараб турибсанлар. Олиб чиқинглар.

Жалолни уч ўзбек аскарлари бориб кўтаришди. Лейтенант ёнига иккита аскарни олиб Виталийнинг тегасига келди. Улар мурдани кўтаришгани ҳамона атроф бирдан ёришиб ваҳимали портлаш эшитилди. Миналаштирилган жасад ҳамда уч жангчи одам бўйи баробар кўтарилиб тушди. Ичак-чавоғи чиқиб қолган Ермилен шу заҳоти жон таслим қилди. Аскарларнинг бирини икки оёғи узилиб тушган, қип-қизил қонга бўялган юзига қараб бўлмасди. У аҳён-аҳёнда оғзини очар, жон беролмай қийналарди. Қон унинг атрофида ҳалқоб бўлиб қолганди. Учинчи жангчининг икки оёғи ажралиб кетган, шими почасидан шовуллаб қон сизарди. У тамом бўлган эди.

Тонг пайти... Жасадларни машинага жойлашди... Баталион тагин қишлоқни оралаб юриш қилди... Танк ва БМП-2 дуч келган уйни ҳаворлаб кетаверди.

...У ... бошини қўллари орасига олиб турди-да, кўзларини чирт юмди. Ваҳмли сукунат. Юрагинг тарс ёрилай дейди... Эзгинди алфозда ўрнидан кўзғолди. Ётоқ деразасида ёмғир сизарди. Ташқари зим-зиё тун. Чўнтагидан папирос олиб чекди. Хона ўр-

тасида тик турар, бошининг зир қақшаб оғриётганига чидай олмасди. У... хонанинг сувоқлари кўчаётган деворига ёғиниб қаради. Шаҳд билан стол ёнига келиб ҳалиги қўлёзмани майда-майда қилиб йиртиб ёқди. Боши ғувуллаб, юзи чўғдай қизиб борарди. Ухлашга қанчалик уринмасин барибир хаёлида турли хил манзаларлар намён бўлар, у турли-туман воқеаларнинг айқаш-уйқаш тасвирини ажратиб ололмасди.

Эшик тақиллагандай бўлди. У ўрнидан туришга қанча урунмасин зил-замбил бошини кўтаролмади. Нимадир гурилларди. Кўзларини очиб қаради. Кенг майдон... Унга танк яқинлашиб келарди. У ўрнидан туриб қочмоқчи бўлди. Бироқ танк унга жудаям яқинлашиб қолди. У аниқ кўрди — танк устида оппоқ афғон аёли либосида Сен ўтирибсан. Қўлингга бир тутам қоғоз — ҳозиргина ёқиб юборилган ҳикоянинг қўлёзмаси. У қимирлай олмасди. Танк филдирагига кийдирилган тимсоҳ терисига монанд занжирнинг даҳшатли айланиши уни эзгилаб ташлашини ҳис қилиб қўллари кўтариб бақира бошлади.

...Танк унинг дастлаб аёғидан босди... кейин... У жони борича бақириб ўрнидан туриб кетди. Эшик устма-уст тақиллади... У эшикни очиши ҳамона тахта бўлиб қолди. Остонада, Ермилен, Жалол, Виталий ҳамда минага учган икки йигит туришибди — аскарларнинг ички оқ киймида... Қўл-оёғи увишиб кетди. Эшикка суяниб йиғлайберди. Уларнинг қарашлари сокин ва беозор, юзларидан нур ёғиларди, гўё. Улар бир зумда ғойиб бўлишди. Тагин гур-гурлаган овоз эшитилди. Ётоқ йўлагига қип-қизил — қонга ботириб олинган, кичкина танкчалар саф тортиб келишарди. Танкчалар — ўйинчоққа ўхшамасди, ичида одамиям бор. У эшикни ёпиб, стол панасига бекиниб олди. Танкчалар эшикни ўпириб киришди... Ҳаммаси хона ўртасида тизилишди. Уларнинг миллари столга тўғриланган эди... У кўзларини чирт юмиб бақира бошлади... Ҳозир танкчалар ўт очишини, тилкапораси чиқиб кетишини ўйлаб, баданини жиққа тер босди. У қанча пайт бақирганини билмайди, — кўзини очиб қараса, хонада қонга беланган чақалоқлар эмгақлаб юришарди...

Кейин у ўзига келолмади... Анчага довуру ҳеч нимани англай олмай ётди...

...Кўрқа-писа кўзларини очганда эса дераза ойнасидан бир парча осмон кўриниб турарди. Худога шукр, тонг отибди. Ёмғир ҳам тинибди. У ўрнидан тураётиб лабига учуқ тошиб кетганини сезди. Илкис столга қаради: Кеча ёқиб юборган қўлёзма тахланиб турарди. У стол ёнига югуриб келди. Қўлёзманинг ўчирилган, чизилган, тузатилган жойлари ҳам аввалгидай. У ҳикояни қў-

лига олди — унинг тагида кечаги — ёниб тамом бўлган қўлёзманинг кули ётарди. Кулга теккан бармоқлари қоп-қора доғ бўлди. У жигаранг плашини эғнига илтиб, ҳикояни қўйнига солди.

Унга ҳаво етишмаётгандай эди. У кеча танкчалар ўрмалаган йўлак бўйлаб аёғи остига қарамай тез-тез юриб лифт тугмасини босди. Ҳаво намхуш ва тоза эди.

Ҳаво намхуш ва тоза эди. Тонги кўчаларни тўлдириб кетаётган бахтли одамлар орасида мен телбанамо бўлиб, кечаги рўй берган воқеалар исканжасидан қутилолмамай борордим. Дастлаб Сен ишхонамга келдинг... кейин... кетдинг... Мен уйга қайтдим... Тунги соат биру йигирмада ёзишга тушдим... Кейин... кейин... Миямда оғриқ турди. Ҳазонларга қоришиқ йўлакларда тунги ёмғирдан сўнг қўлмакчалар пайдо бўлган эди. Мен то сенинг уйингга етгунга қадар ҳеч нарса эслай олмадим. Фақат ҳикояни ёққанамни биламан. Унда манови қўйнимдаги нима? Мен қўлёзмани яна бир марта қўйнимга қўл солиб ушлаб кўрдим.

Кўнғироқ тугмасини узоқ босдим... ✓

— Ким у?

— Мен...

— Сиз?! — қия очилган остонада ҳайрон қараб турардинг, — кининг, ичкарига. Тинчликми?

— Мен кеча ҳикоя ёздим. — Сенга қўлёзмани узатдим, — олинг, жуда чарчадим... Шуни бериб кетай дедим.

Ажабсиниб қараринг.

— Шунинг учун... Уф, худойим, бу кетишда... ахир... — юзингда ачиниш ҳисси зоҳир бўлди.

Мен ҳеч нима демай орқамга бурилдим. Зинапоядан пастга тушгунимча ортимдан қараб турганингни ҳис қилдим. Катта йўлга туташ йўлак четидеги ўриндиққа бориб ўтирдим. Негадир ҳолсизлигимданми ё бошқа бир сабаб бўлибми, бир қадам ҳам юргим келмасди — оёғим тортмаётгандай ҳеч қаерга...

Бошқа чора йўқ, дедим, нега, нима учун шу ўйга келганимни билмайман. Ниманинг чораси, қандай чора... Мен ўрнидан турдим. Зинапоядан, худди ўз уйимга бораётгандай кўтарилидим. Кўнғироқнинг тугмасини босдим. Худди шуни кутиб ўтирган каби эшикни дарров очдинг.

— Келинг...

— Келдим... Энди Сизникида қоламан...

Сен тош қотиб турардинг... Тилинг калмага келмай қолди. Мен бош эгдим...

— Сизга нима бўлди, — дединг... ниҳоят.

— Кўрқаяпман!

Бироз довлраднинг... сўнг рангинг оқарди ва ниҳоят йарлаб юбординг.

## ЙИЛ СЎНГГИДА УЧРАШУВ

**Нилуфар ПУЛАТОВА,**  
мусахҳх  
1966 йил Тошкентда  
туғилган.  
Иш телефони: 33-68-10.



**Дилфуза ШОМАЛИКОВА,**  
Хатлар бўлими ходимаси,  
ёзувчи.  
1965 йили Тошкент вилояти,  
Паркент туманида туғилган.  
Иш телефони: 33-68-10.





1937 йилнинг 4 октябри... Беназир ʻзувчи Абдулла Қодирий «иши» юзасидан чиқарилган суд ҳукми — олий жазо — ижро этилган эди.

Шу кунни барҳайт адибнинг эзгу амал ва фазилатлари ёд этиладиган кунга айланиб қолди.

Адибнинг фарзандлари Масъуд Абдулланинг дадаларини ёд этиб ʻзган мақоласини эълон этар эканмиш, улуғ ʻзувчининг мадодкор рўзини шод этишдан умидвормиш.

## Масъуд АБДУЛЛА

Дадамнинг табаррук қадамлари теккан Тошкентнинг Эшонгузар, Чақарариқ, Сўзикота, Мирлар маҳалласи, Самарқанд дарбоза, Чуқур қишлоқ, Комолон, Чорсу, Хадра, Эски Жўва, Янги, Эски шаҳар кўчаларида яёв кезарканман, ёшлигимда дадам билан ҳамроҳ бўлиб юрган кезларимни кўз ўнгимга келтираман. Дадам қўллари орқада, хаёл суриб, худди ўзлари билан сўзлашяпгандек қадам ташлаб йўл босар эдилар. Ҳамроҳ бўлган кезларимда мендан гап сўрасалар ёки гапга солсалар, ёнларида, қолган кезларда олдиларида, чарчасам орқаларида кетаверар эдим. Баъзан дадамлар менга гапиргандек бўлардилар. — Ҳа, дада, бирор нарса дедингизми? — деб сўрасам «ҳа» ёки «йўқ» жавоби малоллик қилгандек, икки қўллари орқада бир сўз демай, йўлда давом этаверардилар. Маълум манзилга етгач, хаёллари ўзларига келгандек бўлиб: — нима дединг? деб сўрар эдилар.

Дадам хилват кимсасиз кўчалардан юришни хушлар, мен ҳамроҳ бўлган кезларда гавжум кўчалар орқали юришни истаб жанжал ҳам қилиб олар эдим. Дадам кўча-кўйда ўткинчилар билан бош қимирлатиш ёки ўнг қўллари кўкракка қўйиб, таниш ёки ёши улуғлар билан қўл беришиб самимий саломлашар эдилар.

1934 йил ʻзининг охирларида дадам билан Шайховантаҳурда истиқомат қилувчи Асомиддин тоғамникига, тўйларига бордик. Дадам йўлда мени гапга солиб: — Уғлим кимникига, нима сабабдан боряпсиз? — деб сўрадилар. Мен: — Тоғам уйланыптилар, тўйга кетяпман, — деб жавоб бердим. — Уйланиш қанақа бўлади? — деб сўрадилар. — Ия, уйланишни билмайсизми? Уйлан-

ган одамнинг уйига келин келади. — Ҳа, дуруст, катта бўлиб қолибсан, сени ҳам уйлантириб қўйсам қалай бўлар экан? — Ҳали ёшман, ундан кейин боламас тўйим бўлмай туриб уйланмайман. Дадам хоҳолаб кулдилар: — Ҳали сендан боламас тўйи қарздор эканман? — дедилар.

Тўйхонага кирганимизда ташқари меҳмонхона ҳовлисида қўйилган сўрида 5 — 6 нуроний қариялар суҳбатлашиб ўтиришарди. Дадамни кўришлари билан ўринларидан туришиб кўришишди, сўрига таклиф қилишди. Мен ҳам дадам ёнларидан жой олдим. Фотиҳа ўқилгач, ҳол-аҳвол сўрашишди. Утирганлардан бири: — Ке-

либ қоларсиз деб кутиб ўтирган эдик, — деб дадамни суҳбатга чорлади. Оқсоқоллардан бири дадамга: — Мулла Абдулла, сиз билан суҳбатлашганимга бир йилдан ошди, ўша машҳур боғ шийпонизгиздаги суҳбат мазаси ҳали ёдимдан аригани йўқ, — деди. Кимдир: — Тақсир, суҳбат таоммидики, мазаси оғизда қолса? — деб кулишди. — Яхши маъноли суҳбат таом мазасидан баланд баҳоланади, — деди бирлари. Дадам кулиб: — Тақсир тўғри таъриф бердилар. Суҳбат қанча чуқур маъноли, ёқимли бўлса, инсонга шунча маънавий озуқа беради, яхши тайёрланган таом ҳам инсонга моддий озуқа ҳисоблана-

ди. Яхши суҳбат, сифатли таом каби инсонга яхши кайфият, ҳузур бағишлайди, — дедилар.

Эртаси куни дадам мендан: — Келинни кўрдингми? — деб сўрадилар. Мен: — Ҳа, бир эмас, икки марта кўрдим, келин чиройли, баланд бўйли, бўйлари бемалол шифтга етаркан, — дедим. Ойим билан дадам қотиб-қотиб кулишди. Шу-шу — бўш қолсалар дадам мени эркалаб: — Келин қандай экан? — деган саволларини қўймас эдилар.

Орадан 3-4 кун ўтгач, Хоним бибини «келин салом»га олиб келдилар. Ойим катта уйга жой ҳозирлаган эканлар. Жасият ва Хоним бибиларим, дадам дастурхон атрофида ўтиришиб, узундан узоқ тилаклар билдиришиб, дуога қўл очишди. Келин қайтатдан туриб, ўтирганларга алоҳида келинлик саломини бажо келтирди, сўнг ўрнидан туриб, пиёладаги чойни, ўтирганларнинг ёшига қараб, олдинма-кетин, эгилган ҳолда узатди. Жасият бибим кудаларига қараб: — Чой бериш одамзоднинг зийнатидир, келинликнинг бор-йўғи шу-да, — деб ҳавас билан сўзладилар. Хоним бибим хурсанд бўлиб: — Ҳа, куда, олдингизда набираларингиз бор, тез кунда сиз ҳам набира келинлар қўлидан чой ичиб, юмушларидан ҳузурланиб юрарсиз, — деб кўнгилларини кўтардилар.

Ҳожия келинойимиз ойимга севимли сингил келин бўлиб бир-бирларини яхши ҳурматлашар, боғ ҳовлимизга тез-тез келиб турар, бошимизга тушган қора кунларда, айниқса, ойим бетоблик кезларида хабар олиб турар эдилар. Ойим Ҳожия келинойим қўлларида жон берганлари ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди.

Асомиддин тоғам тоғаларим ичида ўқимишли (доктор), меҳрибон, бизга кўп ёрдамлари теккан, иймони бут инсон эдилар. Ҳожия келинойим, дадамни, ойимни эслаб, мендан ўпқаланиб: — Поччам олдиларида мени уялтириб «бўйи баланд, шифтга етади», — деб таърифлагансиз, — дея куладилар.

Ҳожия келинойимиз ҳозир 80 ёш атрофида, пиру бадавлат, ҳаётлар.

# Менинг «Бўйи баланд» Келинойим

# БОШИНГ ОМОНМИ, БОЛАМ...

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари уйида яшовчиларнинг тақдири ҳар қандай кишини ўйга толдиради.

Тошкентнинг «Фарғона» чойхонаси ёнидаги бекатда тушиб, Зиёмов кўчасидаги чорраҳада жойлашган 5-уйга шошиламан. Пиёда 8-10 дақиқалик йўлни босиб ўтарканман, невараларини сайр қилдириб юрган бувиларга, офтобшувоқда ўтирган чолларга, озиқ-овқат дўконида барвақтроқ навбат олган қарияларга эътибор бермайман. Ҳозирча шундай. Чорраҳадаги уйдан қайтарканман, энди бу кекса кишиларга бошқача кўз билан қарайман.

Кираверишда «Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати» (қариялар уйи деб тушунаверинг) лавҳаси осилган дарвозадан ичкари кираман.

Тўрт қаватли шинам бионинг миёнсаройида (холл) саранжом-саришталик ҳукм суради. Юмшоқ жиҳозлар, гиламлар, пойандозлар. Уртада телевизор, деворларда ўзбек рассомларининг асарлари. Аҳён-аҳён равоқ орқали ҳассасини тўқиллатганича, ҳарсиллаб-гурсиллаб чоллар, кампирлар ўтиб қолишади.

— Манави киши,— дейди қариялар уйи директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Абдуғани Ҳақимов.— Большаков Пётр Васильевич.— 1992 йилдан қариялар уйида истиқомат қилади. Ажойиб инсон. Фашизм балосига қарши жанг қилган. Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган. Кейин автопаркда механик бўлиб ишлаган. Фаолларимиздан, шеърлар ёзади, деворий газета чиқаради. Бадиий ҳаваскорлик тўғрагимизда қатнашади. Ҳеч кими йўқ. Бурноғи йили ёлғиз ўғли ўлди...  
— Сиз оғир ҳаёт мактабини ўтаган инсонсиз,— вақтни ғанимат билиб, Пётр Васильевични суҳбатга тортамиз.— Ҳозир нималар ҳақида ўйлаясиз?

— Халқимиз том маънода гуллаган жамият қуриш йўлидаги қийинчиликларни қадамба-қадам енгиб ўтмоқда.

— Қандай яшаясиз? Жамиятда тутган ўрнингиздан, бу ерда Сизга бўлаётган муносабатдан мамнунсиз?

— Тақдиримдан шикоят қилсам гуноҳ бўлур эди. Ўзбекистонда фахрийларнинг ҳуқуқлари, демакки, менинг ҳам ҳаётим қонун йўли билан мустақкамлаб қўйилган. Масалан, бу ерда ҳар биримиз учун алоҳида хона, санузел, ванна хонаси, телевизор, радиоприёмник бериб қўйилган. Иссиқ-сувуқ сув бор, марказий иситиш тармоғидан фойдаланамиз. Пенсиямизнинг энг кам миқдори МДҲда ўта юқори даража қилиб белгиланган, имтиёзлар тармоғи тараққий қилган. Мухими, биз жамиятда ўзимизни ортиқча одамлар деб ҳисобламаймиз.

— Демак, ҳеч қандай муаммо йўқ эканда?

— Тиббий ёрдам янада яхшиланса ёмон бўлмасди. Гоҳ пенсия уч-тўрт кун кечикиб қўлга тегади. Умуман олганда, аҳволимиз рисоладагидай. Баъзи қўшни давлатларни қаранг: фахрийларнинг орномуси топталдим? Топталди. Фашизм деган ма-



разни енгган ғолиб аскарни ўзимиздан чиққан бир ҳовуч разиллар тиз чўктиришдими? Чўктиришди. Бизда эса ҳар нечук осойишталик, меъёрланган озиқ-овқатлар энг арзон нархларда сотилмоқда. Ҳалабининг 50 йиллиги яқинлашиб қолди. Бу байрамнинг Ўзбекистонда кўтаринки тарзда ўтишига шак-шубҳам йўқ.

Навбатдаги хоналардан бирига бош суқамиз.

— Черкасов Василий Деметьевич,— ўзини таништиради хона соҳиби.— 1905 йилда туғилганман. Қаттиқроқ гапиринг. Кулогим оғир. Тўрт йил фронтда қон кечдим. Чинозда муқим яшардим. Пахта тозалаш заводида эллик йил уста бўлиб ишлаганман. Ёлғиз ўғлим бор эди. Тақдир экан, пешонамга сиғмади. У ўлгач, Тошкентнинг Юнусовод даҳасида — қизимникида яшадим. Сиғмадим. Хулас, куёвим иккаласи мени шу ерга жойлаштиришди. Яна бир қизим бор: тўнғичим. Чилонзорда яшайди. Эри пиёниста. Шундай бўлгач, унинг ичига мендан хабар олиш сифармиди? Умридан барака топкур кенжа қизим онда-сонда келиб туради.

Навбатдаги хонага киришдан аввал Абдуғани Ҳақимов мени бир четга тортиб, деди:

— Бизда, асосан, фидойилар ишлайди. Унча-мунча одам тоб беролмайди. Негаки бу ердагиларнинг табияти жуда нозик. Уларни тушуниш керак. Урни билан яхши ходимларимизнинг исму шарифларини қайд қилиб қўйсангиз ёмон бўлмас-

ди: Галина Тихонова — тиббий ҳамшира, Тамара Смолкина — парҳез таомлар бўйича тиббий ҳамшира, Зухра Аҳмедова — кичик тиббий ходим, Марғуба Аҳмедова — кичик тиббий ходим, Дилором Алимова — хўжалик бекаси, Соня Шагиева — кир ювувчи.

Ниҳоят рўпарадаги хонага кирамиз:

— Козирева Антонина Александровнаман. Ноғирон бўлиб қолганимга ҳам, мана, 12 йил тўлди. 1988 йилдан бери раҳматли эрим Мажаров Леонид Андреевич билан шу хонада яшардик. Фарзанд кўрмаганмиз, айланай. Икки йил бурун эримни кўмдим. Бу ерда шарт-шароит тузуқ. Яхши боқишади. Тўла давлат таъминотидаман. Еб-ичиш, уст-бош ғамини чекмайман. Иннайкикин пенсиямнинг ҳам 20 фоизини олиб тураман: 2428 сўм. Кечадан эътиборан нафақамга яна 20 фоиз қўшилди дейишди.

Антонина Александровна бераза ёнига илиб қўйилган қисқа кўнжли бир жуфт пиймасига назар соларкан, дейди:

— Ездаям, қишдаям оёқларим бир зайлда исимайди. Кечаси билан дуойи такбир қилиб чиқаман. Илоё, Президентимиз Ислом Каримовнинг умри узун бўлсин. Дунё тургунча турсин. Йўғон чўзилиб, ингичка узилган шундай оғир замонда унинг юргизган инсонларварлик сиёсати туфайли, биз, забунларнинг елкасига офтоб тегиб турипти.

...Тан олишим керак, одамларнинг ўз ҳаётлари ҳақида бу қадар бамайлихотир, совуққонлик билан гапиришлари мени таажжубга солди. Кейин тушундим: бу ерда яшовчилар қаҳр-ғазаб, хусумат,

бировдан гина қилиш нималигини билишмас, кечиримли одамлар экан.

Лифт ёнида турган киши билан танишамиз.

— Отажон Жуманиёзов,— дейди у бизга қўл чўзиб.— Хоразмнинг Ҳазорасп туманиданман.

— Қирчиллама йигит ёшида экансиз. Бу ерда нима қилиб юрибсиз, оға?

— Мақтовни жуда ошириб юбордингизку?! (Кулади) 65 ёшдаман. Шифокорлар бу ерда одамларга катта эътибор беришар экан. Шунинг учун, эҳтимол, ёш кўринсам

дир сепояга боши билан қаттиқ урилган экан. Қизалоқни соҳилга бир амаллаб олиб чиққанини эслайди, холос. Шифохонада кўзини очди. «Бардам бўлинг,— дейишди у ердагилар — кам деганда ўн йил тўшакка михланиб ётасиз, энди».

— Бир йил қимир этмасдан ётдим. Кейин уйга жавоб беришди. Шу зайдла орадан яна икки йил ўтди. Кунларнинг бирида рафиқам: «Балки махсус интернатда ётганинг маъқулдир,— деди.— Тушунгин. Болаларимизни ўйлашимиз керак». «Тушундим,— дедим,— никоҳни бе-

уларни қоралаш қанчалар қийин. Бироқ ҳаётда шундай воқеалар юз берадики, бунга хотиржам қараб бўлмайди, қалб ва виждон «исён» кўтаради. Қариялар уйидагиларнинг аксари фарзандлари тирик бўла туриб, ёлғизланиб қолган чоллар, кампирлар. Бу — жамиятимиз учун нақадар фожиа,— дейди андуҳ билан Николай Иванович сўзини тамомлаб.

## ТАОМНОМА

### Нонушта:

ўттиз грамм сарёф  
ширинчой  
ширгуруч  
икки дона тухум  
нон

### Тушлик:

гўшти карамшўрва  
кефир  
вермишель солинган гуляш  
икки юз грамм олма  
компот

### Иккинчи тушлик:

ширинчой  
қуймоқнон (оладья)

### Кечлик таом:

ўттиз грамм гўшт консерваси  
қайнатилган картошка  
кассий чойи  
нон



керак. 1989 йил декабридан шу ердаман. Колхозда бош агроном бўлиб ишлаганман. Орол суви ҳаддан зиёд шўрланиб кетгач, қийналдим. Қандли диабетман, ахир? Бир кун соғ бўлсам, 20 кун бемор эдим. Шифокорлар иккинчи гуруҳ ногирони паттасини қўлимга тутқаздишди-да: «Об-ҳавони ўзгартиринг»,— дейишди. Бу ерда ўзимни яхши ҳис қилмоқдаман. Юртимда 5 ўғлим, 2 қизим, онам, хотиним қолди. Бола-чақа-хабар олиб туришади...— Отажон оға ўйга толади.— Президентимиз яқинда БМТда сўзга чиқиб, Орол муаммосига дунё жамоаочилиги диққатини қаратди. Орол сувга тўлса, минтақада экологик вазият яхшиланса, бу ерда бир кун ҳам турмайман. Бироқ экологик вазият яқин орада яхшиланармикин? Бу ерда шарт-шароит ҳар қанча яхши бўлса-да, бари бир ўзингни чорасиз ҳис қиласан, киши. Чунки ўзбекининг ғарибхонада яшайди, деган «ёрлик»ни кўтариб юриши осон эмас, ёшулли.

...Николай Иванович чет элга қилган хизмат сафаридан қайтгач, меҳнат таътилининг бир қисмини болалари билан шаҳар ташқарисига ўтказмоқчи бўлди. Кунларнинг бирида шаҳар чеккасидаги ҳовузга чўмилгани борди. Қараса, бир қизалоқ сувда чўкаётган экан. Николай Иванович ўйлаб ўтирмасдан, ўзини ҳовузга отди. Қолганини элас-элас эслайди: дастлаб вужудида чидаб бўлмас оғриқ сезди, соҳилдаги болаларининг чуввос солганини эшитди. Сўнг маълум бўлдики, у қандай-

кор қилиш учун судга ариза бер».

Мана, олти йилки, Николай Иванович шу ерда истиқомат қилади. Оёққа турганича, эҳ-ҳэ, не-не машаққатларни бошдан кечирмади? Оз-оздан, аста-секинлик билан мияси, елкалари, бели, оёқ-қўллари дармонга кирди. Бу ерга келганининг бешинчи йили бўлса керак, «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, собиқ хотини Людмила кириб келди. Зарядка қилаётган Николай Ивановични кўриб, қувончдан йиғлаб юборди: «Биласанми, Коля, сени кўриб, бирам хурсанд бўлдимки, бирам хурсанд бўлдимки...»

У юзини терс ўгириб олди. Алам қилдимми? Юраги симиллаб оғридими? Йўқ. Бундан беш баттари бўлди. Айни куч-қувватга тўлган чоғида шундай аҳволга тушган одамни тасаввур қилинг: уйи йўқ (қайдан ўчиришган), оиласи йўқ, уч қизидан фақат биттаси — турмушга чиққанигина хабар олиб туради. Шундаям фақат улуг байрамлар муносабати билан. Иш жойидаги партия ҳисобидан чиқарилгач (у маҳаллари ҳали компартия «тирик» эди), ҳамкасблари Қорақамиш 1/2 га олиб борадиган йўлни мутлақо унуттишди.

— Биласизми,— дейди Николай Иванович,— соғайиш учун ўзимда куч топдим. Шифокорларимиздан, айниқса, Мақсуд Мирсаидовдан миннатдорман. Мени оёққа тургазанлар ҳам шу шифокорлар бўлишди. Насиб қилса, бу ердан чиқиб, ҳаётни қайта бошдан бошлайман.

Одамларни маломат қилиш, айниқса,

Бу ерда менга шундай воқеани гапириб беришди. Қаҳрамон она, саккиз нафар болани туғиб-тарбиялаган Б.ни фарзандлари, неварачеваралари қариялар уйига жойлаштиришди. Кекса она учун уларнинг биронтасиникидан на бошпана, на меҳр-муҳаббат топилди. Қариялар уйи ҳақида қайсиямдир бир телекўрсатувдан кейин Б.нинг қизларидан бири келиб, кампиршони росаям қисти-бастига олди.

— Она, нега бизни бутун жумҳуриятга шарманда қилдинг! Истасанг, таътилга чиққанымда сени бир ойга уйимга олиб кетаман,— деди ўдағайлаб.

Буни ҳаёт дейдилар.

— Бир куни башанг кийинган аёл мункиллаган кампирни бошлаб келиб,— дейди қариялар уйи хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Восих Муҳамедов,— уни ёлғиз, кимсасиз қўшимиз,— дея таништирди. Кампирни қўлимизга топширди-ю, бадар кетди. Кейин аён бўлдики, ўша аёл... кампирнинг келини экан. Эри ўлгач, қайнонасини сиғдирмаган, ўша хотин. Гапнинг рости, бу ерда истиқомат қилувчиларнинг 90 фоизининг фарзандлари, неварачеваралари бор. Баъзи кексалар фарзандлари бахти, келажагини ўйлаб, ўзларининг квартиралари, уйлари баҳридан кечиб, бу ерда яшашни ихтиёр этишган. Бундайлар кўпинча фарзандлари борлигини яширишади. Ота безори, она безори фарзандлар кексайган, бемор ота-оналарини турли баҳоналар билан («яшашга халал бермасин», «кўрган кўзга хунук ташланади», «қаттиқ хуррак отади», «туни билан инқиллаб, оҳ-воҳ солиб чиқади» ва ҳоказо) қариялар уйига топширишади.

— Ўзбеклар кўпми, бу ерда? — кўрқа-писа сўрайман.

— Шукрки, кам. Жуда кам. 165 кишидан 7 таси ўзбек. 10 йил аввал бу ерда атиги битта ўзбек бор эди, холос.

Мен ўйлаиб қолдим. Бу рақам кўпми? Озми? Буниси Сиз, ҳурматли ойномахон-

лар ҳукмига ҳавола.

Вали Аҳрорович Саидахмедов — қариялар уйи директори, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор:

— Қариялар уйи 1970 йилда қурилиб, 250 ўринга мўлжалланган. Бу ерда, асосан, давлатимиз, республикамиз равнақиға баҳоли қудрат ҳисса кўшган, бироқ тақдир тақозаси билан қариган чоғда ёлғизланиб қолган уруш ва меҳнат фахрийлари яшашади. Кимдир уруш касофати туфайли умр йўлдошидан, фарзандларидан жудо бўлган, яна кимдир ҳаётнинг бошқа шафқатсизликларига учраган.

Бир пайтлари бу ерда истиқомат қилувчиларнинг сони 450 гагача етди. Қарамонимиздаги қарияларнинг ҳаммаси давлат таъминотида. Бир ойлик озиқ-овқат учун давлат 19500 сўм, тураржой, коммунал хизматлари учун 25196 сўм, дори-дармонлар учун 1950 сўм сарфлайди. Сартопо қишки, ёзги уст-бош ҳам беради. Уларга 120 нафар ходимларимиз тун демая, кундуз демая хизмат қилишади. Шинам клуб, кутубхона, ошхона, ёзлик чойхона, бильярдхона шуларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Айтмоқчи, одамлар бу ерда ҳам яшашади, ҳам даволанишади. Яқин фурсат ичида қариялар уйи қошида 30 ўринли шифохона очиш тараддуидамиз. Ҳозир эса физиотерапия кабинети, электр ва ультратовуш воситасида даволаш, нур ванналари, солюкс, электрокардиограмма, юқори частотали электр қуввати билан даволаш, уқалаш кабинетлари, шифобахш гийёллар маскани беморларга намунали хизмат қилиб турипти. Ҳар кунни сут, сарёғ, творог, қаймоқ, колбаса, асал, пишлоқ, туҳум, мева-чева берамиз уларга. Яқинда одам бошига 100 граммдан одамгиёҳ (женшень), кассий чойи тарқатдик.

Сўнг сўрадим:

— Сизларда ҳал этилмаган қандай муаммолар бор?

— Иссиқлик тармоғи, биноларимиз томи, сув, канализация тармоқлари эскирган — уларни капитал таъмирдан чиқариш керак. Шунга маблағимиз камлик қилиб турипти. Дори-дармон масаласи ҳам осон эмас.

— Бундан чиқди, сизларга фақат ижтимоий-таъминот вазирлиги ёрдам берад экан-да?

— Нега? «Наврўз» жамғармаси, Тошкентдаги «Совпластитал», «Сэвидж», «Агафонова хоним» фирмалари, «Миконд», чинни заводлари, «Ўзбекметаллконтракторг» ташкилотлари бизга яқиндан ёрдам бериб туришипти. Тунов кунни «Совпластитал» касабакўм раиси А. К. Зайцев келиб, жамоа бир ойлик касабалар иттифоқи бадалини бизнинг ҳисобимизга ўтказишга қарор қилишганини айтди. Бундан ташқари, ёз фаслида АҚШнинг «Вижин интернейшл» хайрия жамияти вакиллари — жаноб Марк Лалэр ва Грег Малстед келишиб, автомашина, дори-дармон ваъда қилишди. Яна бир муаммо шундаки, «сизларда» «тез тиббий ёрдам» машинаси бор» деб шаҳар «Тез ёрдам» бекати буюртмамиз бўйича машина юбормайди. Узингиз кўрдингиз, «РАФ» машинасининг соғ жойи йўқ. Эҳтиёт қисм деярли йўқ. Бизга бутун кеча-кундуз давомида хизмат қиладиган «Тез ёрдам» машинаси керак. КАВЗ автобусимизни машаққат билан таъмирдан чиқардик. Энди одамларимиз шаҳар бўйлаб, узоқ-яқин манзилларга саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар.

— Айтишларича, бу ерда никоҳ тўйлари ҳам бўлиб турар эканми?

— Ҳа. Ҳар бир уйга хос бўлганидек, биз-

да тўйлар ҳам бўлиб туради. Етмиш-саксон яшар «келин-куёвлар» учун зарур шaroитлар яратиб берилади. Ҳаёт экан, гоҳо дафн маросимларидан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди. Мусулмонни — мусулмонча, ўрисни — ўрисча удумга риоя қилган ҳолда дафн қиламиз. Мархумларнинг таомилдаги барча маъракаларини бекаму кўст ўтказамиз.

Ҳар бир жамиятнинг маданиятлилик даражаси унинг қарияларга, ногиронларга, кам таъминланган фуқароларга бўлган муносабатига қараб белгиланади. Республикаимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз И. А. Каримов, ҳукуватимиз уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар кўрдилар. Булар бозор иқтисодиёти қийинчиликларини бир оз бўлса-да, юмшатади.

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик».

(«Қуръони карим»дан иқтибос)

— Қариялар кунни муносабати билан бизга концерт қўйиб беришди.

(Қулоққа чалинган гап).

Лазоқат Тошбекова, катта тиббий ҳамшира:

— Бу ерда ғаройиб тақдир эгалари яшашади. Олти фарзанднинг онаси бир неча марта турмуши бузилган аёл бор. Болалари вояга етгач уни уйга қўйишмаган. Аввал бизда, сўнг Косонсойдаги қариялар уйида яшади. Уша ерда яна эрга чиқди. Бултур эри дорилфанодан дорилбақога рихлат қилган, тагин бизга қайтиб келди. Ёки Н. Паламошневани олиб кўринг. 97 ёшда. Ҳеч кими йўқ унинг. Ишхонасидагилар аллақачон ўлган ҳисоблашарканлар. Яқинда йўқлаб келишди. Ҳам таажжубланишди. Ҳам хурсанд бўлишди.

Биз кириб борганимизда бир ғаруҳ хонанишинлар Юсуф Амирийнинг «Даҳнома»сини мутолаа қилиб ўтиришарди:

Чикойин ер ичидин нола янглиғ,  
Кафани қонга булғаб лола янглиғ...  
Ўз-ўзидан суҳбат бошланиб кетди.

Усмон ЖУРАЕВ:

— 1981 йилдан бери шу қариялар уйида яшайман. Лариса Сахарова директор-

лик қилган пайтда роса қийналдик. «Финг» десанг урарди, уст-бош, сочиқ-чойшабни ойлаб алмаштирмасди. Уғирлик роса авжига чиқди, унинг даврида. Айрим нопок ходимлар уйларига сумкалаб озиқ-овқат ташиб кетишарди. Бизга янги кийимлар ёрлиғи ёпиштирилган эски либосларни беришарди. Ахир яна Вали Аҳрорович Саидахмедовни олиб келдик. Ҳайрият, тагин ҳаммаси, айниқса, ҳўжалик ишлари изга тушиб кетди. Юзимизга қон югуриб қолди.

Ҳаёт МАҲМУДОВА:

— 78 ёшдаман. Биров мени йўқлаб келади деб кутмагандим.

— Неча йилдан бери шу ердасиз?

— Бир йилдан ошди. Қариганимда ёлғиз қолдим. Фарзанд кўрмаганман. Лоақал бола ҳам асрамапман денг.

— Ий-й-й!!! — дейди ўзини таништиришни истамаган онахон ер муштлаб. — Онам мени туғмай тубан чўкиб кетси-и-ин! Пешонам шўр бўлмаса, болаларим тиррик бўла туриб ғарибхонага тушармидим? Бу кунни душманнинг ҳам бошига солмасин. Умид билан ип қилдим, игна қилдим. Эрим ўлган. Болаларим ўз кунига омон бўлсин. Мен уларни қарғамасам-да, ёшим қарғайди.

Шу ҳам ҳаётми? Агар кўра-била туриб, ота-оналаримизни шу кўйга солсак, улар олдидаги бурчни унутсак, биз ким бўлдик?!

... Қариялар уйи рўпарасидаги беш қаватли биноларда бирининг довлисида бувилар невараларини сайр қилдириб юришибди, тахта ўриндиқларга жойлашиб олган чоллар жаҳоний муаммоларни муҳокама қилишади, оилавий ишлар хусусида фикр алмашишади ва ҳозирги оқибатсиз ёшларни секингина сўкишади... Буни ҳаёт дейдилар.

Изоҳ: иззои мўмин ҳаром деганлар. Шунинга назарда тутиб мақолада келтирилган айрим кишиларнинг исми шарифини уларнинг илтимосига кўра ўзгартирдик.

Шерали СОКИН



Суратлар муаллифи Абдул Ғани ЖУМА

Болалик хотиралари ҳақида суюб, орзиқиб гапирмайдиган кимса бўлма-са керак. Қандай замон, қандай муҳит, қандай шароит бўлишидан қатъий назар, болаликнинг ўзига хос беғубор ўй-хаёллари, ўз дунёси, сирли орзулар мамлақати бўлади.. Бу мамлакат бутунлигининг сўрови сахар-мардон саждага бош урган нуроний онахоннинг тиловатида, уззу-кун рўзгору хизмат ташвишлари билан сочига оқ оралаган жувоннинг илтижосида илдизланиб, қувватга киради: «Илоё уруш деган балони етти пуштинг кўрмасин, бўтам. Кўзгинанг қонга тушмасин, таниганинг гулу, кулги бўлсин, болажоним...» Тилаклар ижобат бўлади гўё, тилаклар наврасталарни ҳимо-ялайди — дилда хотиржамлик, таскин туйиб ишга отланасиз, уларни мактаб, боғчага кузатасиз. Кўнглингиз тўқ...

Ҳақиқатан ҳам кўнглингиз тўқми? Мутлақо... «Бола кўнгли далада, она кўнгли болада» деб бежиз айтишмаган. Асли ишда ҳам жонингиз ҳалак: «Йиқилмадимикин, у ёқ-бу ёғига шикаст етмадимикин, овқат ейишининг мазаси йўқ эди...» Минг бир савол хаёлигини олиб қочади.

Мана шундай безовта дунёга бегона бўлмаган қамина ҳам саволларимга жавоб истаб Шаҳрисабздаги «Чаман» болалар боғчасига бордим. Боғчага кирган заҳотим саволларим йўналиши ўз-ўзидан ўзгара бошлади. Болалар қолиб тарбиячилар ҳақида ўйлай кетдим: «Бола кўнгли-подшо» бўлса... боланинг нимаси кўп — хархашаси кўп. Яна бир эмас йигирмата бола кўнглининг қули бўлиш керак. Қийналиб кетишмасмикин?»

Ёшгина тарбиячи қиз фикримни уққандек бўлади:

— Биласизми, бу «жажжи»лар шу қадар ўзимники бўлиб қолишганики, ҳатто уларни менинг ёнимда оналари урушсалар ҳам жоним қийналади. Улар билан тортишиб қолишим ҳам ҳеч гап эмас шундай лаҳзаларда. Ҳали турмушга чиқмаганман. Аммо дўмбоқчаларимни алла айтиб ухлатмасам кўнглим жойига тушмайди. Унта бўлса, ўрни бошқа, деб бежиз айтишмаган экан. Ҳар бири — юрагимнинг бир парчаси менинг.

Тарбиячи энг аввало болаларни севиб, ҳаммасига ҳақиқий меҳр кўргуза олиши керак. Йўқса, бу касбда «кўпга боролмайди». Холидаҳон Кўпайсинованинг «ҳақиқий тарбиячи»лиги ҳақида боғча мудираси Хадича опа Каримова ҳам «тўлиб» гапирди:

— Холидани бизга «худо берган». Ўзининг «эски илм»дан ҳам хабари бор. Болаларига араб алифбосини ўргатишни бошлаган. Болалари ҳам «уста» — бир пасда ҳарфларни таниб, бинойидек исмларни ёзишарди. Боғча опалари Тошкентдан «Иқбол» телевизион кўриги қолиби бўлиб қайтганда, бутун шаҳарга мактабни чиқишган. Холидамиз вилоятда ўтказилган

# УМРНИНГ БЕҒУБОР ФАСЛИ



**Боғча мудираси Хадича Каримова-нинг (ўртада) ҳар иш тонгги тарбиячиларнинг бир кунлик иш режаси билан танишишдан бошланади**

**Сураткаш Ш. ШАРОПОВ.**

«Шарқ келини» кўригида ҳам қолиб бўлган.

Бола замонасига ўхшайди дейишарди. Бугун замон тақозоси билан болажонларимизнинг умри деярли боғчада ўтаётган экан, у ердаги тарбия, муҳит, йўналиш, болаларнинг руҳига сингиб қолиши, муҳрланиши табиий. Тарбиячининг қай даражада моҳирлиги, тарбияланаётган болаларда кўрилади. Яъни, тарбиячи — боғбон бўлса, боғнинг ободлиги боғбоннинг са-лоҳиятига боғлиқ.

Боғчада ўн уч тарбиячининг ҳар бирида қобилият нишонларини кўриш мумкин. Мавжудаҳон Норбобоева қўли гул рассом ва ўйинчоқ ясовчи бўлса, Саидаҳон Файзиева ҳар хил дала экинларидан «эшик пардалар» ижод қилишга уста экан. Яна бирлари болалар стулчаларини яшасса, бирлари моҳир тикувчи, яна бирлари болалар ухлаганда боғбон Ҳамид отага ёрдамчилик қилишни ҳам қойилла-тишаркан. Гуруҳлар деворларига чизилган эртак — расмларнинг мавзулари уларнинг «ўзларидан чиққан»лиги янада таҳсинга сазовор эди. Ай-никиса, иккинчи қават фойсесидаги «ҳайвонот боғи» болаларнинг сеvimли ўйингоҳи десам муболаға бўлмас. Бу «боғ» ҳам қизларнинг астойдил ҳафсаласи билан бунёд бўлган — «ҳайвонот олами» аъзоларини қизларнинг ўзлари ясаб, кийинтиришган. Ҳа, бу ҳам ўз ўрнида болажонларимиз учун бир мактаб. Уларни табиатга, жониворларга меҳрибонлик руҳида тарбиялаш эса ҳар биримизнинг бур-чимиз. Зеро, чумолига ҳам озор бер-ишни истамайдиган кимса ҳеч қачон

инсон зотига ёмонликини раво кўрмайди, раҳмдил бўлади. Бу боғчада қилинаётган ишлар тадбирларнинг барчаси болаларда энг яхши фазилатларни улғайтиришга, камол топтиришга йўналтирилган. Бу борада ҳамширалар: Раъно Зарипова, Зухра Қобиловадан тортиб, ошпазлар: Дилором Розикова ва Рашида Зоҳиджоноваларга ҳам масъулликларини жуда яхши тушунишади. Гўзал ва қизиқарли расм-эртаклар билан безатилган ўйин айвончалари бир зум бўлса-да кузатувчисини эртаклар оламига етаклаб кетади. Боғчининг ҳар бир гуруҳ хоналарида яшиллик, яъни тирик табиат инсонда хуш кайфият уйғотади. Болажонларнинг ўз қўллари билан ясаган кўргазма қуроллари, бурчакдаги турли саҳначалар уларнинг фикр доирасини ўстиришга хизмат қилади. Бу албатта жамоа аҳлининг тадбиркорлиги ва ҳамжиҳатлигидандир. Шу ўринда ота-оналар кўмитаси аъзоларининг ҳам жамоага ҳамиша мададкорлигини таъкидламоқ жоиз. Кўмита раиси районлараро матлубот жамияти директори Насибохон Абдуллаева боғча рўзгорини бутлашга ёрдамлашса, соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Фотима Бадалбоева болалар соғлиғи ҳимоячиси. Уларнинг сафи кенг: Анвара Тошканова, Ойзода Оққўзиева, Маъқула Юсупова каби жонкуяр ота-оналарнинг маслаҳатлари, ёрдамлари туфайли боғчининг бағри бутун. Бу «катта оила»га бош-қош мудира Хадича Каримова эса, нафақат болалар учун, хизматчилар учун ҳам сеvimли инсон экан... Ҳамма унинг номини меҳр билан тилга олганлигининг гувоҳи бўлдик. Болакайларнинг эса опа кўринишлари билан уни кучоқлаб олишлари, кузатувчисига кўп нарсани англаштириши табиий. Мудиранинг жамоа аҳли билан йиғилишлари жўшқин ижодкорлик руҳида ўтиши ҳам бежиз эмас. Ҳар ким кўнглидаги тадбирни ёзиб, «ғоялар банки» деб номланган қутичага ташлайди. Ҳар бир йиғилишда янги таклиф ўртага ташланиши одат тусига кирган. Мудирага энг яхши тарбиячиларингиз ҳақида гапиринг, деганимда, у: «Ҳаммаси яхши, ёмонини тополмайсиз» — деди мамнунлик билан, «Айтганингиз рост бўлсин, Хадича опа! Болажонларимиз ҳамиша яхшиларга ёндошиб яшасинлар...» Ҳа-да, мусиқа хонасида рақсга тушаётган болакайларнинг юз-кўзидаги қувонч ҳам яхшиларнинг, яшилликнинг ёлқини эмасми?! Озгина эътибор, озгина меҳр, озгина мурувват бу мурғак дилларни, бу беғубор мамлакатни обод қилмоғи, ҳар қандай бўҳронлардан ҳимоя қилмоғи мумкин.

Мен янги йил шодиёнларига тайёрланаётган жамоа аҳли ва кичкин-тойлар билан хайрлашар эканман, уларга ҳамиша қувноқлик ва бағри-бутунлик тиладим.

**Санобар НИЗОМХОН қизи**

# Олой маликаси ёхуд Қурбонжон Додхоҳ Қиссаси

Олой маликаси номи билан машҳур Қурбонжон Мамат қизи [1811-1907] абадиятга дахлдор сиймолардан бири, Осие халқлари тарихида хотин-қизлардан чиққан биринчи генералдир. Шунинг учун ҳам у тарихий манбаларда ва адабиётда Қурбонжон додхоҳ сифатида тилга олинади.

## I. СКОБЕЛЕВ ҲУЗУРИДА. ОЛОЙ. 1876 ЙИЛ

Кўмондон чодир атрофида турган солдатлар яқинлашиб келаётган уч отлиққа ғоят қизиқиб қарашди.

— Олой маликаси! — деди кимдир бармоғи билан икки отлиқ олдида келган чавандозни кўрсатиб.

Урта бўй, ёқаси мўйнали шойи тўн кийган, қирғизча қалпоқли чавандоз чиройли аёл эди. Еши олтмишдан ошган бўлса ҳам ҳусни-тароватини йўқотмаган. Отдан энгил тушганини айтмайсими!

— Қурбонжон додхоҳ, — завқланиб хитоб қилди яна аллаким.

Чодир ичидан дивизия командири генерал-майор Михаил Скобелев, штаб бошлиғи, генерал штаби капитани Николай Куропаткин ва тилмоч подполковник Жўрабек чиқишди.

Полковник княз Витгенштейн қисқача ахборот берди.

— Қурбонжон додхоҳ ўғли Қамчибек, жияни Мирза Фаёз билан ҳузурингизда, саодати олийлари.

Икки отлиқ Скобелевга қўлларини кўксиларига қўйиб қуллқ қилишди. Аёл бўлса бошини қўйи солганча жим турарди.

Скобелев шахдам қадамлар ташлаб унга яқинлашди. Худди ўзига тенг унвондаги генерал билан кўришгандек — арбийча виқор ила унга қўл узатди. Атрофда ҳайратга тушган солдату офитсерлар шивир-шивири эшитилди. Кимсан, шундоқ донгдор генерал аллақандай аёлга қўл узатди-я! Наҳот у шундоқ эътиборга сазовор бўлса? Додхоҳ ҳам генерал-да! Ҳамма гап бу Олой маликаси орқасида турган минглаб қирғизу ўзбек исёнчилари-да!

Қурбонжон ўрис тилида айтилган саломдан ажабланиб бошини кўтарди. Оқ хунхуз, яъни қонхўр номини олган даҳшатли генералнинг кулиб турган юзига қаради.

Генерал шоп мўйловини силаб ёнида турган ўзбек офитсери — подполковник Жўрабекка мурожаат қилди:

— Додхоҳга таржима қилиб айтингки, мен уни соғ-саломат кўрганимдан хурсандман.

— Давлатпаноҳ император ҳазрати олийлари амрларига биноан Қурбонжон Мамат қизига ўрис армияси генерал-майори унвони берилганини ҳам маълум қилинг.

Солдат ва офитсерлар ўртасида жонлашиш бошланди. Мана, Скобелев узатган қўлнинг сири! Тенг тенги билан.

Генерал Скобелев мезбон сифатида Қурбонжон додхоҳ елкасига заррин тўн ташлади.

## II. АМИР ҚАБУЛИ. ҚОБУЛ. 1876 ЙИЛ

Қурбонжон додхоҳнинг тўнғич ўғли Абдуллабек Фулжа атрофида тўплаган қўшини билан Скобелевга қарши юрганда сотқинлик туфайли тузоққа тушди. Озгина аскари билан таъқибдан қутулганда келгуси ишни ўйлаб боши қотди. Шарқий Туркистон ҳукмдори Екуббек Бадавлат унга энди ёрдам кўрсата олмас эди. Укаси Ботирбек у билан Урумчи дарасига бостириб келган Хитой қўшини билан жангга кетган. Екуббек қийин аҳволда. Бир томонда хитойлар, иккинчи томондан ўрислар уни қисиб бормоқда. Шундай аҳволда ким унга ёрдам бериши мумкин? Биргина чора — Афғонистон!

Абдуллабекка ёрдам беролмаган Афғонистон амираи Шералихоннинг тақдири ҳам аянчли бўлди. 1878 йилда Англиё кўшинлари афғон тупроғига бостириб кирганда Русия Шералихонга ёрдам бермади. У ўрислардан мадад келавермагач, шахсан ўзи Петербургга бориб, ўрис императори билан учрашмоқчи бўлди. Аммо уни чегарадан ўтказишмади. Урис императори Александр II у билан учрашувдан воз кечди. Умидсизланиб касалликка чалинган Шералихон 1879 йил декабрида Мозори Шарифда вафот этди.

## III. ЖУДОЛИК. СКОБЕЛЕВ ШАҲРИ. 1895 ЙИЛ

Қурбонжон додхоҳ бошига мусибат тушди. Ўғли Қамчибек ўрис амалдорини ўлдиришда айбланиб ҳибсга олинди. Онанинг фарёдига ҳеч ким қулоқ осмади. Ўрис маъмурлари қачонлардир ҳайиққан ва ҳатто «ярим пошшо» — генерал-губернатор ҳам ҳурматини жойига қўйган Олой маликаси энди кимга ҳам керак? 84 ёшли кампирнинг қўлидан нима келарди?

Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-лейтенант Повало-Швейковский унинг илтимосмасини рад қилиб, ҳарбий суд ҳукмини тасдиқлади. Қамчибек осиб ўлдиришга ҳукм қилинди. Губернатор Скобелев турмасида зудлик билан дор қуришни буюрди.

Қурбонжон додхоҳни ўғли билан видолашишга киришига ҳам рухсат берилмади. Повало-Швейковский турмага ҳеч ким қўйилмаслиги ва ҳукм ижросида бирор бегона кимса қатнашмаслигини қатъий тарзда буюрди.

Қамчибек таҳорат қилиб, намозини ўқиб бўлгач, назоратчи уни турма ташқарисига олиб чиқди.

Йигитнинг кўз олдида мудҳиш дор ва унинг ёнида қаққайиб турган жаллод намоён бўлди. Атрофни солдату казаклар қуршаган.

Қамчибек ёруғ дунё билан видолашадиган дақиқалар етиб келганини англади. Генерал-лейтенант Повало-Швейковский қатли шахсан кўриш учун бир чеккада офитсерлар билан қараб турарди. Жаллод сиртмоқни маҳбус бўйнига ташлаганда бирдан дарвоза очилиб, бир суворий от чоптириб кирди.

— Менинг буйруғимни ким бузди? — дея дарғазаб бақирди Повало-Швейковский ховлиқиб олдига келган казак офитсерига.

— Генерал-майор Маматова, саодати олийлари, — дея рапорт берди соқчилар бошлиғи.

Повало-Швейковский шартта ўгирилиб, дор остига келган отлиққа қаради. Чиндан ҳам отлиқ эғнидаги шинелда генерал погонлари ярқираб турибди, бошида попоқ, худди казак атаманига ўхшайди. Губернатор диққат билан унинг юзига тикилдию дами ичига тушиб кетди.

Қамчибекнинг кўзлари чақнади. У бутун вужуди билан онасига талпинди.

— Хайр, ўғлим, ота-боболаринг ҳам, аканг Абдуллабек ҳам душман қўлида нобуд бўлган. Шаҳид ўллоқ бизга мерос.

Қамчибек онаси кўзларига қалққан ёшни кўрди. Лаблари ниманидир шивирлади:

— Сенга берган сутим оқ бўлсин!

Қурбонжон додхоҳ кенжатоёйига шундай дея отининг жиловини терс буриб, ҳайратда қотган казаклар ва офитсерлар нигоҳлари остида дарвоза томон кетди. Она рози — худо рози. Қамчибек мағрур бошини кўтарди. Шундай она фарзанди ўлимга тик қоқиши керак.

Жаллоднинг қўллари титраб атрофга аланглади. Губернаторнинг вазоҳатли башарасига дуч келиб, вазифасини бажаришга киришди.

## IV. ДУКЧИ ЭШОН ДАРГО- ҲИДА. 1895 ЙИЛ

— Муқаддас жиҳодга ҳозирлигингиздан хабардорман, ҳазрат. Йигитларим фармонингизга мунтазир, — деди ҳаяжон ичра Қурбонжон.

Эшон чуқур ҳўрсинди.

— Дардингизга бирдан-бир малҳам интиқом, додхоҳ. Тушунаман.

Аммо ёғийни энгиш мушкул. Урусияда бўлганимда уларнинг лашкари-ю, тўпу замбаракларини кўрганман.

Қурбонжон эса ёниб унга эътирозга оғиз жуфтлади.

— Ўғлим Маҳмудбекни, невараларим Мирза Фаёз ва Арслонбекни кишанлаб Сибирга сургун қилишди. Бу ҳам камлик қилгандай кенжатоёйимни дорга тортишди. Қамчибегимнинг кўзлари шундоқ қараб турибди, эна уч ол, деяпти, ҳазратим.

— Андақ фурсат бор, додхоҳ. Таваққуф



Осимхон Васихонов чизган расм

қилиб туринг. Мен ўзим бош бўлиб, ҳамма биродарларни, билъакс тамом шаҳар халқини ўзимизга ёр қилиб, кейин ишни бир йўла бошлаймиз. Ҳама бирдан ҳужум қилиб, охири, бу Николой зулми остида қолмаймиз. Бироз фурсат бор...

Қурбонжон бошини мағрур кўтариб, эшонга мунг ила боқди.

— Бундан йигирма йил аввал Искобил тўра ўғилларимни ботир дея мукофотламоқчи бўлган эди. Урислар ботир душманни ҳурмат қилади, деганди. Энди кўриб турибман, ўриснинг мукофотию ҳурмати. Бири дор, иккинчиси Сибир экан. Йўқ, ортиқ чидай олмайман, ҳазрат.

— Додхоҳ, ўйлаб иш қилиш керак. Биламан, шаҳарлар ўзбекларга тор, тоғлар эса — элатияга тор. Аммо ёдда тутинг. Пойёздлар келиб қолган. Уриснинг темир йўли кўзларимизга човут солғай...

Қурбонжон додхоҳ унинг мантиқий гапларини тинглаган сайин кўнгли таскин топа бошлади. Ҳа, интиқом яқин. Лекин унга пухта тайёрланмоғи лозим. Чунки душман кучли ва маккор.

Муҳаммад Али сандигидан бир қоғозни олди.

— Додхоҳ, сизга ғоят махфий бир мактубни ўқиб бергайман. Қулоқ осинг.

Мингтепа эшони Андижоннинг катта бойларидан Муҳаммад Алининг хатини ўқиб берди. Бой ўзининг пирига кўтарилишга ҳали фурсат етилмагани, бунга пул-маблағ, қурол-яроғ ва, энг муҳими, жойларда тайинли мадад етишмаслигини баён қилиб, ўрис ҳукумати билан курашиш учун кучлар озлигини кўрсатган эди.

Эшоннинг ўзи ҳам шу фикрга мойиллик билдирди. У ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан кўзғолон етилмаганини яхши тушунар эди. Аммо кўпчилик зудлик билан кўзғалишга тарафдорлигини намоён этмоқда. Айниқса, жоҳил мулалар, сўфилар ва қаландарларнинг мутаасиб ҳайқириқлари барча мулоҳазали товушларни босиб кетмоқда.

Халқнинг авзойи бузуқ ва у ортиқча қутишни истамайди.

## У. «ЯРИМ ПОШШО» ИЛТИФОТИ. АНДИЖОН. 1898 ЙИЛ.

Янги тайинланган Туркистон генерал-губернатори Семёр Духовской чорак аср муқаддам Скобелев тутган усулни қўллашга қарор қилди. У офитсерларини Қурбонжон додхоҳни олиб келишга юборди.

87 ёшни қоралаган Қурбонжон етиб келиб худди йигитлардек енгил сакраб отдан тушди. Духовской, худди Скобелевдек, биринчи бўлиб унга қўл узатди.

— Сизни бардам кўрганимдан ғоят хурсандман, додхоҳ,— деди Духовской уни ўтиришга таклиф қиларкан.— Сизни ранжитган генерал Вревский, генерал Повало-Швейковский император аъзамлари фармони олийлари билан ишдан четлатилди. Сургундан одод этилган ўғлингиз Маҳмудбек ва набираларингиз Мирза Фаёз ва Арслонбекка эса мукофотлар топширишга ижозат бергайсиз.

Адъютант Қурбонжон додхоҳ билан келган йигитларга зарбоф тўнлар ёпди.

— Угай набирангиз Қорабек Ҳасановга эса,— деди генерал-губернатор алоҳида урғу билан.— Урис ҳукуматига кўрсатган садоқати учун олтин нишон топшираман. Унга йилига 300 кумуш сўм миқдорида нафақа тайинланди.

Қурбонжон сукут сақлаганча ўтирарди. Уни чуқур ғам эзарди. Қаҳрамон авлодига доғ тушди. Угай ўгайлигини қилди. Қорабек Ушда кўзғолончиларни ўрисларга сотди. Шунинг ярим пошшо юзига солмоқда.

— Бизга қандай илтимос ёки талабларингиз бор?— сўради Духовской. Қурбонжон юзига тик қараганча мағрур жавоб қайтарди.

— Худого шукур, ҳеч нарса сўрамайман.

У душман эҳсонига муҳтож эмас. Энди ҳеч қачон уларга бош эгмайди.

— Кечирасиз, додхоҳ, қанча неварангиз бор?— сўради Духовской хижолатдан чиқиш учун.

— Кўп. Ҳаммасининг саногига етолмайман.

Бувисининг ёнида соқчидек турган Мирза Фаёз кўшимча қилди.

— Саксондан зиёд невара, чевара ва зваралар, саодати олийлари.

Генерал-губернатор унга марҳаматли нигоҳ ташлади:

— Агар бирор масалада ёрдамим керак бўлса,— деди у дон-дона қилиб.— Менга тўғри мурожаат қилишларингиз мумкин. Қандай ёрдам зарур бўлса менидан, хизматларига тайёрман.

Духовскойнинг бундай марҳаматидан Фарғона ҳарбий губернатори, уезд бошлиқлари ҳайратга тушишди. Андижон вокзалида минглаб одамларни ётқизиб тургазган, қанча-қанча офитсерларнинг айбини суриштирмай ишдан олган, барчани даҳшатга солган Духовской ёши кетиб шарти қолган бу кампирдан наҳот шундай ҳайиқса?

Аммо улар ташқарига чиқишганида набиралари қўлини қайтариб ўзи чаққон отга минган Қурбонжон додхоҳга қойил қолишганини яширишмади. Ҳа, ярим пошшо ҳисоблашганча бор. Бу аёлга генерал унвони беришгани беҳуда эмас.

## VI. ИМПЕРАТРИЦСА СОВ- ФАСИ. УШ. 1901 ЙИЛ.

1901 йил баҳорида Русия империяси ҳарбий вазири генерал-адъютант Александр Куропаткин Тошкентга ташриф буюрди.

Ўқсакмартабали олий зот ташрифидан оёғи куйган товукдай типирчилаб қолган Фарғона ҳарбий губернатори Модди қишлоғига бориб, ҳарбий вазир келишидан Қурбонжон додхоҳни огоҳлантирди. Кутилгандек Куропаткин Ушга келганида тўғри Қурбонжон додхоҳ олдига боришини айтди.

Анвоий гуллар очилиб чор-атрофи гўзал манзара кашф этган қишлоқнинг марказида катта чодир ясалди. Қўй-қўзилар сўйилиб, дошқозонлар қайнаган. Олий зот нимани яхши кўриши, қандай таомларни хуш кўриши олдиндан маълум.

Отдан тушган Куропаткин ҳузурига яқинлашган Қурбонжон додхоҳга биринчи бўлиб қўл узатди.

— Сизни бардам кўрганимдан хурсандман, додхоҳ,— деди Куропаткин.

«Бу Скобелев айтган сўзлар»,— деди ичида Жўрабек. Худди 25 йил илгаригидек у тилмочлик қилди.

— Олий мартабангиз муборак, генерал мизра,— деди Қурбонжон Жўрабекка кинояли боқиб.

Ҳарбий вазир шоҳона безатилган дастурхонга ўтираркан, мамнун ҳолда қўллари ишқалаб хитоб қилди:

— Тарих ғилдираги такрорланмоқда, жаноблар. Чодир, додхоҳ, тилмоч ҳам ўша-ўша.

Генераллар базми қизиб кетди. Куропаткин жуда назокатли улфат эди. Унинг ичиши, гади ҳам ёқимли, иштаҳани очирадиган эди.

Қизишиб олган меҳмонлар вазир орқали подшо саройидаги зиёфатлар, турли ҳангомалардан огоҳ бўлиб, яйраб ўтиришарди. Суҳбат мавзуи мезбонга қадалганда генерал Ионов сўз қотди.

— Бир кунни додхоҳ марҳум Константин Петровични тоза мулзам қилган. Фон

Кауфман Ушга келганида унга мени кўрсатиб: «барча ишда майор Ионовга қулоқ осиб унга маслаҳат қилинг», деганида додхо шундай деди:

— Бу қандоқ бўларкин, мен генерал бўлсам оддий майорга бўйсунсам?

Куропаткин қаҳқаҳа отиб қулди. Генераллар ҳам хандон ташлаб, бири олиб, бири қўйиб Қурбонжон ҳақидаги воқеалардан гапиришди. Биргина Фаргона губернатори генерал-штаб генерал-лейтенанти Николай Королковнинг чиройи очилмаган.

— Бу туземкага шундай иззат-икромнинг не ҳождати бор,— деди у тўнғиллаб.

Уртага тушган ноқулай сукутни ҳеч кимдан ҳайқмайдиган чўрткесар Жўрабекнинг овози бузди.

— Бу жуда чуқур ўйланган сиёсий устамонлик, азизим. Вазир аъзам тарихни бежиз эсламаяптилар. Додхога ҳурматлари орқасида нозик тадбиркорлик намён.

— Жуда тўғри,— маъқуллаб бош ирғади генерал-губернатор Николай Ивнов ва Королковга қараб гапида давом этди,— генерал Маматовани менсимаслик ўтмишдошингиз Пovalo-Швейковскийга жуда қимматга тушган.

Генерал-адъютант Куропаткин виқор ила ўриндан турди.

— Императриса Мария Федоровна зоти олиялари менга лутфан Қурбонжон Маматовога мана шу совғани тақдим этишни буюрганлар.

Нафаси ичига тушиб кетган даврадагилар вазир қўлидаги қимматбаҳо гавҳар порлаётган узукка маҳлиё қотдилар.

Хайрлашув олдида меҳмонлар елкаларига кимхоб, заррин тўнлар ташланди.

— Тарих такрорланмоқда,— деди Жўрабек.— Лекин бу гал мезбон додхо, тўн ташлаган Скобелев эмас, додхо.

Куропаткин Қурбонжонга юзланиб, унинг қўларига зодогонларча назокат ила лаб тегизди.

— Императриса зоти олияларига нима деб қўяй, бирор илтимосингиз борми?

Тўқсон баҳорни қаршилаган, ҳанузгача ўз тароватини йўқотмаган Қурбонжон Мамат қизи мағрур нигоҳини вазирга тикиб, оҳиста деди:

— Маликага тўхталари учун миннатдорчилигимни изҳор айланг. Бирдан-бир ўтинчим шулким, ул зот ҳеч қачон она сифатида фарзанд доғини кўрмасинлар.

Куропаткин беихтиёр ичидан зил кетди. Демак додхо ҳеч нарсани унутмабди. Унутмайди ҳам.

Жўрабек ҳурмат ва эҳтиром ила Қурбонжонга қўлини кўксига қўйиб таъзим айлади. Бекнинг кўзларида поёнсиз меҳр ила фахр товланди.

Қурбонжон додхо тилагига фаришталар омин деди. Императриса Мария Федоровна Романова фарзанд доғини кўрмади. У эри Николай II (1894—1918), уч қизи, ўғли Алексей қатори 1918 йили болшовойлар ҳукми билан отиб ташланди.

Генерал-майор Жўрабек 1906 йилда Қорасувдаги чорбоғида номъълум қотиллар томонидан ўлдирилди.

Генерал-адъютант Куропаткин 1903—1905 йилларда ўрис-ёпон урушида бош кўмондон, 1914—1916 йилларда Фарбий фронт кўмондони, 1916—1917 йилларда Туркистон генерал-губернатори лавозимида ишлаб, 1922 йилда ўрис қишлоқларидан бирида дунёдан кўз юмди.

Қурбонжон додхо эса 2 ўғли, 2 қизи, 31 невара, 57 чевара ва 6 эвараси даврасида 96 ёшида — 1907 йилда вафот этди.

Ҳамдам СОДИҚОВ,  
Абдулла Авлоний мукофоти соҳиби

# СЕВУНЧ ЁҒМУРИ

## СУРХОНДАРЕДА ЯШАБ ИЖОД ЭТАЁТГАН КАМТАРИН МУСАВВИРА ДИЛБАР ЙЎЛДОШЕ- ВАГА ДИЛ ХАТИ

«Дилбар! Мен Сизнинг «Таассуротлар» албомингизга ушбу сўзларни ёзишга киришганимда мана бу сувоқлари кўчган теразанинг «ўйиқ кўзи»дан кузнинг биринчи ёғмури ёғаётганини кўриб қолдим. Қизиқ, бу кўҳна теразанинг тўртта «кўзи» бўлса, бири тунука, бири қора қоғоз, бири юпқа ёғоч билан «ёпиб» қўйилган. Тўртинчи — очиқ кўзига совуқ тушиши билан эски-туски латталардан лукка тиқин тиқишингизни, ёзда, дим кунларда эса бу «ясама кўз»ни тоза ҳаво кириши учун ўзингиз «ўйиб» қўйишингизни тасавур қиялман. Ботаётган офтобнинг патлари юлинган қўш ёки олмаҳон каби «ўйиқ кўз»га кўниб олганини кўринг.

Ёғмур — қутлуғ неъмат. Қачон изи аъза ва жалла Одами афий алайҳис-саломни қутлуғ етти кунда бир увуч (ҳовуч) турпоқдин яратмак тилади... Азроил ул турпоқни маккили, таифли орасинда Дахно отлиғ ерда кўзди (жойлаштирди). Қирқ йил ул турпоқ уза ёғмур ёғди, ўтуз тўқуз йил қазғу (қайғу) ёғмури ёғди, бир йил севунч ёғмури ёғди. Ул йўлдин (шунинг учун) Одамга севунчдин қазғу ортуқроқ бўлди (Рабғузий: «Қисаси Рабғузий»). Эҳтимол, зуволамиз қайғу ва севунч суйидан қорилгани учун-да ёғмур менга бир қайфият, бир аҳволот бахшида этар.

Мен Сизнинг хароба ижодхонангизда «кезиб», култепалар ичидан олмос топиб олган камбағал-юпунинг ҳолатига тушдим. Ижодхонангиз, ростдан ҳам, ёниб кул бўлган Помпеядан қолган ёдгорликдек ночор. Бу ерда рассом учун на ижод қилишнинг, на расмларни сақлашнинг имконияти бор. Не-не кўргазмаларни безашга муносиб ишларингизни чанг босиб ётганини кўриб, ҳозирги даврда маданияту санъат бечора бир даражага энганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Наҳотки, тўкилиб бораётган шу бино бошпаноҳ бўлоса расмлар билан ойлаб ёлғиз қолган аёл бошига?! Сиз ўксинманг. Ижодкорга ҳамма замонларда ҳам осон бўлмаган. Ижодкорни синдириш осон... Ижодкорни

синдириб бўлмайди... Ижодкорни энгиш мумкин... Ижодкорни энгиш мумкин эмас!.. Таҳқирлашганида, бармоқларини кесиб ташлашганида ўз қони билан хотунининг баданига расм чизган рассомларни биламиз-ку. Кўнглингиз чўкмасин. Расмларингизга тушган чанг қалбингизга тушмасин. Сизнинг кўнглингизни хор бўлган талантли кишининг кирпигида титраётган қатра ёшга, йўқ, атиргул падида йиғлаётган томчи шабнамга, йўқ, йўқ, кузги — кечки олма ёноғида узилай-узилай деб титраб турган шудрингга менгагим келди. Лекин бу титроқ ёш, лекин бу йиғлоқ шабнам, лекин бу ярқироқ шудринг ҳаммиша кўкракдан орта итарувчи баттол шамолга бардошли, шамоллар емира-верганидан биллурга айланиб кетган ожива-покиза кўнгулдир. Бу ҳар не кунда ҳам одамийзот кўкрагида ҳасратдан чатнаб ётган тошлоққа севунч ёғмурларини ёғаётган ЯХЛИТ ЎЗБЕК АЕЛИНИНГ ОСМОН КЎНГЛИ, раҳмат мунававарини ёғдираётган ЯХЛИТ ЎЗБЕК АЕЛИНИНГ ОФТОБДИЛИДИР.

Ҳар кишининг табиатида ҳам бирор ишга йўналган талант бўлади. Лекин у айримлардагина ҳодисага айланади. Иккиланмай айтай, Сизнинг руҳиятингизда рўй бераётган иқлимий ўзгаришлар ана шундай ҳодиса томон бормоқда. Бироқ, энг ёмони, бу ҳодиса Сизни яқину узоқдан қуршаб олган юртингиз одамлари учун гўё ўзга сайёрада, дейлик, Уторудда кечаётган жараёндек, дейлик, денгиз тошқинидек, номъълум ва ноаён бўлиб қолмоқда. Аммо, биласиз-ку, ерда ётган ҳар қандай тош ҳам, қанчалар топтаб-босиб ўтиб-қайтишмасин, ўзича ўсаверади, ва, агар парчалаб ташлашмасе, бир кунмас-бир кун ўсиб тоққа айланади. Аммо, биласизми, севимли шойирнинг шундай қалимаси бор: ўттизигача дунёни олмаган одем ўттиздан кейин ҳам ҳеч қачон ололмайди дунёни. Қайси дунёни қандай қилиб олимни назарда тутаётганимни тушунган-дирсиз.

Мусаввира! Сиз пахтазор ичида қоқилиб-сурилиб, гоҳ йиртиқ қалишини, гоҳ кесакларни (лекин тақдирини эмас!) уришиб, бошида хирмондай — қанду қатламалар тўла дастурхонмас, қоқиққа қантарилган сигирига қамиш ёки шамоқ —





бир боғ ўт олиб бораётган, ҳатто чўл кушлари-да ўзларини соя-салқинга урган туш вақтида бир нафас нафас ростлаб олишни эмас, мошнни ўтоқ ёки ловияни чопиқ қилиш қайғусида ҳансираб, ҳолсизликдан бутун вужудида қалтироқ кезиб, бошидаги ўт оғирлигидан майишиб-майишиб, бўйни қоқсуяк кифллари орасига чўкканча, терга, ташвиш ва юмушларга ғарқ ботиб бораётган аёлнинг расмини чизиб беринг. У МЕНИНГ ОНАМ БҮЛАДИ. Боғ ўтга санчилган ўроқ ҳам, аёл ортидан бир кўтарим ўтни ноқулай орқалаганидан бошини кўтариб йўлга қаролмасдан, туювланган той сингари оёғининг тагидан нарини кўролмай, ўтга санчилган ўроқнинг учи гарданига ботаётганига, ўроқ кесган бармоғининг жазиллашига, қафту билакларини қияётган ингичка арқонга катта одамлар сингари эътибор этмай бораётган 10-11 ёшлар чамасидаги болакай ҳам яққол кўриниб турсин, илтимос. Бундай мултамас қилишимнинг боиси, у — онамнинг 50 ёши бўлади, менинг эса — болалигим!

Сиз туғилиб ўсган Сурхондарё вилояти рассомлар учун ҳамиша «килҳом булоғи» бўлиб келган. Бироқ расм санъатининг ўчоғи (қадимшунослар топган тоғ-тошлардаги, горлардаги энг қадимий, ибтидоий расмларни эсланг) бўлган худо ёрлақан шундай юртда вилоят маданият бўлими, жиллақурса Сиз истиқомат қилаётган Денов шаҳар маданият бўлими Сизга шу даражада бепарво бўлса?

Дилбар! Сиз болаларга тасвирий санъатдан сабоқ бериб, ғоят савобли ишга қўл урибсиз. Биз мактабда ўқиганимизда жисмоний тарбия муаллимимиз расмдан дарс берарди. Биз парталарга куён расмини чизиб, футбол ўйнагани кетардик. Биласизми, биз футбол ўйнагани кетганимизда, дунёнинг Санкт-Петербурғ деган бир шаҳрида бизга тенгқур болалар жаҳонга доврқ солган Эрмитажда расм дарсини ўқир эдилар. Расм ўқитувчиси «Помпеянинг сўнгги куни» картинаси қошида болаларни тўплаб, тасвирдаги ранглар, соялар, воқеалар, бунгача ва ундан кейин бўладиган воқеалар тўғрисида сўзлар, болалардан расм ҳақида, ундаги ранглар, соялар, воқеалар хусусида сўрар, болалар ўқитувчини, ўқитувчи болаларни имтиҳон қилар эдилар. Болалар худди

санъатшунослардек ишонч ва қувонч билан сўзлашарди. Биз ашула дарсларида синф-хонага кирмай, кўча чангитиб югуриб юрган пайтларимизда ўша шаҳардаги тенгқурларимиз Мотсарт, Бетховен, Шопен, Чайковскийларнинг видео концертларида мусиқадан сабоқ олишарди... Сиз мактабларда расм дарслари дастурини ўзгартириб тўғри қилибсиз. Болаларга олма, қарам, қабулар, уйдан нухса кўчиришни эмас, тўғруларга мос ранг танлай билишни, рангларни фарқлашни ўргатиш керак. Зеро, шунда ёш қалб оламга маданий нигоҳ билан қарашни ўрганади...

Рассомнинг касби гўзалликни бўрттириб кўрсатишдир. Расмда, хоссатан, характерлар муҳим рол ўйнайди. Ҳатто пейзажда ҳам маълум композицияли, маълум қурилмали характер бўлади. Характер — инсон ёки буюмнинг маълум мақсадга йўналтирилган бирор бир хусусиятига урғу бериш, шу хусусиятни умумлашмада, тадрижда ва бўрттириб кўрсатишдир. Агар расмда характер бўлмаса, минг чиройли ранглар ўйлаб топилгани билан у асар бўлолмайди. Пейзаждаги характер — гўзалликнинг бўрттирилган қиррасидир. Мисол учун «Маҳаллада Наврўз» картинасида биринчи планда турган момолар, амаки ва тоғалар образини ана шундай характер даражасига кўтарилган деб айтиш мумкин. Тоғаларнинг қиёфасида, ўтиришларида, қўл ҳаракатларида жангари феъл-кўй кўриниб турибди. Уларнинг бирларига дўппи, бирларига телпак кийдиргансиз. Бу эътиборсиз кўринса-да, муҳим деталлардир: Наврўз қиш билан баҳор оралиғидаги кичкина бир фасл эканлигини англатади. Ярни кўриниб турган бешик марказий пландаги яланғоч дарахтга тазод қилиб қўйилган. Бешик — улғаяётган Ватан бўлса, юлун дарахт не-не давронлар не-не кўйларга солган, тарихга айланган диёр рамзидир.

«Дугоналар» — хаёлингиз бўёқлари билан мунаққаш қилинган музайян давранинг афсонасидир, яъни Сизнинг орзуингиздир. Қизлар оразида нафиса зовталиқ бор. Айтинг-чи, қишлоқлардаги қизлар бўстони анжуманлар тузиб, қадим дунёнинг боқий мазмуни бўлмиш Аёл зуволасига мусиқа ила жон ва руҳ киритган табиат дилини мунаваар қилишга фурсат

топа оладиларми? Назаримда, Сизнинг ана шундоқ шоҳиста ва ораста дугоналарингиз йўқ, лекин бўлишларини жуда истайсиз. Сиз жамоа орасида яккаланиб қолганлардансиз. Дўстларингиз Сизни ҳамиша чала-ярим расмлар орасида кўриб, сиздан кетиб қолиш керак. Сиз уларнинг дилтортар ва дилрабо базмларига кўшилолмайсиз, назаримда. «Дугоналар»да дераздан ўғринча қараётган, бўй етган қизларнинг ҳаёти ўзига ғаройиб туйилаётган навраста қизча ва калавани ўйнаётган мушук картинага жон бағишлаб, уни ҳаётий қилиб турибди. Лекин бир эътирозим бор: хонадонларда мушук сақлаш ҳақиқий Шарқ маиший ҳаётига хосми? Мен ҳам аниқ билмайману лекин уйда мушук сақлаш ўрнлардан келган одат эмасмикин? Шундай эса, агар Сиз мушук воситасида ўзбеклар турмушига ўрисча манзаралар сингиб улгурди, демоқчи бўлсангиз, фикрингизга қўшилмай иложим йўқ. Қолаверса, мушук ҳозир жуда кўп ўзбек оилаларида ҳам сақланади-ку.

Сизнинг полотноларингиз Шукур Холмирзанинг ҳикояларига ўхшаб кетади. Уларда миллий колорит ниҳоятда қуюқ. Сурхондарёнинг топот-иссиқларини, афғоншамолининг шиддатини, чўлликларнинг жўмардлиги, бағри кенглиги, содда кинояси, уст-боши ва рўзғоридаги ўзига хосликлар яққол кўриниб турибди. «Тоғ қизи», «Шаҳарлик келинчак», «Ёдгор», «Холам портрети» ва бошқа қатор асарларингизга шу хусусият хосдир. «Ўпқон» картинаси замонамизнинг фожеъавий мундарижаси жо қилинган дostonга ўхшайди. У фантазингиз қамрови кенг эканлигини кўрсатади.

Дилбар! Очигини айтсам, қатор асарларингиздаги мавзулар менга маъқул келмади. Масалан, «Биринчи қалдирғоч», «Дехқонлар йиғилиши», «Ёрни севинг», «Авллоддан авлодга», «Нон қадри» сингари полотноларингизда мавзу ҳам, сюжет ҳам, ҳаётга, воқеаларга муносабат ҳам, талқин ҳам эскича. Уларда ранглар номуносивлиги, тасвир хиралиги кўзга ташланади. Давримиз муҳир сангтарош монанд ҳар куни тафаккуримизни тарошломқда, унга сайқал бермоқда. Ижодкор — сангтарош давр илкидаги ўткир тешача бўлмоғи шарт. Агар бу теша ўтмас бўлса, у ўз-ўзидан ташлаб юборилади. Тасвирий санъатдаги илғор оқимлардан, энг сўнгги бадий йўналишлардан беҳабарлигингиз, адабиёт-санъатдан анча узоқлигингиз каминани қаноатлантирмади. Сездимки, бу ҳолдан. Сиз ўзингиз ҳам безовтасиз. Ижодкор оломончилик руҳидан қочиши, тўла маънода Шахсга айланиши, жамиятдаги юксак идеалларнинг генераторига, эзгуликлар яратувчи дахлсиз мурватга айланиши зарур. Жумладан, Сиз ҳам ўзингизда ана шундай Шахс сифатларини балоғатга, камолотга етказмоғингизни истардим.

Ҳар қандай даврнинг ҳам Яхши ва Ёмон одамлари бўлади. Сиз ҳар қандай даврнинг Яхшилари сафига кирасиз... Буни маҳзун ва тортинчоқ кўзларингиз билдириб турибди.

Истагим: беш кунлик дунё дейишади. Беш кунлик дунёнинг рамзи — беш бармоғимиздир. Бу бармоқларни бир нафасда санаб тугатиш мумкин. Сиз шундай бир асар яратинг-ки, у инсон қафтидек ихчам бўлсин ва бу мухтасар қафтда беш кунлик дунё, дунёнинг беш кунлиги акс этиб турсин.

Баъзан қаттиқ, баъзан яланғоч гапирганим учун маъзур тутинг.

Мухлисингиз: Салим АШУР»



Дилбар  
асарларидан  
измуналар

# ЧИЛЛА НИЧМА?

Халқимиз ўртасида «чилла» сўзлари тез-тез қулоққа чалиниб қолади: «Чиллалик»... «Чилладан эсон-омон ўтиб олсак»... дегандай... эътибор берсангиз бу гаплар замирида жуда катта ҳаётий билим борлигининг гувоҳи бўласиз.

Чилла атамаси «чил» сўзидан олинган бўлиб форс-тожик тилида «қирқ» деган маънони билдиради. Чилла инсон ҳаётидаги хатарли, энг оғир ва энг маъсулиятли даврни англатувчи сўз ҳисобланади. Удум бўйича чилла 40 кундан иборат бўлиб, шундан 20 кун кичик чилла, 40 кун эса катта чилла дейилади.

Қишнинг энг совуқ (25 декабрь — 5 февраль) ва ёзнинг энг иссиқ саратон (25 Июн — 5 август) вақтлари ҳам «чилла даври» аталади. Она ва унинг чақалоғи ҳаётининг туғруқдан кейинги ва келин-куёв турмушининг никоҳдан, марҳумнинг вафотидан кейинги илк даврларига нисбатан ҳам чилла атамаси қўлланилади. Бефарзанд аёлни чиллага солиб 40 кун давомида ташқарига чиқармасдан бахши боққан.

Марҳум вафотидан сўнг 20 кун ўтгач йигирмаси, 40 кун ўтгач эса (марҳумнинг ёшига, фарзандларининг сонига қараб 25-37 кунлар ичида) худойи қилинган.

Ўтмишдаги одатларга кўра келин-куёв фарзанд кўрган аёл ва чақалоқнинг чилласида уларни гўё ёмон руҳ, алвасти, жин-ажина ва бошқалардан сақлашни тақазо қилган. Чиллали келинчак учун фарзандсиз аёллар билан учрашиш хатарли ҳисобланиб, гўё туғмас аёлнинг қисмати келинчакка ўтиши мумкин, деб тушинишган. Кейин уйга бефарзанд аёл қадами тегса келинчак ҳам бола кўрмайди, деб ирим қилишган. Бу удумни «Чилла тушди» деб ҳам аташади.

Оилада бола туғилишданоқ чилла даврига катта эътибор берилган. Туғишдан сўнг йўлдоши тушгандан бошлаб кейинги 6-8 ҳафтача бўлган давр чилла даври ҳисобланади. Табиблар фикрича туғруқдан сўнг аёл организмнинг тўла аслига қайтиши ҳисобга олинб, нормал чилла даври учун 5-6 кун, оғир келган асорат билан ўтган чилла даври учун 70 кун белгиланган.

Фарзанд кўрган аёл ва чақалоғи чилла даврида турли инс-жинслар ва касалликлардан эҳтиёт қилинган. Анъанага кўра, она ва чақалоқ қирқ кунгача уйдан чиқмаслиги, болали уйга бегона одам қадам босмаслиги ва чиллали уйда чироқ ўчмаслиги керак.

Чақалоқ туғилгач учинчи куни махсус кўйлакча (чилла кўйлак) тикиб кийгазиб, то чилла ўтмагунча ечилмаган. Китоб туманида чақалоқнинг чилла давридаги кийимини «чиллаки» дейишади. Ҳақимларнинг айтишларича, аёл организмнинг

туғруқдан сўнг тўла аслига қайтиши ва чақалоқнинг нормал физиологик ўсиши йўлига тушиб олиши учун орада бир ҳафта ўтиши лозим.


Чилла даврида касофат, бахтсизлик содир бўлмаслиги учун она ва бола ёлғиз қолдирилмаган. Хонада доимо чироқ ёкиб қўйилган, бу хона эса «чиллахона» дейилган. Халқимизда баъзи тарбияси ночор кишиларга нисбатан «Чилласида чироқ кўрмаган» иборасининг айтилиши ҳам бежиз эмас. Она кечаси ташқарига ҳам икки-уч аёл қуршовида чиққан. Она-бола олдига бегона кишилар, фарзандсиз аёллар кўйилмаган. Ёвуз кучларни ва ёмон кўзларни ҳайдаш учун кунига уч марта исирик тутатилган. Она ҳатто молхонага чиқмаган. Қўшниларга овқат чиқариш ва улардан олиб туриш ҳам тақиқланган. Чунки бу пайтда чақалоқ бошига чилла яраси чиқиши ҳам мумкин, бўлган. Чилла яраси чилла суви билан ювилган.

Чилла даврида кексалар, асосан аёл ва чақалоқ учун уч, беш, етти, тўққиз каби тоқ кунларни хавфли, деб билишган. Қоида бўйича уч, беш, етти, тўққиз оқшомлари нишонланиб бўғирсоқ пиширилган, гўдакнинг оғзи, лаби, пешонаси, кўкрагига қуйруқ ёғи суртилган. Бу оқшомларда она-бола ёнига энг яқин қариндош аёллар ётишган. Бу вақтда маълум бир анъанавий қоидаларга риоя ҳам этилган. Бўшанган аёлга новвот чой ичирилган, ширинлик ва тухум истеъмол қилдирилган. Чилла пайтда уйга хом гўшт киритилса гўдакка чилла яраси чиқади, дейилган. Яна она уч ойга қайатилган сут, гуруч оши, гўшт истеъмол қилган. Агар онага қовун, тарвуз, узум, шофтоли берилса гўдак касалланган. Чақалоқ уч ойга тўлганда она овқатланишни аввалигдай давом эттира-

верган. Гўдак бир ярим ойга етгунча аёл уй ишларидан озод этилган, унга овсинлар, сингиллари ва яқин қўшнилари кўмаклашиб турганлар.

Гўдакни онаси то бир ёшгача эмизган, агар укаси туғилмаса 3-4 ёшгача эмизилган. Онанинг сути кам бўлса ёки вафот этса чақалоқни қариндош ёки қўшни аёллар эмизишган. Бундай шароит бўлмаганда болага эчки сути ичирилган. Бола кўкракдан ажратилгач отаси эмизган аёлга бошоёқ сарпо берган. Гўдак эмизган аёл болалари билан опа-сингил бўлиб («эмчакдош») кетишган. Келажакда улар ўртасида никоҳ тақиқланган. Туғишдан уч кун ўтгач доя кампир чақалоқни тоғарадаги иссиқ сувга енгилгина ювган, 4-5 кун ўтиб киндиги тушгач эса иккинчи марта ювиб, бешикка белашга ҳозирлик кўришган. Одатда она ва чақалоқ бирга: олдин чақалоқ, сўнгра она ювинган. Ювиниш учун махсус «чилла суви» тайёрланган. Сувга туз, танга (чақалоқ ўғил бўлса), узук (қиз бўлса), қўйнинг етти ёки қирқ майда бўлак хом гўшти, тухум пўчоғи, бир чимдим эски деворнинг кесаги туюлиб докадан ўтказилиб тупроғи солинган.

Чақалоқ тузли ва тупроқли лойқа сувга чўмилтирилган. Халқ табobati нуқтаи назаридан ва кексалар таъбирича бола чўмилтирилганда бадани тозаланади ва кайфияти кўтарилади. Бунда лойқа сув таркибига ҳам эътибор берилади. Чўмилтиришга мўлжалланган сувга аралаштириш учун тоза кесаклар ишлатилган. Бу кесаклар асосан ўз хонадонининг тандирлари ёки кўҳна пахса деворлари кесакларидан иборат бўлиши лозим бўлган. Вақти-вақти билан чақалоқ танасида иссиқлик тошмаслиги учун кесак майдалаб докадан ўтказиб сепилган. Гўдак соғлом ва дўмбоқ бўлиб ўсиши учун Қашқадарё воҳа-



сидаги баъзи жойларда сувга хамиртуриш ҳам солинади. Чумилтириш маросимидан сўнг чақалоққа махсус «чилла кўйлак» кийдирилади. Баъзи қишлоқларда гўдак туғилганиданоқ унга «ит кўйлак» кийдирилган. Гўё болага хавф солиш мумкин бўлган бало-қазо итга ёпишсин, дейилган. Чунки ит тез кассаликка чалинмайдиган бардошли, тез кўпаядиган ҳайвон ҳисобланган. Агар оилада бола кўп турмай нобуд бўлаверса, то қирқ кунгача чумилтирилмаган.

Онага иккинчи ва учинчи кунларда қовурилган тухум, ундан сўнг товук шўрваси ичирилган. Бола етти-тўққиз кунлик бўлганда юпқа пиширилган. Бордию қирқ кунгача чақалоққа атаб юпқа пиширилмаса хулқида бирон асорат бўлади, дейилган.

Қарши шаҳри ва атрофидаги қишлоқларда жуда ибратли удум мавжуд: оилада ҳомилдор аёлнинг кўз ёришига яхши ният қилиб «Шишак» кўй (икки яшар кўй) боқиб сўйишади. Кўй гўшти ва шўрвасини истеъмол қилган она ва бола касалликка чалинмаган. Шишак кўй гўшти она сутини қуюқлаштириб болани яхши ухлаганга хизмат қилган, яна онани бақувват бўлишига ёрдамлашган. Кўй суяклари синдирилмай мевали дарахт ёки девор остига кўмилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, гўдакни турли касалликлардан сақлаш учун то чилласи чиқмагунча она бола суғланади, деб бирон бегона кишининг уйига олиб борилмаган. Уйда бир ўзини ташлаб чиқилмаган, онасидан ташқари уйда яна бир кишининг бўлиши албатта шарт бўлган. Бу ерга арвоҳлар, дев ва алвастилар келишидан сақлашган. Агар бола чилладан кейин бирон жойга кўтариб борганда касал бўлиб қолса, қушнотлик қилиб юрган сўқчи момони чақириб бола қоқтирилган, қулоқ-боши тортилган. Бола шунда ҳам тузалмаса фол очтирилган. Фолбин етти уйдан бир ҳовучдан унни олиб атала пиширган ва бир нечта қовоқ (кади)га солиб, йўлнинг ўртасига қўйган. Агар йўловчилар қовоқ (кади)ни тепиб ёки устидан ҳатлаб ўтишса, унинг ичидаги зарар келтирадиган нарсалар болага зарар келтирмас эмиш. Бемор гўдакни товук билан қоқишган, агар шунда ҳам тузалмаса девор тешилиб уч марта ўтказилган. Болага бирор кишининг кўзи тегса муллага ўқиттирилган. Мулла берган тумор гўдак эгнига тикиб қўйилган.

Гўдак туғилганда ҳам арвоҳлар учун қуймоқ, бўғирсоқ, чўзма пиширилиб ис чиқарилган. Гўё арвоҳлар бундан шод бўлар экан. Боланинг соғлиги учун шайхга ис қилиб боришган. Шайхлар бунинг эвазига дуо қилишган, тумор тикиб беришган, тумор эса гўдакнинг елкасига тикиб қўйилган. Кишилар шайхлар маслаҳатига кўра авлиёда ётган тошларга чироқ ёқишган, болаларни элиб сифинтиришган, назир берилган ва аталган тангаларини ташлашган. Гўдак туғилганда ҳам арвоҳлар учун қуймоқ, бўғирсоқ, чўзма пиширилиб ис чиқарилган. Авлиёга тўққиз қуймоқ, пахтадан чироқ учун пилик тайёрланиб ёқилган. Болага яра чиқса, булоқ сувига ювилган. Жонлиқ гўшти одамларга хом-талаш қилиб тарқатилган. Қонга бўялган латта дарахтга илинган. Агар бола тез ўсмаса, қирқ йиллик девор тешиб ўтказилган, кулча пиширилиб авлиё ва қабристонларга элиб ташланган. Баъзи қовоқ (кади)га турли овқатлар солиб, қабристонга ташлаб келинган. Бир ҳовуч бўғдой-

ни «Қушлар есин донини, дуо қилсин жонини» деб сочишган. Бемор гўдак уч чоршанба авлиёларга олиб борилган. Бу пайтда бўғдойдан қовирмоч, тўққизта бўғирсоқ ҳам тайёрлашган. Қайтишда боланинг усти-боши ташлаб келинган. Яна болани бошқа бир серфарзанд киши олиб кетиб, уч кунгача ўз уйида сақлаган ҳам.

Катта чилла — 40 кун ўтгач бола чумилтирилиб, унинг кўлига тақилган мунчоқ кўзmunчоқ билан алмаштирилади. Шундан сўнггина болани кўтариб ҳовлига чиқишлари, кўни-қўшнларга кўринишлари, маҳалла ёки қишлоқдаги таниш-билишларникига, қариндош-уруғларникига ва ниҳоят аёл ўз ота-онасиникига бориб ётиб қолиши мумкин, деб ҳисобланган. Китоб тумани атрофидаги қишлоқларда чақалоқни чилласи чиққандан сўнг яқин кўни-қўшни ва қариндош-уруғларникига кўтариб меҳмонга бориш ва шу муносабат билан ўтказиладиган маросимни «чиллагурзон» дейилади. Кексаларнинг айтишларича, 40 кунлик чилладан омон-эсон чиққан болага атрофдан таъсир этадиган нарсаларнинг кучи етмайдиган бўлар экан.

Куёв-келиннинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, кўни-қўшнилари, доя момо, анагалар ва туғишда қатнашган бошқа аёллар йиғилишиб «Чилла тўйи» ўтказишган. Қирқ кунлик оғир хавfli палладан ўтиб олганлиги шарафига, боланинг ўзини ўнглаб олгани, кўз тегмай, инсу жинсларнинг таъсирига берилмай, ёмон кўзлардан ҳамда суқ, киннадан омон-эсон чиққانлиги ота-оналар ва яқин ҳеш-ақраболар учун қувончли бўлгани учун уни тўй сифатида нишонлаганлар.

Асрлар ўтган сайин чилла даври ва у билан боғлиқ расм-русумларнинг аксарияти унитилди, баъзиларигина республикамизнинг қишлоқ аҳолиси ўртасида сақланиб қолган, холос. Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудудининг ўзига хос қоида ва анъаналари бор. Бизда Шўролар даврида ҳеч нарса муқаддас деб ҳисобланмади, олийжаноб қадимги удумларимиз менсилмай оёқости қилинди, уларнинг илдишларига пойтеша урилди. Оқибатда эса минг йиллар давомида шаклланган қадриятларимиздан воз кечилди ва маънавий қаҳатчилик вужудга келди. Асрлар оша етиб келган удумларимиз «Қизил империя»нинг совуқ сиёсати туфайли хазон бўлди. Чилла даври ва расм-русумлари ҳам хурофот деб қораланди.

Бу расм-русумлардан ягона мақсад: она ва гўдакни барча ёвуз куч ва бегона кўзлардан сақлаш, бола соғлом ва чиройли, фикрловчи сифатларга эга бўлиб ўсиши, она эса янада соғлом бўлиб, кўп-кўп фарзандларни боқиб авлодлар давомийлигини сақлашдир.

**Очил БҲРИЕВ,**  
Қарши давлат университети  
жаҳон мамлакатлари тарихи  
кафедрасининг мудирини, тарих  
фанлари номзоди

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ДАВР ВА АЁЛ



**Асадулло МИРЗАЕВ,**  
подполковник,  
Мудофаа вазирлиги шахсий  
таркиб билан ишлаш  
бошқармасининг зобити

Зобит ўз ҳаётини оиласиз тасаввур этиши мумкин эмас. Унинг муваффақияти, тайёргарлик ютуқларини таъминловчи оиласи — аёли. Бу ҳарбийлар учун жуда муҳимдир. Уйдаги ҳамма муаммоларнинг ечими аёл кўлида. Аёлларнинг ҳеч бир соҳада эркаклардан камчилиги йўқ. Қуролли кучларда ҳам аёллар бор. Аммо ўзига хос жиҳатлар билан ўзбек аёллари ажралиб туришади. Улар самимий, ишонувчан, жонкуяр, муҳими, маҳаллий шароитни яхши билдилар. Зобитлар жамиятнинг илғор кишиларидир. Уларнинг аёлларга муносабати ҳам замонавийроқ.

Хуллас, ўзбек зобитининг аёли, умр йўлдош каби, юрт осойишталиги, осмонимиз тинчлиги учун жон фидо қилади.



## ЮРАК

**Азиз муштарий! Мана, яна бир йил туғаб, биз ҳам ўз меҳнатимиз маҳсулини сарҳисоб қилаяпмиз. Йил бошида берган ваъдалар, нечоғлик рўёбга чиқди — журнални кузатиб борган сиз муштарий ҳукмига ҳавола. Биз эса бир неча йилдан буён одатга айланганидек сўнги сонда яна сизнинг хонадонингизга суратимиз ва сўзимиз билан кириб бораяпмиз. Аммо бу гал нафақат сурат ва сўзимиз, балки сизга ноаён бўлган одат, характер, дунёқарашларимиз, ҳодисаларга муносабатларимизни иш жараёнимиздаги ҳолатларимиз орқали ҳазил-чин тақиқасида баён қилаяпмиз.**

Соат миллари чанқаб йиқилган аскар каби зўрға эмгаклар бораётир. Даврнинг шиддаткор лаҳзалари — ўқ ёмғирлари орасидан бир амаллаб мудофаа чизиғи — 10 рақамига етиб олди. Ҳали анча бор, яна иккита тепалиқдан ўтиш керак. Сўнгра ўн икки бўлади... Шундагина қоғоз уюмлари орасида гангиб турган ишхонага сув сепгандай жимлик чўқади. Қалам ва ўчирғичнинг жони ором олади... Ўз дарди дунёсига кўмилиб, ўриндиққа микланган ходимлар бирин-кейин вақтнинг бунчалик тез ўтаётганига гўёки ачинган ҳолда тушликка жўнашади.

Йўқ, бугун одатдагидан бошқача кечди, бир кунлик умр. Ҳа, соат ўн эди. Ҳеч қанақа мажлис, ҳеч қандай йиғин белгиланмаган эди. Котиба қиз ҳар бир хонага бош суқиб ҳаммани қабулхонага чорлади. Унинг юзидаги бесаронжомлик, кўзларини пирпиратиб «Юринглар, юринглар, қабулхонага тезроқ юринглар, деб талвасага тушиши жон қулоғи билан шаҳарлараро кўнғироқни кутаётган ходимни ҳам бефарқ қолдирмади. Бир пой туфли кийгулик вақт ўтмай ҳамма қабулхонага йиғилди. Ҳатто беш зина пастда, учинчи қаватда ашғолдашғолларига маҳлиё бўлиб ўтирган фотомухбир кўзойнагини ҳам олишни унутиб, котибадан олдинроқ учиб келди. Одамзотнинг табиати шунақа — бирор хушxabарни бошқалардан аввалроқ эшитишни, қандайдир мўъжизани энг биринчи бўлиб кўришни хоҳлайди. Бугунги хушxabар, йўқ, мўъжиза чиндан бутун тахририятни лол қолдирди. Ходимлар эсанкираб туришди. Не кўз билан кўрингки, қабулхона бурчидаги столда, телефон аппаратлари ёнида юрак трубки. Э-е, нима бўлган сизга ўзи? Одамнинг юраги... Оддий, Сизу бизнинг кўксимиздаги юрак. Ҳамма жим... ҳеч ким ҳеч нима деёлмайди. Шу пайт юракдан садо келди...

— Сизгааа, ҳурматли донолаар... Кўп эмассс, яриим дақиқааа... Ёзинглааар... Мен ҳақимдааа ёзинглаааррр...

**Эшқобил ШУКУР,**

**Бош муҳаррир ўринбосари**

Шарқнинг оқил ва руҳи юксак фозиллари ҳамиша юракнинг измида бўлди. Чунки Сенда улуғ бир давлат — ҳалоллик мавжуд эди. Улар доимо юрагини тингладилар, қалб кўзлари билан бизнинг тасаввуримиз ҳам сиғдирилмайдиган олисдаги чароғонликни англадилар. Сен Инсон руҳияти имкониятининг улкан қудратидан дарак берасан. Сени тафаккур қилиш учун, оҳ, биз нечоғлик юксакликка чиқишимиз, камолат пиллапоясидан ўтишимиз даркор... О, кўҳна ва улуғ Шарқ дунёсининг уйғоқроқ зотлари, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Рўмий, Ҳожа Аҳмад Яссавий... хуллас Навоий ҳазратлари-

дан ўтказиб мен нима дея олай... Улуғ адиб айтмиш — инсон юраги ўзидан улканроқ юкни кўтариб юради. Мен дейман — қалб дегани шундай мўъжизаки, у шоирни бир кунда юз марта қайта туғади. Менинг дастлабки манзилим ҳам энг сўнги манзилим ҳам Сенсан — юрак. Мен кўрқмайман, мен сенинг ичинга кириб олганман, мен Сенинг ҳимоянгданман юрак!

**Чори ЛАТИФ,**  
масъул котиб.

Юрак... ҳақиқатан ҳам юрак (ушлаб кўрди у). Умуман олганда, биз аввало шу нарсани тушунишимиз керак. Биз стол устида турган, ҳатто гапирётган юрак ҳақида ёзсак, азиз муштарийни ишонтироламизми? Тўғри, асримиз мўъжизаларга бой, бироқ, Шундай экан, нега мен юрак ҳақида ёзмас эканман. Шу ерда мен бир

## ҲАҚИДА

нарсани айтиб ўтишни жойиз деб топдим — истасангиз ишонинг, истамасангиз йўқ, лекин мен юракни, айнан одам юрагини столнинг устида, иккита телефон ёнида (бири қизил... бири сариқ телефон, юракнинг рангини муштарий билса керак...) кўриб турибман. Фактларга мурожаат қилсак, бу ерда бутун ишхона ишни ташлаб йиғилган. Яна мен билан тортишмоқчи бўлсангиз аниқлик киритаман, ходимларимиз, шоирлар (сал бепарво бўлади бу халқ) Салим Ашур ё Кўчқор Норқобилнинг юраги бўлиши ҳам мумкин... Мен ҳеч қачон чалғимайман, бор гап шу, азиз муштарий.

## ҚАНДАЙ

**Санобар ФАХРИДИНОВА,**

**Маданият ва турмуш бўлими мудир**  
Орзуларга тўла юрак... Орзуларинг ўлмасин, юрак. Кўчқорбек дўстим, қаранг, товланиб туришига қаранг, дўстим. Бу энди, бир мўъжиза-да. Ғалати-я. Шу юракни, шу юракни шундай бир тасвирлаш керакки, тўғриси, ўқиган жўрналхоннинг туйғулари жунбушга келсин. Нима дейсиз, шу мавзунини бошқа бўлимлар илиб кетмаслиги учун планимга киритиб қўйдим. Мен анчадан бери юрак ҳақида ёзмоқчи бўлиб юрвдим, кейинги пайтлар фабрикаларнинг бичув-тикув сеҳлари келажаги ҳақида ёзавериш юракни анча банд қилди.

Йўқ, яхшиси, Юрак, мен Сени шеър қиламан. Менимча, Юрак ҳақида мақола қилиш аллақандай, жўн нарса. Ахир, ахир, юрак фақат шеърга сиғади... Соат чиқилмайди... миллар жонсарак, Юрак миллари-га осилган вужуд...

Яхшиси, планимдан мақолани ўчириб ташлайман...

## ЁЗАДИ?

**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**

**Адабиёт ва санъат бўлими мудир**

Қизиқ... нега одамлар хавотир олмаяпти? Нега ҳамма қараб турибди? Ҳозир булар юраги тарк этганини биладиларми? Столдаги менинг юрагим, столдаги Сизнинг юрагингиз.

## КИМ

Менинг танк ва самолётларни кўтарган, урушларни олиб юрган аламанда юрагим... биламан, Сенга муҳаббат сизмади, нима қипти? Қўй, куйинма. Ҳаётнинг ўзига яраша шафқатсизликлари бор. Сен мендан аразлама, оғайни. Яхшиси, кетдик, Сендан ажралишни истамайман. Мен ишонаман. Сен бутун ер шарини кўтараоласан. Йўқса, ҳамма нарса тугайди...

**Салим АШУР,**  
Ижтимоий-сиёсий бўлим мудир

Кирпигимни ўқ қилиб отдим юрак. Сими оғриди жоним. «Томоғим тубинда», йўқ, бўғзимда ув тортиб йиғлади фалак... Юлдузлар тўкилди бирма-бир, яшилланиб бородур қоним... Кирпигимни кўзим суғирар... абри найсонларни ичиб ўсар руҳ... Ой шафқат билмазди бу кеча — сенга ўхшаб кетар, мени қийнайди — ўн оқтидан ўтган қизнинг юраги. Салимга ҳам азоблар тутар, Салимни ҳам осар бедорлик, чиройли аёлнинг қўйлаги каби тун сеҳрлайберади дилни...

...Васлинг мени ўтда куйдирар чиройли аёлнинг юраги. Шоҳ Машрабга тасанно айтиб, ҳаволарга чиздим сувратинг. Мени тушун, мени хор қилма, кўзларингдан қувгин нафратни.

...Кирпигимни ўқ қилиб отдим юрак... Сайраб юбордилар кўнгул торлари.

**Холтош УСМОНОВА,**  
Кенгаш бошқаруви ва депутатлар фаолияти бўлими мудир

Болалигимизда шўъ ва қувноқ эдик. Тиним билмасдик. Эсимда, олмалар фарқ пишган маҳал. Тош олман ўртасидан икки бўлиб бувимга кўрсатдим.

— Қаранг бувижон, худди юракнинг ўзгинаси-я.

Бувим ҳайратланиб қаради. Қизиқ, мен, кичкинагина болакайнинг бошига бу фикр қаердан келди? Ҳатто мактабга ҳам бормасдим ўша маҳал. Негадир, шу мақоламни тугатаётиб ўша дамларим ёдимга тушди. Хулоса шулки, ҳар кимнинг юраги бутун бўлин.

...Жўрнол ходимлари ярим дақиқа ичида юқоридагича қоғозга тушириб қолдилар. Ўз-ўзидан ғойиб бўлаётган Юракни фото-мухбир (кўзойнаги қолиб кетганига қарамай) уч-тўрт марта чақиллатиб суратга олди — эртага «Оила ва жамият»да босилади. Ҳарф терувчи Нилуфар ходимлар қўлидан қоғозларни йиғиб, улар ҳам йўқолиб қолмаслигидан чўчибми, кўчириб ёзиш учун хонасига югурди. Техник муҳарриримиз Олимжон ака, чиқиб кетаётиб, Оксиси айлансан, ажойиб замонлар бўлаётини, вуй, стол устида юраг-а? Ҳа, майли, мен наشريётга тушай, производственный отделда иш бор, деб қўйди. Рассом йигит Жавдатнинг айтишича, бу унчалик ҳам мўъжиза эмасмиш. Куни кеча урусия матбуоти — «Супермен» ва «Аргументы и Факты» газетида бу ҳақда мақола ўқибди. Ҳа, дарвоқе, адашмасам, «Московской новости»да ҳам босилди, — деди у. Ҳамиша камгап ва камсуқум ёзувчи Дилфуза Шомаликова бу гал ҳам бурчакда жимгина, қимтиниби ўтирарди.

— Ана, юрак ҳам йўқолди... Лекин зўр бўлди, ўртоқлар, — деди котибамиз столни доира қилиб чертаркан.

...Ҳамма чап кўксини ушлаб кўрди.

# Гул - Кўнгул Сўз



Гуллар...

Бу оламнинг энг нафис, энг маъсум мўъжизаси... Эмишки, момо ҳаво ерга тушиб, илк қадамларини замин узра ташлаганларида, бостан изларидан гулу тиеклар унган эмиш. Балки шунданки, гул ҳидлаб турган оналаримиз гулларга меҳрли боқиб, «жаннатнинг иси келади», деб қўйишади. Хуш бўйи димоғимизга урилиб, маст қилувчи садарайхон-чи? Ким ёқтирмайди дейсиз, бу нозик гулни? Айтишларича, бу гул жаннат супургиси эмиш. Жаннат супургиси шунчаларки нозик экан, келинг, гуллар оғушига ўзимизни ташлаб, унинг фусункор жамоли-ю, муаттар бўйларидан маст бўлайлик. Момо ҳавонинг муборак изларини кўзларимизга суртайлик.

Атиргул, чиннигул, лолагул, раъногул, номозшомгул... Йўқ, адо этиб бўлмайди уларнинг номларини. Ҳар бир гул ўз тузилиши-ю, гулга кириши билан алоҳида хусусиятга, аҳамиятга эга. Сиз тўйларга, тўғилган кунларга гул танламоқчи бўлсангиз, албатта қизил ёки пушти гуллар дастасини ҳада қилинг. Қизил ранг — қувонч, бахт, шодлик рамзи. Пушти ранг — нозиклик, нафосат рамзи. Сариқ ранг одатда айрилик рамзи саналса-да, сариқ наргисларнинг бир дастасини гулдонга солганингизда, унинг ёқимли хидидан дилингиз равшан тортади. Қадим-қадимларда, қизлар қийиқчаларни айнан сариқ рангдаги матодан тиқишган экан. Сариқ ранг белга куч-қувват бераркан. Сариқ зар қовушлар қайси келиннинг оёғига ярашмайди, дейсиз.

Оқ атиргуллар поклик, балоғат, етуклик рамзи ҳисобланади. Йигитларга гул совға қилмоқчи бўлсангиз, оқ гулларни танланг. Бу гул уларнинг феъл уворларини тўлдириб туришга хизмат қилади.

Дарвоқе, ер юзидаги ҳар бир инсоннинг ўз гули ҳам бўлар экан. Шу гуллар уларнинг тақдирига ўз таъсирини ўтказиб тураркан. Сиз тўғилган ойингиз орқали ўз гулингизни топиб олишингиз мумкин.

Савр ойида тўғилганларнинг гули — ясмин, нухатгул. Ҳамалда тўғилган қизнинг гули — марваридгул. Жавзо қизларининг тақдир эса атиргулга боғлиқ экан. Шилви — саратон ойида тўғилган қизларнинг ҳамроҳи. Карнайгул — асад ойига, қўқонгул — сумбула ойига ўз таъсирини кўрсатади. Тирноқгул — мезон билан ақраб салтанатида. Қавс ойида тўғилган қизларга сариқ ва оқ наргислар фақат эзгулик олиб келади. Чиннигул жаддий ойининг маликаси. Қувға ойи қизлари гунафшани эъзозласинлар. Хут қизларининг меҳру муҳаббати оқ нилуфарларда. Қиз бола билан гул ўртасида азалдан боғлиқлик бор. Ҳеч қачон уларни алоҳида бўлиб, кўриб бўлмайди.

Гулиратно, Гулбағ, Гулюз, Гулафзо, Гулбадаб... Ҳа, ерда вақ билан гул қанчалар боғлиқлигини кўрсатувчи бир ривоят ёдимга тушди.

Ҳусайн бойжоро хотинининг ой-кунни яқинлигига қарамай, йўл сафарига отланибди. Узини бирмунча беҳол сезаётган аёл, шоҳни йўлдан қолдириш учун ҳеч нарса дея олмайди. Шоҳ ҳам унинг аҳволини кўриб, аъёнлари, табибларига қарата:

— Мен сафарни қолдира олмайман. Аммо, кимда-ким, менга хотининг ўлди деб хабар етказса, бошини танидан жудо қиламан. Уни эҳтиёт қилинглар, — деб йўлга чиқибди.

Бир қанча вақт ўтгач, маликани тўлғоқ тутиб, аҳволи ёмонлаша бошлабди. Табиблар ҳар қанча уринишмасин, уни сақлаб қололмабдилар. Аёл кўзи ёриёлмай, оламдан ўтибди.

Сарой аҳли оғир кўнга қолибди. Шоҳга нима дейишсин? Бу шум хабарни етказувчи мард борми? Барчанинг жони ўзига ширин. Ҳеч кимдан «мен бораман» деган садо чиқмабди. Уйлаб-уйлаб, Навоидан мадад сўраб, ҳузурига борибдилар.

— Ҳазрат, бу хабарни етказурга юрагимиз дов бермас. Ким «ўлди» деб борса, бошидан айрилур. Сиздан бўлак таянчимиз йўқдур. Маслаҳат беринг, — дейишибди.

Навоий ҳазратлари ўйланиб туриб, бир байтни қоғозга туширибдилар, ва:

— Мана шу хатни шоҳга етказинглар, бошингиз омон қолади, — дебдилар.

Чопар елдай учиб, шоҳнинг манзилига етибди. Ҳеч сўз демай, мактубни узатибди. Бойжоро хатни ўқибди:

«Сарви гулнинг соясинда сўлди гул, нетмоқ керак!», — деб ёзилган экан мактубда. Шоҳ хотинининг оламдан кўз юмганини дарҳол тушунибди, қаттиқ қайғурибди, аммо ҳеч кимни шум хабар учун жазоламабди. Қўлига қоғоз-қалам олиб, жавоб битибди:

«Сарвидан тобут ясаб, гулдан кафан бичмоқ керак».

Шу биргина ривоятда, аёл билан гулнинг нақадар ўхшашлиги жуда гўзал ифодаланган.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ўзимизнинг ўзбекчиликда, ҳали оёғи чиқмаган гўдак қўлига гул тутқазилмайди. «Бунинг ўзи ҳали гул», дейишади оналаримиз.

Модомики, ўзбекнинг аёллари — гул, гўдаклари — гул экан, уларнинг босган изларидан ҳам гулзорлар, майсалар унажак.

...Юравергин болам, йўлларинг бўлай, Нур элтар бўлганда қўлларинг бўлай. Босган изларингдан гул унганида, Гул бўйли, мунаввар кунларинг бўлай...

МАРЗИЯ



# Эпласанг, элакда сув

Бир кунда камида етти марта кўзгу қошига келмаган, юзидаги жүзый нуқсондан ҳам норози бўлиб ғунча лабларини истиғноли бурмаган аёл бўлмаса керак.

Ҳа, аёл ҳамиша ҳам келишган қомадли, гўзал чехрали бўлишни орзу қилади. Бироқ қандай қилиб! Жуда осон. Озгина ҳафсала, бир оз қунт ва ниҳоят рўзгор юмушларидан қимтиб қолинган бир чимдимгина вақт бўлса кифоя...

Шундай ниятли аёлларимизга бугун косметолог дугонамиз Иродахоним кўмаклашадилар.

## ГЎЗАЛ БЎЛАЙ

## ДЕСАНГИЗ

Онам ҳамиша менга «қизим, кишининг чехраси — энг табаррук ва улуг неъмат. Шундай экан, ҳар тонг аввало юзингни ювгину кўзгуга қараб артинаркансан, офтобни кўрган юзим, онамни кўрган юзим, отамни кўрган юзим, дея уч мартаба авайлаб силаб қўйгин» деб тайинлайдилар. Демак парваришни ҳам аввало ана шу чехрамизни силлиқлашдан бошласак. Зеро, юз териси тўғри парваришланган аёлнинг кайфияти ҳамиша чоғ бўлади.

Парваришни бошлашдан аввал учта нарсани бажариш зарур.

1. Юздаги кирларни тозалаш.
2. Юз терисини озиқлантириш.
3. Ташки муҳитнинг кўнгилсиз таъсирларидан (куёш тиғи, аёз, қуруқ шамол) эҳтиёт қилиш.

Турли ироқи совунлар, лосьон ва ниқоблардан самарали фойдаланиш учун аввало юз терисининг қуруқ ёки ёғлилигини аниқлаб олиш керак.

Тортинмасдан кўзгу рўпарасига келинганда, чехрангизга диққат билан термулинг. Агар юзингиз ҳамиша ёғланиб, ялтираб турса, юзингизнинг у ер-бу ерида қора дончалар, ҳуснбузарлар пайдо бўлиб қолса билинг-ки, терингиз ёғли экан.

Аксинча юз териси нозик, сал нарсадан таъсирланувчи, қурушқоқ бўлса, қизариб турса бундай юз териси қуруқ дейилади. Ана бундай юз териси наинки совунни ҳатто оддий сувда чайганни ҳам хуш кўравермайди. Юқоридаги ҳар иккала ҳолат ҳам кузатилмаган, юз териси эса мўътадил дейилади.

Шундай қилиб юз терингизни қанақа эканлигини билиб олдингиз. Энди ишга ўтсак ҳам бўлади.

Юзи ёғли аёллар эрталаб ва кечқурун илиқ сувда совунлаб ювинишлари мумкин. Яна «Утро», «Старт», «Рассвет», «Роза» каби лосьонлар билан артиш ҳам яхши самара беради. Борди-ю, бундай лосьонларни тополмасангиз қайғурманг. Уни тайёрлашда ёрдам берамиз.

50 грамм ароқ, бир ош қошиқ лимон шарбати аралаштириб лосьон тайёрласа бўлади. Қуритилган мойчечак гулбаргла-

рини сувга солиб 10—15 дақиқа қайната-сиз. Қайнатмани докадан сузиб олгач, у билан юзингизни яхшилаб артасиз. Шу қайнатмага ботирилган сочиқ билан 3—5 дақиқа компресс қилиши юз терисини озиқлантиришга ёрдам беради.

Икки ҳафтада бир марта юзни тозалаб туриш эса айна муддаодир.

Бунинг учун қайноқ сув солинган тоғорачага 8—10 дақиқа юзингизни тутиб туринг. Албатта бундай пайтда бошингизга каттакон юмшоқ сочиқ ёки чойшаб ташлаб олишни унутманг (чойшаб эса буғ қиқиб кетмаслиги учун). Юзингиз яхшигина терлагач, совун кўпигига ботирилган пахта томпони билан пешона, янқ, бурун атрофлари ва ёноқларингизни доира айланма шаклда артинг.

Қуёш, шамол ҳаддан ташқари совуқ ҳаво, сув ва совун қуруқ терига салбий таъсир ўтказиши. Юз териси бундай пайтларда тарам-тарам бўлиб қизариб, сўлгин тортиб қолади. Қуруқ терига эса бевақт ажин ва чиқиқлар тушиб қолиб кишини ранжитади. Айниқса ёши 25 га бормаган аёлларнинг юзлари дағаллашиб қолиши кимга ҳам ёқарди дейсиз. Юз териси дағаллашгудай бўлиши биланоқ совуннинг баҳридан ўтинг. Совуқ сувни ҳам ўйлаб ишлатинг. Яхшиси сутли ёки ичимлик содаси солинган сувда (бир литр илиқ сувга ярим стакан сут солинади) юзингизни чайганингиз маъқул. Кейин эса юз терисини юмшатовчи лосьон «Бархатний», «Огуречное молочко», «Рассвет» ёки қаймоқ, сут билан артасиз.

Урта яшар аёллар эса терини озиқлантирувчи ёғупа ёки ўсимликдан тайёрланган ниқоблардан фойдаланганлари маъқул. Қуруқ юз териси парваришига зарур бўладиган бундай ашёларни ўзингиз тайёрлашингиз мумкин.



Бунинг учун сут, ун, творог, қаймоқ, тухум, сабзавотлардан — бодринг, помидор, турли резавор ва мевалар, ҳар хил ўсимликлар зарур бўлади. Уларнинг айримларидан ўсимлик ниқоблари (пардоз ниқоблари) тайёрлашни ўргатамиз.

Бир ош қошиқ арпа унига сут солиб бўтқа ҳолига келтирасиз. Бўтқага тухум сариғи, ярим қошиқ ўсимлик мойи қўшиб ҳафсала билан аралаштирасиз. Ҳосил бўлган массани тозаланган юзга суртиб, 20—30 дақиқадан кейин илиқ сувда чайиб ташланг.

Творогли ниқоб: бир ош қошиқ янги творог яхшилаб эзилгач, сутга аралаштирилади. У қаймоқ ҳолига келгач, аралашмага бир ош қошиқ ўсимлик мойи қўшилади. Ниқоб тайёр бўлди. Энди бемалол уни юзингизга суртиб 20 дақиқа хотиржам ётиб дам оласиз. Аммо ундан кейин юзингиздаги қуриган ниқобни илиқ сувда чаясиз.

Оппоқ бўламан десангиз эса қуйидаги муолажани бажаринг:

Қирғичдан ўтказилган 2 ош қошиқ шолғомга бир неча томчи ўсимлик мойини қўшасиз. Кейин уни юзингизга қуюқ қилиб суртасиз. Орадан 15 дақиқа ўтгач, юзингизни илиқ сувда ювасиз.

Ана озми, кўпми маслаҳатларимиз билан танишиб олдингиз. Бироқ бир ёки икки марта қилинган муолажа билан дарҳол орзуингизга эришингиз қийин. Ўз ишингизни самарасини кўраман десангиз, шошқалоқ бўлманг. Ҳар кунни ўзингизга оро беришда юқоридаги маслаҳатлардан фойдаланишни қанда қилманг. Қарабсизки, ҳаммаси яхши бўлади. Ишонаверинг, бу ёғига биз кафил.

Русчадан Муҳаббат  
Ҳамидова таржима қилган



# БАЙРАМ ДАСТУРХОНИГА




Табийки, эшиқда янги йил этаклари кўриниши билан қиз-жувонларимиз тараддудга тушиб қолишади. Арзон ва озроқ масаллик сарф бўладиган, еганда келгуси йилгача таъми оғизда қоладиган пишириқ пишириш ташвиши билан «оғримайдиган» бекаларни топиш мушкул бу даврда. Шу боис, таҳририятимиз пазандалари уларни бу дарддан халос қилишга бел боғлашган. Марҳамат, малҳам — эплаганики...

## ҚАТЛАМА ТОРТ



Бу тортни тайёрлаш учун 1 дона тухум, 200 гр сув, озгина туз ва 2 томчи уксусни аралаштириб оддий хамир қорилади. Хамир ўртача юмшоқликда бўлиши керак. У 15 дақиқа тиндирилиб, сўнг хамир 1 см қалинлигида жўваланади. Ҳосил бўлган тўртбурчак шаклидаги хамирға 400 гр маргарин ва 200 гр сариеғни парраклаб солинади ва текислаб чиқилади. Кейин эса хамирни конверт шаклида буклаб, ўралади. Ниҳоят хамир холодильникка қўйилади. 15 дақиқалардан сўнг хамир олиб, жўваланади ва яна холодильникка қўйилади. Бу ҳол 7 марта такрорланади. Шундан сўнг хамирни 4 бўлакка бўламиз. Ҳар бир бўлак доира шаклида жуваланиб, жуваланган бўлақларнинг ҳар бирининг 5-6 жойига вилка санчиб чиқилади. Қизиб турган ду-



ховқада товаға ёки листға солинган ҳолда 10-15 дақиқа пишириб олинади. Тайёр бўлган қатламаларни махсус крем билан ёпиштирилади. Бир бўлагини эса майдалаб талқон қилинади ва устига сепилади. Қарабсизки, байрам дастурхонингизни қатлама торт безаб турибди.

Масаллик:

400 гр маргарин,  
200 гр сарёғ,  
1 та тухум,

бир чимдим туз ва 2 томчи уксус

Крем тайёрлаш учун 300 гр сариеғ ва 1 банка «сгушений молоко» керак бўлади. «Сгушений молоко»ни уй шароитларида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 1,5 стакан сут қайнаб чиққандан сўнг 150 гр шакар солинади ва 4 ош қошиғида молютка аралаштириб 30 дақиқа қайнатилади.

Матлубахон ҚОДИРОВА,  
Тошкент «Орзу» чарм-атторлик  
ва спорт буюмлари  
фабрикаси ишчиси

## ҚАЛАМ+ПИР+МУНЧОҚ...

Энам келсалар уйимизда байрам бўлиб кетарди. Ҳаммамизни бир-бир бағрилариға босиб, пешонамиздан ўпганларида энамдан таралаётган хуш бўй биз — болаларнинг кўнглини яйратиб юборарди. «Энажон, бу ниманинг иси?» — деб қизиқиб сўрардим. Энам кўйлақларининг ёқасига қадалган бир тизим мунчоқни кўрсатиб: «Қалампирмунчоқнинг ҳиди, болам», — дердилар.

Йиллар ўтдилар. Энамни ҳам олиб кетди ўша йиллар. Энамни эсласам, ўша таниш ҳидни ҳам димоғимда туявераман.

Шохимардон тоғларига сафар қилганимизда йўл четида ўтирган атторчи хола-нинг моллари орасидаги қалампирмунчоққа кўзим тушди. Ганжина топгандек қувониб кетдим. «Қалампирмунчоқни қаердан оласизлар?» — деб сўрадим атторчи холадан. «Тоғдан терамиз», — деб жавоб берди у.

Қалампирмунчоқ... Неча-неча замонлардан буён аёлларимизнинг кўксини безайди. Ҳиди не-не алп-баҳоидирларни энтик-тирмаган.

Қалампирмунчоқни биласизми?.. Атторчи хола: «Тоғда ўсади», — деди, лекин унинг гапи тўғрилигига гумоним бор.

— Қалампирмунчоқ бизда ўсмайди, — дейди ўсимликшунос олим. — Унинг ватани — Африқонинг шарқий қисми, яъни Мадагаскар ороллари дидир. У тропик ўсимлик. Узидан эфир мойи ажратади. Шунинг учун ҳам хушбўй. Уруғи гулламасдан терилади-да, ипга тизилади. Иси антисептик, яъни микробларни ўлдириш хусусиятига эга. Ҳавони турли хил микроблардан тозалайди. Танаси ва гули қуригандан кейин ҳам узоқ вақт ўзидан ҳид таратиб туради. Шунинг учун қалампирмунчоқ шифобахш ўсимлик ҳисобланади.

Буюк Ипак Йўлидан ўтиб-қайтган шуқуҳли қарвонлар қалампирмунчоқни бир неча асрлар илгари бизнинг юртимизга ҳам олиб келдилар. Бу мунчоқ бора-бора миллийлашиб кетди. Қалампирмунчоқ келин ва қизларнинг, аёлларнинг либосларига яхши ният билан қадалган. Бола соғлом бўлсин, турли касаллик, бало-қазодан асрасин, деб фарзандларнинг бешиқларига тақилган.

Илгарилари қалампирмунчоқдан тузлама қилишда фойдаланганлар. Памилдори, бодринг каби полиз маҳсулотларини катта идишларда тузлаганда узоқ ва яхши сақлансин учун идишга қалампирмунчоқ солганлар.

Қалампирмунчоқ... Ҳар сафар бувимни эслаганимда ўша мунчоқнинг таниш хуш бўйини димоғимда туяман. Бирон жойда қалампирмунчоққа кўзим тушиб қолса, бувим тирилиб келаётгандек бўлаверади.

Назира ҚУРБОН қизи





Магар пешонангда бўлмаса бекор,  
Дарё ёқасида чанқаб ўласан.  
Совуқдан ўласан ўт ичида зор,  
Саратон чоғида яхлаб ўласан.

Магар пешонангда бўлмаса, ёрон,  
Очингдан туробсан, гар донинг хирмон,  
Буюрмас бағринга отилган жонон,  
Йўллардан изларин излаб ўласан.

Магар пешонангда бўлмаса, ёраб,  
Тўйда ҳам бегона табассум, тараб,  
Кундуз ёруғликни топмассан, бор гап,  
Ярангни ғам билан тузлаб ўласан.

Армонли кўнгилда бўлмагай тинчи,  
Ҳақ рост сўзларимдан инжисанг, инжи,  
Барча бир ўлганда қутилар, сен-чи,  
Бир эмас, ўн эмас, юзлаб ўласан.



## ЁШЛАРГА

Боболар ҳурматин қўйсақ жойига,  
Биздек қартайингиз дердилар хушвақт.  
Ёшликни бой бердик ғамлар ройида,  
Боболар мисоли қартайдик бевақт.

Ўттизда қартаймоқ — фожеа, даҳшат,  
Баҳорда қор ёғса ким бўлмас дилтанг.  
Боболар мисоли қаринглар, фақат  
Бемаҳал қариманг, бевақт қариманг!

Висолдан бошланар ҳаёт дегани,  
Ҳаёт ҳаёт эмас ёр дийдорисиз.  
Висолдан бошланар ҳаёт дегани,  
Кунларинг дилдорсиз — дутордир торсиз!

Ўттиздан ошибман сенсиз, номурод,  
Ҳаёт бошламасдан, хажринг — мамотим.  
Эй сен тош юракли, юрагим, наҳот  
Ҳаётим бошланмай битса ҳаётим.

Қорлар эрир, поклик қолар,  
Аму билан Сир қолади.  
Кетсам мenden шеър қолади,  
Тўрт ўғлим — тўрт эр қолади.

Жоҳил сендан не қолади,  
Не қолади сендан нодон.  
Қурумдан не қолар эди,  
Оловлардан қўр қолади.  
Хоин, сендан хоин қолар,  
Даъво қилма ботир дея,  
Мордан шермас мор қолади,  
Мурдан отмас мур қолади.

Мен пойгакда, сен тўрдасан,  
Мен Юсуфдан баланд дема,  
Мендан пойгак қолса қандоқ  
Сен сурдан ҳам тўр қолади.

Дилга тушса ёрдан гумон фалакнинг дўзахи шулдир,  
Шўрлик жонинг ёна-ёна охир ўт ичида кулдир.

Ҳиёнатли оламдир бу, аламдир бу, ситамдир бу,  
Ҳиёнатдан зада одам нечун хиёнатга кулдир.

Тополсанг бир вафоли ёр, икки жаҳонинг жаннатдир,  
Бўлса ҳам еганинг ёвгон, бўлса ҳам кийганинг жулдир.

Шубҳаларга қилмай қарам, мени жонимдан озод эт,  
Бу куйга солмайин бошин, эй фалак, Юсуфни ўлдир!

Бизга насиб бўлмаган гуллар,  
Кимларгадир насиб бўлдилар.

Пешонада ҳижронли йўллар,  
Ярим диллар ғариб бўлдилар.

Ошиқларни сийламас қисмат,  
Рашк тиғидан майиб бўлдилар.

Саҳардаги сирдош ёронлар,  
Тонгда менга рақиб бўлдилар.

Нетай, Юсуф, шоирлар эмас,  
Назмбозлар шариф бўлдилар.



## «САОДАТ»ГА ГАПИМ БОР

1. Жўрнолимиз Сизга маъқулми?
2. Нималарга эътибор берайлик?
3. Камчилигимизни юзга айтинг.

**Нилуфар ҚУЛИМБЕТОВА,**  
ТошДД журналистика факултети  
толибаси

1. «Саодат» ҳаммамизнинг сеvimли жўрнолимиз. Унда оила кўргонини мустаҳкамлаш йўл-йўриқлари, ахлоқ ва одоб тўғрисидаги бугунги мулоҳазалар, барҳаёт сиймолар, Шарқнинг ўчмас чироқлари, меҳр ва мурувват сабоқлари, аччиқ дил изтироблари, ҳаёт остонасида турган ёшлар ташвиш ва муаммолари, ёлғиз оналар ўй-кечинмалари — ҳамма-ҳаммаси ўз аксини топади. Энг муҳими, жўрнолни ўқиб муштарий ўша воқеалар орасида

юргандек ҳис қилади ўзини. «Саодат» бу кун нафақат хотин-қизлар жўрноли, балки унда кўтарилган ижтимоий-сиёсий, фалсафий ўй-мушоҳадалари билан оммабоп жўрнолдир.

2. Менимча, қизларга, нафақат қизларга, барчага «Ростонбувининг ўғитлари» қаттиқ таъсир қиларди. «Урганганинг ўзингга» рўкни остида берилган хилма-хил пазандалик маслаҳатлари жуда яхши. Аёллар гўзаллиги ва уни асраш ҳақида берилган маслаҳатларни ҳамма жон-жон деб ўқийди. Маҳаллий муаллифларга ҳам кенг ўрин берилса.

3. Шоирлар бир-бирини такрорламаса, насрда ихчамликка қандоқ кучли интилиш сезилса ундан чиқадиган маъно кишиларни чуқур ўйга толдирсин.





# Дунё кулгуга тўйсин!

Тожикистоннинг Ленинобод вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг солисти, қизиқчи Ҳожибой ТОҶИБОЕВ билан  
жўрналист Санобар ФАХРИДДИНОВА мулоқоти

**Санобар ФАХРИДДИНОВА:**— Ҳожибой ака, Сиз билан қайси тилда суҳбатлашсак, муштарийларимизнинг кўнглидан чикаркимиз — жиддий тилдамги ё кулгу тилидами!..

**Ҳожибой ТОҶИБОЕВ:**— Энди... келинг «нормалний» ўзбекча тилда гаплаша қолайлик...

**С. Ф.:**— Жуда соз! Сизни аввало, ўзбек аёллари ва кулгусевар мухлисларингиз номидан ЯНГИ ЙИЛГА, ЯНГИ ЗАМОНЛАРГА етишганимиз билан қўтлаймиз!

**Х. Т.:**— Ҳаммаси учун қўллуғу, аммо шу ерда аячангиз бўлмадилар-да — биз ҳаммиша битта майизни ҳам иккига бўлиб егувчи эдик... бу табрикдан ҳам биллашиб баҳраманд бўлармидик дейман-да...

**С. Ф.:**— Муддаомиз ҳам шу-да — Сизга муборак руҳни «юқтирсак», албатта бу руҳдан келинаемиз ҳам баҳраманд бўлишларига имонимиз комил. Ахир бекорга айтишмаган-ку: «Яхши кайфият юқувчан бўлади» деб. Тилагимиз — хонадонингиздаги бу яхши кайфиятнинг умри боқий бўлсин!

**Х. Т.:**— Қуллуқ, қуллуқ!

**С. Ф.:**— Ҳожибой ака, гапни келинайдан бошладикми, энди мавзунини давом эттирсак... Доим қизиқчилик қилиб, аячамизни ҳам кулдириб юрсангиз керак-а!

**Х. Т.:**— Нима десамикин... Санобархон, театрда машқ чоғида ҳаммани кулдиришни ўйлайман-а-ан — бир; сахнада ҳам томошабинларни кулдиришга уринаман — икки; улфатлар, ошна-оғайнилар қўйишмайди — уларнинг ичагини узишга (товонсиз, албатта) ҳаракат қиламан — уч. Энди уйга келиб ҳам (қорин очиб турса-да) ҳар хил латифалар айтиб, қилиқ қилаверсам, аввало ошқозонга жабр, ундан кейин «бип-бино-йдай одам эдилар-а...» деб, аячангиз кулиш ўрнига хўнграб йиғлашга тушиши турган гап, бу — тўрт. Шу боис, ҳеч бўлмаганда уйда «нормалний» гапиришга ўзимни мажбур қиламан, десам ишонверинг. Лекин бир-биримизни ярим сўздаёқ тушунамиз. Керакли ўринларда аячангиз ўзлари кулиб олаверадилар, бу — беш. Бир кулсалар, уларни уришиб ҳам тўхтатолмайди одам, бу — олти.

**С. Ф.:**— Демак «Аёлнинг жони қирқта» лигига қаттиқ ишонган ҳолда аёлларга ҳаммиша жиддий муносабатда бўлмоқ лозим деб ўйлайсиз-да, тўғрими! Аёл жонларидан бирини ишга солиб, жиддийдан ҳам ўзи кулгу яратиб олаверсин экан-да!

**Х. Т.:**— Аёл киши билан ҳазиллашиб бўлмайди, демоқчиман-да, сингил, улар буни нотўғри қабул қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас-ку, шундаймасми?! Жонларининг қирқталигига келсак, бу борада фақат уларга «тасанно» айтишдан бўлак чорам йўқ. Ҳолбуки, кўпда менга йўналиш ва мавзулар бўйича уйимдаги хотин-қизлар (Онажоним, рафиқам, қизим — умрлари узун бўлсин!) салтанатининг кун тартибдаги мушкулотлар ҳам сабаб бўлади-да. Шу ўринда дилдош эркакларимиздан сўровим бор: биродарлар, аёлларимиздан ҳеч қачон бир ҳовуч жиддий меҳримизни, шафқатимизни аямайлик. (Албатта, вақти-вақти билан кулдириб туришни ҳам унутмаслигимиз шарт!)

**С. Ф.:**— Ҳожибой ака, оилангизда, авлодингизда ҳам қизиқчилар бўлганми!

**Х. Т.:**— Узбеклар асли пири бадавлат, серфарзанд халқ. Биз ҳам шулар қатори кўп эмас, оз эмас оилада 8 фарзандимиз. Онам (Шаҳринисо ая) ва отам (Шодимурод ота)ларнинг умри колхозда колхозчилик билан ўтпти. Улар меҳнатдан бошқасини билмаган заҳматкаш инсонлардан. Қизиқчилиқни, гапиришни менинг елкамга юклаб қўйишган. Ҳозирча бу борада жафокаш — ўзим. Авлодимизда эса ойланинг ойилари ҳамда Канасой аммам ҳазилмутойибга жуда уста бўлганлар. Қариндошлар йиғилиб қолишса, бироздан кейин улар ижросида ўзларининг юриш-туришлари-ю, қилиқларининг «капировка»сини кўриб маза қилиб кулишган. Менинг ҳам биринчи машқларим шу алпозда бошланган эди. «Насл тортиш» деганлари шу бўлса керак-да.

**С. Ф.:**— Ҳожибой ака, Ватан остонадан бошланади, дейишади, энди хонадонингиздан Ўзбекистон сарҳадларига кўчсак. Ўзингиз айтганингиздек «тожикининг ўзбек фарзанди» бўлиб кўнгилларга сингансиз. Сизнинг Ўзбекистондаги ўрнингиз, мавқеингиз Тожикистондагидан кам эмас. Халқимиз сизни севади, истеъдодингизни қадрлайди. «Қизиқчи-90» кўригининг ғолиблик шоҳсупасига муносиб кўрилишингиз ҳам кулгусевар элимизнинг сизга бўлган жиддий муносабати, самимий эътирофидир.

**Зулвисонайн қизиқчи бўлиш осон бўлмаса керак, албатта. Айтингчи, ҳангома, латифаларингизга қаердан зуваला оласиз?**

**Х. Т.:**— Ҳақиқатдан ҳам ҳаётимни Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз тасаввур қилолмайман. Аслида ўзбек ҳам, тожик ҳам бир қавм — туронзамин фарзандларимиз. Шу боис, менинг ижодонам шу замин, қахрамонларим ҳам ўзим севган туркий эл. Уларнинг муаммоларида, камчиликлари-ю, ютуқлари-да, қайғулари-ю, шодликлари-да деярли бир хил. Таъбир жоиз бўлса, менинг «касарларим» инсонларнинг руҳиятлариаро тўғилади. Унинг маскани йўқ — одам бор жойда янги зува-ла дунёга келаверади. Томошабин менинг айтишларимда ўзига ўхшаган одамни кўриб завқланади, кулади, қайта тарбияланади. Биз — қизиқчилар эса улар юзига ўзимиз ясаган кўзгуни тутамиз, холос.

**С. Ф.:**— Демак, кўзгунинг кенглиги ва тиниқлиги эса сизларнинг имкони қудратингизга боғлиқ!

**Х. Т.:**— Ҳа, энди...

**С. Ф.:**— Ҳожибой ака, қўшиқчиликда ҳам сиздан «ўтадигани» йўқ дейишади...

**Х. Т.:**— Жуда тўғри айтишибди. Аммо, фақат опера қўшиқчилиги билан шуғулланаман.

**С. Ф.:**— Муштарийларга ҳам бирорта қўшиғингиз матнини ҳавола қилсак!

**Х. Т.:**— Қўшиқ матнини берсак бўлар-у, аммо бирор учрашувда «ўша қўшиқни айтиб беринг», деб қолишса, сизларни хижолатга қўяманми, деб хавотирдаман. Яъни у ҳолда чидам билан мени эшитишлари учун уларни ўриндикларга боғлаб қўйишга тўғри келади. Келинг, яхшиси суҳбат ниҳоясида бирорта ҳангома айтиб берақолай...

**С. Ф.:**— Айни муддао, Ҳожибой ака, кулгу — минг дардга даъво дейишади. Сизнинг «кулгүтерапиянгиз»дан қандай касаллар шифо топиши мумкин! «Реклама» учун икки оғиз...

**Х. Т.:**— Очигини айтсам, айрим тўғри йўлдан озганлар, бузилганларга менинг сеансимдан кўнг сал инсоф энганлиги, жоҳилнинг сўздан жароҳатланган қалбларда чандиқ ўрни битиб кетганлиги ҳақида ривоятлар юради... Бу йилги режаларим эса ҳозирги асабий дамларда юракка дарз етказмаслик чораларидан одамларни огоҳ этиш ҳамда уларни малҳам — дори билан таъминлаш ниятидаман. Умидворлар томошахонага бораверишин, Хиз-



Қизиқчи Ҳожибой Тожибоев падари бузруквори ва онаси билан

матдан қочмайман. Аммо шу ўринда айтиб ўтишим керак: кулгу, бу — фақат оққўнгил инсонларнинг юзига шуъла, жонига мадор, дардига шифо бўлади. Менинг сеансларимга бетамизлик, ичиқоралик ва такаббурилик каби унсурлар қон-қонига сингиб, «хронический» касалликка айланиб кетган кимсаларнинг келиб овора бўлишларига ҳожат йўқ. Ундай беморларга худойимнинг жазо сеансларигина даво бўлмаса, менинг қўлим калталиқ қилади...

**С. Ф.:**— Ҳожибой ака, бу эълонингиз кўпчиликини хушёр тортиришига аминман. Аммо аниқ маълумотларга кўра, дунёда 90 фоиз тузаладиган касалларнингиз мавжуд экан. Демак, Сизнинг мухлисларингиз камаймайди. Ишқилиб, сеансларга тайёргарлик — машқ сизни чарчатмаса бўлгани...

**Дарвоқе, бўш вақтингиз ҳам ўзи нуқул машқ билан ўтса керак-а! Ё ўзга «хобби»нингиз ҳам борми!**

**Ҳ. Т.:**— Ярим ҳақсиз, сингил. Лекин... бўш вақтнинг 50 фоизи машқ бўлса, 50 фоизи умрнинг кемтик жойларини тўлдиришга сарф бўлади. Яъни... масалан, ҳажвий расмлар чизиб жони-диллим. Ундан кейин ҳар хил кўриқлар ўтказиш мумкинлиги ҳақида ҳам кўп «фантазиялар» қиламан. Жумладан «Мисс Ўзбекистон» кўриги ўрнига «ХУНАРВОН» ишлаб чарчамайдиган, бақувватликда ноёб, кўп болали, аммо навқирон — хуллас ҳар томонлама «рекордсмен» хотин-қизлар кўнкурси ўтказиш лозимлиги ҳақида таклиф киритмоқчиман масъул ташкилотларга.

**С. Ф.:**— Бундан чиқди Шароф Бошбек оғамизнинг «Темир хотин»ларини кўпайтирмоқчи экансиз-да, раҳмат-е... Яхшиси, Ҳожибой ака, қомилга аёл қандай фазилатлар эгаси бўлиши лозим деб ўйлайсиз. Шу ҳақда гапиринг.

**Ҳ. Т.:**— Менимча, у иқтидорли санъаткор бўлиши керак. Шундай аёлгина юз хил ролнинг ҳар бирини алоҳида гўзал ижро эта олади. Эътибор беринг, аёл болага нисбатан она, оилада — хотин, автобусда — йўловчи, магазинда — харидор, эр ичиб келганда — бечора... ролини ижро этишга тўғри келади-ку. Бирортаси қиёмига етмаса... худо кўрсатмасин!

**С. Ф.:**— Никоҳгача бўлган севги билан никоҳдан сўнг туғилган муҳаббат ўртасида қандай тафовут бор, деб ўйлайсиз!

**Ҳ. Т.:**— Эй муҳаббат... Муҳаббатнинг босқичлари кўп. Босқичларнинг қаҳрамонлари эса ўзига хос характерга эга. Аҳамият беринг: никоҳгача бечора йигит йўл пойлаган, гул кўтарган, қизни кинога, театрга таклиф қилган, қиз эса бепарво... Энди никоҳдан сўнг: келин овақат қилган, кийимларини дазмоллаган, йўл пойлаган, сўзлари ёқмай қолишидан ҳадиксираган, кино, театрга таклиф қилган, йигит эса бепарво...

**С. Ф.:**— Яқинларингизга кўпроқ қандай совға танлайсиз?

**Ҳ. Т.:**— Байрам олдидан аввало, нозикроқ жойда ишлаётган бутун танишларингиз, оғайнларингизнинг «соғлигидан хабар олишга» тўғри келади. Хуллас, танишингизнинг «соғлиги» ва... ўзингизнинг кимлигингиз биллиб оласиз. Ўзингизнинг ўзгалар назарида кимлигингизни билиш қанчалик ёқимли бўлса, совға танлаш жараёни ҳам шунчалар ёқимлидир. Мен ҳам кўпчилик қатори энг яхши совға гул деб биладиганларданман. Чунки уни ҳамма жойдан топса бўлади.

**С. Ф.:**— Ҳожибой ака, ноёб қобилият соҳиби сифатида аёлларимизнинг қайси хислатларини қадрлашингиз ҳақида билишни истардик. Фақат жиддий...

**Ҳ. Т.:**— Ҳозир... ҳозир битта шоҳ байт туғилиб қолди. Сизга ҳавасим келаяпти, шундай тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибсиз-а, мана эшитинг:

Аёл нозик эрур мисоли чинни,  
Авайлаб қадрига етмаган — жинни.

**С. Ф.:**— Қўллуқ...

**Ҳ. Т.:**— Ана, кўрдингизми, аёл кишига «зифиртдай» ҳазил қўшиб гапирсанг, дарров дакки ейсан.

Демак, беҳазил айтадиган бўлсак... Ҳадиси шарифда шундай калом бор: «Тангри... эркаклар кийимини киядиган аёлни лаънатласин!» дейилади. Менинг камтарона кўнглим ҳам доим муқаддас аёллик либоси узра ҳақиқий Аёлни кўришни истайдир.

**С. Ф.:**— Ҳадиси шариф каломларини эслатиб, дилга нур юборгандек бўлдин-

гиз, Ҳожибой ака. Мен ҳам шу ўринда ул мунаввар махзандан бир иборани хотирладим: «Яхшиликни чехралари очиб, хушрўй одамлардан кутинг» дейдиларким, муштариёларимиз ҳам Сиздек хушхандон инсондан латиф бир калом кутишлари табиий...

**Ҳ. Т.:**— Мен онахон ва опа-сингилларимизга бахти бекамлик, шоду хуррамлик ва энг зарури — уйларида тинчлик, хотиржамлик тилайман. Қуйидаги ҳангомаларимни ҳам дилингизга йўлланган бир чимдим яхши тилак деб қабул қилингиз!

**С. Ф.:**— Раҳмат, дунёни кулгуларга тўлдириб беринг, Ҳожибой оға!

## БАҲОНАНИНГ ТУРИ

Эр-хотин кечаси ётган экан, уйқуси келмаган хотин гап бошлабди:

— Дадаси... хў... дадаси...

Эр (жим)...

Хотин:— Дадаси!

Эр (жаҳл билан):— Ҳа!

Хотин:— Менга қараб ётинг...

Эр:— Ўзим биламан қаёққа қараб ётишни. Сендан сўрамайман!

Хотин:— Менга қараб ётинг...

Эр:— Кеча сенга қараб ётгандим...

Бугун бу ёққа қараб ётаман... Гапинг борми?!

Хотин:— Йўқ... (хўрсиниб) Битта саволим бор эди сизга.

Эр:— Қанақа савол?.. Беравер!

Хотин (эркаланиб):— Дадаси, манави тириллаб турган холодилнигимиз музи совуқмикан, Антрактидани музи совуқмикан?

Эр:— Иккаласидан ҳам сенинг гапинг совуқ!— деган экан!

Бу гапдан кейин опамиз кулворипти деб ўйламанг — у киши ҳам «Хих» — деб шарт-та тескари ўгирилибти. Эригаям баҳона топилди:— «хих» бўлса — «хих» да — деб бу ёққа ўгирилибти. Иккаласи араз, гаплашмайдиган бўлиб қолишибти...

Ана шунча! Оилада эр-хотин жанжал чиқараман деса, жуда баҳона кўп. Ҳеч бир хонадонда жанжал бўлмасин! Уйинглардан барака кўтарилмасин! Байраминглар муборак бўлсин!

Ижтимоий сиёсий ва бадий безакли хотин-қизлар жўрноли «Саодат» 12 [703]-сон 1993 йил декабрь ойи

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни ва «САОДАТ» жўрноли ижодий жамоаси

Жўрнал фақат ўзбек тилида чиқади

Таҳририят манзилгоҳи: 700083, Тошкент, Бош почта. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.


### ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош муҳаррир: 33-68-10; бош муҳаррир ўринбосари: 33-49-03; масъул котиб: 32-56-19; ижтимоий сиёсий бўлим: 32-56-03; адабиёт ва санъат бўлими: 32-56-04; турмуш ва маданият бўлими, кенгаш бошқаруви ва депутатлар фаолияти бўлимлари: 32-56-69; безаш ва техник ишлар: 32-56-68; сураткаш муҳбир: 32-58-90

Теришга берилди 28.10.93 й.  
Босишга рухсат этилди 21.12.93 й.  
Қоғоз формати 60×90<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Ботиқ босма учун қоғоз Ботиқ босма  
Шартли босма листи 4,5.  
Нашр ҳисоб листи 5,75.  
Шартли бўёқли нусха 10,5.  
Буюртма рақами 2429  
234715 нусхада чоп этилади.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.  
700083, Тошкент шаҳар,  
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

© «Саодат» 12-сон





ТУҒИЛИШ

УЧОҚ БОШИДА

Мусаввир Чори БЕКМИРОВ Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилиб вояга етган. Урта мактабни тугатиб, аввал Беньков номидаги бадий билим юртини, сўнгра Санъат олиғоҳини тамомлади. У кўпроқ машҳур мусаввир академик Раҳим Аҳмедовдан таҳсил олган.

Унинг ижодий ишлари АҚШ, Япония, Олмония, Франция, Англия, Голландия каби ўттиздан ортиқ давлатда санъат ихлосмандларининг бебаҳо коллекцияларидан ўрин олган.

МУСАВВИР  
ЧОРИ БЕКМИРОВ  
АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

